

84(5'ыз)

Р26

Адиб
ба
жамият

Сирожиддин РАУФ

НИЛИЙ НАҚШЛАР

Шеърлар, достон
ва таржималар

84 (58)
Р-20

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ


Адиб
жамиат

Сирожиддин РАУФ

НИЛИЙ НАҚШЛАР

Шеърлар, достон ва таржималар

4



У-8839½

ТОШКЕНТ
“ADABIYOT”
2021

УЎК: 821.512.133-32-1

КБК: 84(5Ў)7

Р 26

Рауф, Сирожиддин

Р 26 **Нилий нақшлар** [Матн]: Шеърлар, достон, таржималар.
С. Рауф. – Тошкент: «Adabiyot» нашриёти, 2021. – 216 б.

ISBN 978-9943-6782-0-0

Масъул мухаррир

Ғайрат МАЖИД

Қўлингизда турган ушбу китобда таниқли шоир, таржимон Сирожиддин Рауфнинг Ватан, миллат, улуғ аждодларимиз васфида битилган, шунингдек меҳр-муҳаббат, садоқат каби муқаддас туйғулар тараннум этилган шеърлару достони ҳамда жаҳон ва қардош халқлар адабиётидан қилган таржима асарларидан намуналар ўрин олган.

Ишонамизки, ушбу китобдаги дилбар сатрлар қалбингиизга бир умрга нақшланиб қолади.

УЎК: 821.512.133-32-1

КБК: 84(5Ў)7

*Китоб Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
ҳомийлигигида чоп этилди.*

ISBN 978-9943-6782-0-0

© С. Рауф, 2021

© “ADABIYOT”, 2021

ИСТЕДОД ЖИЛОЛАРИ

Кейинги йилларда давлатимиз томонидан миллий адабиётимизга, умуман, санъат ва маданиятга қаратилаётган катта эътибор барча зиёлиларимизни, жумладан, адабиёт муҳибларини ҳам хурсанд қилмоқда. Бугун инсоннинг кўнгли билан ҳисоблашиш, унинг эзгу орзу-ниятлари рўёби учун қайғуришга фурсат топилмаётган тезкор, асабий бир даврда мамлакатимиз раҳбарининг китобхонлик маданиятини юксалтириш борасида қабул қилган фармойиш ва қарорлари таҳсинга сазовор воқеадир. Чунки муҳтарам Президентимиз таъкидлаганлариdek, «*Адабиёт, санъат ва маданият яласа, миллат ва ҳалқ, бутун инсоният безавол яшайди*»¹.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, унинг аъзолари бўлмиш адаб ва шоирларимиз бу даъватга жавобан кенг кўламли ижодий ишларни амалга ошироқдалар. Ёшларни она юртга садоқат ва муҳаббат руҳида тарбиялайдиган, буюк тарихимизни тараннум этадиган ватанпарварлик мавзуидаги асарларни ўқувчилар хукмига ҳавола этишмоқда.

Шунингдек, «Адабий дўстлик – абадий дўстлик» деган чуқур маъноли тамойилга амал қилган ҳолда, жаҳон адабиётининг дурдона асарларини ўзбек тилига таржима қилиш ва нашр этиш масаласига ғоят жиддий эътибор қаратилмоқда. Айни пайтда, мумтоз ва замонавий адабиётимизнинг энг сара намуналари ни хорижий тилларга ўгириш ва чет элларда тарғиб

¹ Ш.М.Мирзиёев. “Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини ҳалқаро миқёса ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари” мавзусидаги ҳалқаро конференция иштирокчиларига табрик // president.uz / 2018 йил 7 август.

этишда ҳам Уюшмамизнинг хизматлари эътирофга лойик.

Улуғ адибимиз Абдулла Қаҳҳорнинг афоризмга айланган бир гапи бор: “*Ижодкор адабиёт майдонига тутаб кириб келдими, у бир умр тутайди. Адабиётга ёниб кириб келган бўлса, бир умр ёниб ижод қиласи*”. Йиллар ўтган сайин улуғ адибнинг юз карра ҳақлигига қайта-қайта амин бўляпмиз. Ҳамон бу майдонга тутаб кирганлар тутаб юрибди, ёниб кирганлар эса адабиётимиз ривожига баҳоли қудрат ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқда.

Сирожиддин Рауф ўзининг рангин шеърияти билан адабиётимизга дадил кириб келган, бугун ҳам ўзига хос шижаот ва илҳом билан ижод қилаётган ўрта авлод шоирларимизданdir.

Хўш, шоир шеъриятининг ўзига хослиги нималарда қўринади? Буни ижодкорнинг биринчи тўплами “*Йиғлаётган ой*”дан бошлаб, қўлимизда тутиб турган мазкур “*Нилий нақшлар*” китобига жамланган янги шеърлар ҳам исботлаб турибди.

Авваламбор, Сирожиддин Рауф иймонли-эътиқодли шоир. Унинг юрагида она юртга нисбатан чексиз муҳаббат мужассам. У Ватанни бирон-бир манфаат илинжида эмас, бор ҳолича бегидир, бетаъма севади, унинг корига ярашни, хизматида бўлишни шараф деб билади.

*Асрий синовлардан мардана ўтган
Қаддингга суқланиб қарасам дейман.
Аждодлар кифтида улғайган, Ватан,
Фарзанддай корингга ярасам дейман!*

У “Юртдан олисда”, “Кўкгумбаз”, “Ватан”, “Шахрисабз қўшиғи”, “Соҳибқирон” сингари ўнлаб шеърлари-

да ана шу азиз Ватаннинг турли суратларини чизади,
унинг ўтмиши, бугуни, келажаги ҳақидаги шоирона
ўйларини санъаткорона ифода этади.

*О, юртим, ҳуснингга боқиб тўймайман,
Бундайин гўзал ранг қайда бор ахир –
Камалакнинг етти тусига татир.*

Маълумки, муҳабbat мавзууси ҳеч бир шоирни чет-
лаб ўтмаган. Бинобарин, бу нозик мавзу Сирожиддин
Рауф шеъриятининг ҳам муҳим бир бўлгини ташкил
этади. Мен бу мавзудаги битикларни фавқулодда то-
пилмаларга, инжа ташбеҳларга, қочирим ва ўхшатиш-
ларга бой шеърият дегим келади.

*Тим қаро соchlарим, ҳайҳот, бўлди оқ,
Бу вақтнинг ҳукмидир: йиллар беомон.
Ҳамон сени десам қалбимда титроқ,
Кундан-кунга майдек қувватли армон...*

Ёки:

*Вужудлар чайқалар мисоли денгиз,
Ҳапқириб кетмасин дегандай қалблар –
Тобора қаттиқроқ жисплашар лаблар!*

Туйғулар сержило, ҳолат эса ниҳоятда табиий ифо-
да этилган. Бундай бадий пишиқ, рангин бўёқларга
қоришиқ сатрлар пировардида гўзал муҳабbat ман-
зумалари дунёга келишига омил бўлган. Шоирнинг
“Севги”, “Бир кун”, “Хато” сингари шеърлари, қатор со-
нетлари мазкур фикримизни тасдиқлайди.

Сирожиддин Рауфнинг сонетлари ҳақида фикр
юритганда, шоир шундай мураккаб ҳамда ниҳоят-
да юксак маҳорат талаб қиласидиган шеърий шаклни
пухта ўзлаштирганини алоҳида қайд этиш лозим.

Зеро, сонет бузилмас, қатъий қонуният асосида яратиладиган ғоявий-бадиий лирик асардир.

Сонетнинг мумтоз намунаси ҳар бири ўн бир ҳижоли ўн тўрт мисрани, ҳаммаси бўлиб эллик тўрт ҳижони ўз ичига олади. Мумтоз сонетнинг гўзал намуналари ни Данте, Петрарка, Бокаччо, Камоэнс, Ронсар, Эредиа, Бодлер, Митскевич, Брюсов, Колар, Бехер каби ўнлаб машҳур шоирлар ижодида учратиш мумкин.

Айни пайтда, сатрлар сони ва жойлашуви қонуни бузилган, лекин сонет деб аталган шеърлар ҳам учрайди. Уларда фақат ўн тўрт сатрли умумий шакл сақланиб қолади, бошқа жанрий талаблар эса бажарилмайди. Масалан, таниқли шоир ва адабиётшунос олим Абдулла Шернинг ёзишича, В.Шекспир, Ж.Дон сингари инглиз шоирлари турли хил қофияланган ҳар бири тўрт мисрадан иборат уч банд ва икки мисрадан ташкил топган бир бандли шаклни, П.Неруда эса, катрен ва тертсетларга бўлинган, лекин қофиясиз ўн тўрт мисрали шеърни сонет, деб тақдим этадилар. Булар орасида, айниқса, Шекспирнинг бир юз эллик тўрт шеъри сонет номи билан машҳур¹.

Ўзбек шеъриятига сонет XX асрнинг 30-йилларида кириб келган. Унинг анъанавий намунаси илк бор Усмон Носир ижодида учрайди. Кейин бу жанрда Барот Бойқобилов, Рауф Парфи, Эргаш Муҳаммад, Жамол Камол, Мирпўлат Мирзо, Фахриёр сингари шоирлар ижод қилди. Шу маънода, Сирожиддин Рауфнинг сонетлари ҳам алоҳида диққатга лойиқдир.

Хеч эътибор берганмисиз, Умар Хайём рубоийлари нима учун сира тилимиздан тушмайди? Катта-кичик давраларда улардан намуналар айтиб юрамиз. Чунки Сирожиддин Рауф айтганидай:

¹ Абдулла Шер. Сонет сирлари // «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси. 2009 йил, 43-сон.

*Ҳикматдан сўз айтсам агар тўрт қатор,
Шубҳасиз, бўлажак улар зўр қатор.
Бамисли дилларни овламоқ учун
Гулдан тўқилгандай нафис тўр қатор.*

Аён бўладики, тўрт қаторнинг зўрлигига шунчаки қофияга солинган гап-сўзлар эмас, ҳаёт чиғириқла-ридан ўтган хуласа-ҳикматлар сабаб экан. Шоир Сирожиддин Рауф бу сўзларни чин юракдан айтади ва ҳеч қачон бунга зид бормайди. Ваъда қилганидек, албатта, ўша тўрт қаторга бир ҳикматни усталик билан жойлайди:

*Ғам чекма, гарчи зар кўпроқ топмадинг,
Ё мансаб, эътибор хўброқ топмадинг.
Дод десанг арзигай ўтар дунёда,
Бир муnis, меҳрибон ҳамроҳ топмадинг.*

Назаримизда, китобдаги “Тўртликлар”ни уч туркумга: Оллоҳ ишқи, ёрга муҳаббат, ҳаётий кечинмаларга алоқадорларини мавзуга қараб алоҳида-алоҳида ажратилса, айни муддао бўларди.

Ҳозирги ҳолида мавзулар бир-бирига аралашиб кетгандек туюлади. Агар тўртликларга биз айтгандек тартиб берилса, шоирнинг муайян ҳодиса ва воқе-ликларга муносабати янада ойдинлашиб, ҳикматга йўғрилган кечинмалар бутун бор бўйи билан юз кўрсатар эди, деб ўйлайман.

Мазкур тўпламдан ўрин олган “Видо” достони Сирожиддин Рауфнинг кўнгли, дилидан тошиб чиққан муҳташам сўз бўлибди. Шоир одамзот токи ўз-ўзлигини англамагунча, беш кунлик дунёдан арзигулик бир маъни топмаслигини, йиллар ва йўллар оша минг юургани билан асл моҳият сари бир қадам ҳам қўёл-

маслигини маҳорат билан талқин этган. Достоннинг ютуқ ва ўзига хосликлари ҳақида адабиётшуносларимиз ҳали кўп муносабат билдиришади, деб ўйлайман.

Сирожиддин Рауф таржима бобида баракали ижод қилиб келаётганини алоҳида таъкидлашни истардим. Тўпламда унинг рус адилари орасида адабиёт йўналиши бўйича Нобель мукофотининг илк совриндори Иван Буниндан қилган шеърий таржималари, шунингдек, украиналик улуғ шоир ва ёзувчи Иван Франконинг “Боқий ҳаёт ҳақида афсона” достони ва шеърларидан намуналар жой олган.

Айниқса, у украин халқининг яна бир озодлик ва эрк қуйчиси Леся Українка ижодининг чўққиси ҳисобланган “Ўрмон қўшиғи” драмаси таржимасига дадил қўл урибди. Бу ишни юксак маҳорат билан удалаб, ўқувчилар ҳукмига ҳавола этганини эътироф этиш лозим.

Бир вақтлар аллома ижодкоримиз, Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов Леся Українканинг “Мағораларда” драмасини тўлиқ ўзбек тилига ўгирганидан, кейинроқ эса “Ўрмон қўшиғи” драмасидан ҳам айрим парчаларни ўзбекчалаштирганидан хабаримиз бор. Бу далил машҳур шоиримиз мазкур драма таржимаси билан ўзбек китобхонларини курсанд қилиш истагида бўлганидан далолат беради. Афсуски, бу эзгу ният амалга ошмади. Шу боис, Сирожиддин Рауфнинг ушбу асар борасидаги муваффақиятини устоз руҳини шод этиш йўлида садоқатли шогирднинг сидқидил саъй-ҳаракати, деб баҳолаш мумкин.

Мухтасар айтадиган бўлсак, Сирожиддин Рауфнинг “Нилий нақшлар” деб номланган янги китобида Ватан, элу юрт васфида битилган, айни пайтда, тинчлик, ишқ-муҳаббат мавзуидаги шеърлари, лирик-фал-

сафий достони ҳамда жаҳон ва қардош халқлар адабиётидан қилган таржима асарларидан намуналар жамланган.

Ҳар бир яхши китоб инсон учун ўзига хос маънавий озиқ манбайдир. Шу маънода, мазкур китоб адабиёт ва шеърият ихлосмандлари, умуман, барча ўқувчиларнинг меҳрини қозонади, деб ишонаман.

Акмал САИДОВ,
академик

ЮРТДАН ОЛИСДА

Ўзимда эмасман. Ичикдим,
Кўнглим бу дам – мулки вайроним.
Оҳ, сенсиз мен Ойда ҳам ҳеч ким,
Она юртим, ота маконим.

Дерлар бунда: “Господин”, “Мистер”,
Янграб қолар баъзан: “Эфендим”.
Мен эса жон-жонимга татир
“Ошна” деган сўзни соғиндим.

Қайди бўлмай, Лондон, Парижда –
Ҳайбати, ҳайрати чўт эмас,
Не тонг, бугун кибор хорижда
Тошкент, Термиз, Андижон ҳавас.

Шубҳа нечун?
Тақдир зайди бу:
Шундай бўлган, шундай бўлажак.
Милён-милён юрак майли бу,
Буюк ўтмиш – буюк келажак!

Қайси эл иймонда пойидор,
Эътиқодда событдир бирдай –
Унга Оллоҳ ўзи бўлиб ёр,
Улуғларнинг руҳи қўллагай.

Ён бермасак турфа каззобга,
Ким ҳам бизга ёмонлик ўйлар.
Ногаҳоний офат-қазога
Балогардон Нақшбандийлар.

Бу шундайин юрт – жаннатмонанд,
Осойишта еру осмони.
Эзгуликка диллари пайванд
Одамлари одамнинг жони.

Қад ростлайди Боғи Эрам, чин,
Қай томонга нигоҳинг тойса.
Нохос билмай босганинг учун
Кайфиятинг бузмайди майса...

Шу дам юртим тошу гиёҳин
Ҳар кимга мақтаниб толаман.
Баён этсам ҳоли сиёқим:
Она деб ичиккан боламан.

КҮК ГУМБАЗ

Қарши шаҳридаги XVI–XVII асрға мансуб
тарихий обида қошидаги үйлар

Долғали кечмишни раво күрибди,
Сени суронларга ташлаган қисмат.
Мангулик қаңқаһа уриб турибди,
Бошингда йилларни қиличдек сермаб.

Мағұрурсан, елкангда асрлар чанги,
Пойингда тин олар саҳройи еллар.
Үтди не замонлар үчганча ранги,
Қарайсан: яна не давронлар келар.

Шарафға гувоҳсан, хўрликка гувоҳ,
Барчасин үйласам, шошади ақлим.
Мўминлар тилидан тушганда Оллоҳ,
Илк бор кўчиб тушган ғиштларинг балким.

Кўрдинг, вақт уммонин тўлқини билан
Неча дов-дараҳту хаслар үтдилар.
Ҳасадда тўлғониб, сени заминдан
Супурмоқ истаган каслар үтдилар.

Кўйнингдан олтину гавҳар излаган
Ёвузлар қўлида неча тўп кўрдинг.
Энг мушкул дамда ҳам Ҳақ деб бўзлаган,
Дилида Худоси борни кўп кўрдинг.

Нилий нақшларда үйнаган офтоб
Ҳамсуҳбат бўлгандир сенга гоҳида.
Сен – нокас үтида ёнмаган китоб,
Ўтмиш ва келажак оралиғида.

Болангман, биш уриб тавоффа келдим,
Хотирот кунжлари ёришди элас.
Даврлар ўткинчи, сен боқый, билдим,
Олис болалигим осмони – гумбаз!

* * *

Бағрингда беш кунлик меҳмон бўлдимми?
Эй, ота маконим, эй она тупроқ!
Бошда қиров, энди қадринг билдимми?
Эй, ота маконим, эй, она тупроқ!

Туғилмоқ – ўлмоқ деб айтмишлар... қайдам,
Сенда кўз очибман, ўлимлар майда!
Умр – қоғоз кема бамисли сойда,
Эй, ота маконим, эй, она тупроқ!

Болалик гаштини тотганим эсда,
Оёқяланг бўлиб чопганим эсда,
Баҳорда бойчечак топганим эсда,
Эй, ота маконим, эй, она тупроқ!

Кўйнингдан хас каби учирди тақдир,
Гоҳ у ён, гоҳ бу ён кўчирди тақдир,
Феъли кенг отамдек кечирдинг охир,
Эй, ота маконим, эй, она тупроқ!

Мұҳаббат шунчаки бир эрмак девдим,
Бир қизни лахча чўғ, ўт бўлиб севдим...
Сўнг ҳижрон, азобга эш қилди севгим,
Эй, ота маконим, эй, она тупроқ!

Кувонсам, ул севинч ёшимда бўлдинг,
Ғам чексам, шу руҳсиз лошимда бўлдинг,

Ҳамиша ўйимда – қошимда бўлдинг,
Эй, ота маконим, эй, она тупроқ!

Мен фано илкида, бақодадирсан,
Кўзимга суртгудек озодадирсан,
Муштипар онамдай дуодадирсан,
Эй, ота маконим, эй, она тупроқ!

Ҳануз англолмадим ўзим ўзимни,
Мангу юмар бўлсам бир кун кўзимни,
Ўзингга ишонгум ўғил-қизимни,
Эй, ота маконим, эй, она тупроқ!

УМР ПОЁНИДА МУҚАННАНИНГ ХАЁЛИДАН КЕЧГАНЛАРИ

Ў, элим,
Эркни боласидек суйган элим-а,
Ишончинг қолмади наҳот ўзингга?
Ўтларда тобланган
Тиф каби кескир
Нигоҳлар кўрмоқни истаб эзилдим
Куриган денгиздек бўм-бўш кўзингда.
Ишондим:
Пичирлаб яшамоқ жонингга тегиб,
Наъра тортажаксан очиқчасига –
Ёришиб кетажак барчанинг онги
Озодлик сўзининг алангасида.
Орзу қиласердим.
Майсалар чинорга айланмагандек,
Орзум ушалмади – бахтинг кулмади.
Тафтига қуёш ҳам дош бера билмас
Оловга юрагинг макон бўлмади.
Сабр ва бардошнинг патларин тишлаб,

Тақдирга тан берган одамлар, қайтинг,
Бу хүрлик бизларга мангу насиба
Эмасдир,
Оlamга баралла айтинг!

... Армон-ла ўтмоқни истамасман, йўқ,
Шу боис ўт қўйгум энди ўзимга*-
Вужудим оловдан либослар кийиб,
Абадий
Акс этсин, элим, кўзингда.

1989

* * *

Бир сўз бор,
Номус деб тўкилган қондек мўътабар.
Куёшнинг илк нурин ичиб кўз очган,
Борлиққа кўрк бўлган гулдек муаттар.

Бир сўз бор,
Ҳар бир пок оғизга бирдек ярашган.
Бу сўзнинг соchlарин Тўмарис момо,
Муқанна боболар суйиб тарашган.

Бир сўз бор,
Унга етолмаган ҳали кўп миллат.
Шу сўзни унутиб яшаган элнинг
Еган nonи бўлmas асло bemиннат.

Бир сўз бор,
Йўл эрур у мангу vasлига Ҳақнинг.
Пешонаси ойдан, тонгдан-да ёруғ
Шу сўзни туғ қилиб кўтарган халқнинг!

*Ривоятларга кўра, Муқанна ловуллаб турган гулханга
кириб, ўз-ўзини ҳалок қилган.*

ВАТАН

Бу замин дарёю тоғлари билан
 Қачон бино бўлган? Билмас бир бандада.
 У мозий шавкати, доғлари билан
 Қизиқиш уйғотар кундан-кун манда.

Ўтмишнинг турфаранг қабатларига
 Ўйларим бош уриб, қақшайди ёдим:
 Ер шарин мана шу сарҳадларида
 Илк бор туғ қадаган қайси аждодим?!

Азиз бўлиб қай кун жулдур саҳролар,
 Қай замон муқаддас саналган тупроқ?
 Не учун қасд айлаб келса Доролар
 Ажалнинг кўзига тик боққан Широқ?

У қандай туйғудир ҳаётдан аъло,
 Қалқон қилиб ҳар дам жону жисмни,
 Ганимлар бошига солгучи яғмо,
 Юракдан ўчириб қўрқув исмини?

«Бирлашсак, бизники бўлади очун!»
 Ҳайқириб, от суриб ҳам сўлу ўнгга,
 Ёвга ташланаркан бамисли лочин,
 Ўшал ҳисни туйғандир Алп Эр Тўнга.

«Будуним, Туроним!..» О, ўтли калом,
 Қай аср ўйилдинг битиктошларга?
 Эл бўлиб юрт таниш бошланган замон
 Алп Тегин бошмиди кутлув ҳашарда!?

Ватан, яралдингу ҳар бир сония
 Юксалдинг, топталдинг чарх ўйинида.
 Букилган қаддингни тиклайнин дея,
 Қон кечди Менгбурни Аму бўйида.

Қонлар силқиб оқди, бағринг доғлади,
Мазлумлар сҳиу қилич жарангি.
Улуғ жанггоҳларга чорлаб, боғлади,
Соҳибқирон Амир Темур ярангни.

Шу шонли курашлар ёритди йўлинг
Тийра кечмишингнинг кундузи бўлиб.
Етти иқлим аро довруғ сололдинг
Мирзо Улуғбекнинг юлдузи бўлиб.

Тенгингни топмади дунёни бўйлаб
Не кабир зотларнинг буюк салафи.
Ўтди Навоийдек васфингни куйлаб,
Неча Хоразмийлар, неча Насафий.

Сен эдинг, шубҳасиз, Шарқнинг гавҳари –
Шеърият, илму фан, бари бунда жам.
Тегрангни дўст-ёрлар қуршаган сари
Кўпайди бадкирдор ғаламислар ҳам.

Жоҳиллар фош этди йўғу борингни –
Энг ёвуз ғанимдир ғофиллик асти.
Тупроғингни топтаб, талаб зарингни
Бостириб келди-ку қизил алвасти.

Кажрафтор измида қолди ҳур ўлка,
Борлиқни қоплади тўфон, қасирға.
Ўлим ваҳшатини сочди кўр кўлка
Эркталаб Чўлпону Усмон Носирга.

Оғир кишанларнинг зангин кўрган эл,
Озодлик қўйида бўлгай адолар.
Тўсиқлар дош бермас тошган каби сел –
Шарқираб оққандар

Nizomiy nomli
TDPU
kutubxonasi

Кўксидა ўзликни чўғдек асраган
Авлодга юксалиш ҳар дам ярашар.
Бу кўхна маъвога нигоҳ қадаган
Тарих битигидан боҳабар башар.

Оқиллик, жўмардлик омондир қонда,
Ҳаяллаб қолмагай нурли келажак.
Мерос ҳуқуқ ила жумла жаҳонга
Ўзбек ўз сўзини яна айтажак.

Асрий синовлардан мардона ўтган
Қаддингга суқланиб қарасам дейман.
Аждодлар кифтида улғайган, Ватан,
Фарзанддай корингга ярасам дейман!

ШАҲРИСАБЗ ҚЎШИФИ

Олис кечмишингга гувоҳдир Ҳисор,
Шону шухратингдан сўйлар ҳар чинор,
Мозийни ёритди «Авесто» такрор,
Битикларда номинг азал, шаҳри Кеш,
Унут бўлмас ноёб ғазал, шаҳри Кеш.

Она дегай сени қанча буюклар,
Эл баҳти деб юрак-бағри қуюклар,
Дунё борки, улар мудом суюклар,
Кўхна тарих эшигисан, шаҳри Кеш,
Соҳибқирон бешигисан, шаҳри Кеш.

Дерлар: бу дунёning неъмати сенда,
Ватаннинг энг улуғ қисмати сенда,
Ҳазрати Баширнинг ҳикмати сенда,
Авлиёлар қўним топган шаҳри Кеш,
Эзгу ният унум топган шаҳри Кеш.

Үйғонишнинг айни оби-тобида,
Үтди халқлар битта бошмоқ ғамида,
Тафаккурга ҳайкал бўлган обида –
Темур қурган Оқсаройсан, шаҳри Кеш,
Гўзалликда тоқ саройсан, шаҳри Кеш.

Бўлмади эл бир тан, ҳар иллат енгди,
Маърифат чекинди, жаҳолат енгди,
«Дунё маним» деган салтанат енгди,
Фарзандларинг бўлиб зор-зор, шаҳри Кеш,
Мустабиддан чекдинг озор, шаҳри Кеш.

Нечоғлик машъумдир ғаним назари,
Таланди она юрт сийму гавҳари.
Бу зулм домидан Озодлик сари
Талпиндинг ҳар лаҳза, ҳар он, шаҳри Кеш,
Колмади ниҳоят армон, шаҳри Кеш!

Энди аҳилликда достон бўлгайсан,
Эзгулик барқ урган бўстон бўлгайсан,
Жаҳон ичра буюк жаҳон бўлгайсан,
Истиқлолдан баҳти кулган шаҳри Кеш,
Истиқболдан кўнгли тўлган шаҳри Кеш.

2002

ИСТИҚБОЛ ЙҮЛИ

«Тошкент–Қарши» тезюарар поезді қатнови
йүлга құйилиши муносабати билан

Йүлланиб турибман ёруғ ҳисларга,
Мунаввар туйғулар қалбимга ёрдир.
Дутор торларидай темир изларда
Ушалган орзулар излари бордир.

Бир замон карвонлар Қарши чүлидан
Йилларни оралаб үтиб қайтгандир.
Уларнинг хабарин гулхан тилида
Даракчи тепалар элга айтгандир.

Дийдор илинжида күзлар бўлиб тўрт,
Софинчнинг селида йўқотган хобин.
Водариғ, узилган неча жонки мўрт,
Сарбон тортолмаган йўллар танобин.

Гар манзил олисдир, ўнқир ва чўнқир
Эрксиз йўловчига минг азоб бўлган.
О, юрак, сен бугун шодлан ва ҳайқир,
Юрт озод, йўл эса файзиёб бўлган!

Ҳарир ҳаволарда учқур қаторлар
Гулшанлар оралаб елиб боради.
Тонгда сафар қилган ошиқи зорлар
Оқшом қайтиб ёрга кўнгил ёради.

Ҳайратга чулғанган ҳаёт шиддати
Ақлни шоширап, порлагай шуур.
Буюк келажакнинг сенсан суврати,
Истиқлол ғояси – озод тафаккур!

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИЛК ЖАҲОН ЧЕМПИОНИГА

Сен учяпсан...

Мўъжиза юз бермас дея ишонган
Ғанимлар кўксидা бир армон қишилар.
Парвозинг пойида асов денгиздай
Тўлғониб-тўлғониб гувлар олқишилар.

Сен учяпсан...

Шамол бақраяди, унинг карвони –
Булутлар тарқалиб кетади шу тоб.
Милён тилсимларга гувоҳ бўлса ҳам
Ҳайратдан оқариб боради офтоб.

Қайга ахир,

Ахир нимага?!

Беадад саволлар қолар жавобсиз.
Бир меҳр кўзингда чўғдай ёнади,
Гумроҳлар англамас кўзларни, эсиз.

Йўқса, ўқирдилар кўнгил лавҳини,
Кўзларда акс этар мисли аланга:
«Менга қанот бўлган кўк ишқи эмас,
Оташ муҳаббатим она Ватанга!»

Учяпсан!

Юртнинг осмонига ойдай ярашиб,
Йўқотиб қўяди қушлар хушларин.
Ёдингга тушади, юрагинг тўлиб,
Маъюс кузатганинг бир вақт қушларни...

МУТОЛААДАН СҮНГ

Субҳидамда уйғонибман Навоийнинг навосидан,
Сипқорурман мудом энди күҳи маъни ҳавосидан.

Каҳкашонми эрди матлаб, юлдузлардан ўтдим ҳатлаб,
Юксалибири руҳим, ажаб, Ҳақиқатнинг сафосидан.

Адам дашти, алам тоғи роҳимда дуч келар гоҳи,
Ювилгуси күнгил доғи ҳазратнинг бир дуосидан.

Париваш домиға тушдим, жудо ўлдим эсу хушдин,
Вале, зинҳор йўқ илинжим ишқ дардининг шифосидан.

Манам банда бордир хато, кутулмоқлик чин муддао,
Не тонг, алар бўлгай адо маърифатнинг зиёсидан.

Ҳама шайхлар масиҳнафас, ризо истаб боргим келмас
Ўзгаси ҳеч даркор эмас улуғ пирнинг ризосидан.

Сирожиддин, гар бенаво ўтсанг оҳинг тинмас асло,
Фано умринг бўлур бақо асл ҳикмат садосидан.

ВАТАН СУРАТИ

Ватан суратини чизмоқ оғирдир,
аммо шу суратни чизмоқ истайман,
унга мос рангларни тинмай излайман,
қайди бўёқ бўлса, кўраман бир-бир.

Лек қандай чизаман кўнглим тўлмаса,
бу қадим маъвонинг буюклигини,
энг эзгу сўз каби суюклигини
ифода этувчи бўёқ бўлмаса.

О, юртим, ҳуснингга боқиб тўймайман,
бундайин гўзал ранг қайда бор, ахир –
камалакнинг етти тусиға татир.

Чизаман, фарзандман, чизмай қўймайман,
чизмай десам сўнгра қийнар армоним,
балки бўёқ бўлар юрагим қони!..

1984

ҚАШҚАДАРЁ ЁШЛАРИ ҚЎШИГИ

Соҳибқирон авлодларимиз,
Бобомерос азму шижаот.
Бунёдкорлик ҳаёт тарзимиз,
Эллар ҳавас қилсин тоабад.

Оқсаройни билади жаҳон,
Кудратимиз унда намоён.

Дўстга дўстмиз, ёвга беомон,
Мардоналиқ бизларга одат.
Таҳдидларга қўксимиз қалқон,
Юрт тинчлиги – олий саодат.

Қалбимизда, эй она диёр,
Муқаннанинг жасорати бор.
Бир ён Ғузор, бир ён Муборак,
Улашади юрак қўрини.
Машъалалар меҳрдан дарак,
Олислардан тұрар кўриниб.

Маъдан кони – чўлу сахро бу,
Мехридарё Қашқадарё бу.

Тоғ лочини виқори бизда,
Чүл жайрони каби чаққонмиз.
Эрк ёлқини юрагимизда,
Келажакка мағрур боққанмиз.

Собит қадам, собит сұздирмиз,
Она юртга қошу күздирмиз.

ОЛАМ ЖАВҲАРИ

Нафис гулдир тинчлик дегани,
Үз ҳолища яшнамас демак.
Оталарнинг гапи пурмаъни:
“Тинчлик учун курашмоқ керак!”

Асли удир олам жавҳари,
Офтоб қадар ёп-ёруғ тилак.
Лекин қувинг зулматни нари,
Тинчлик учун курашмоқ керак!

Жангуда жадал ичра бу замин
Асрларки айланар ҳалак,
Хавотирда ололмайди тин,
Тинчлик учун курашмоқ керак!

Не тонг, ақл етди қиёмга,
Аммо нафс ҳам отди ҳакалак.
Инсоф берсинг бани Одамга,
Тинчлик учун курашмоқ керак!

Ахир, эллар бир тан бўлмади,
Манфаатлар эмас муштарак.

Ёвуз ибليس ҳали ўлмади,
Тинчлик учун курашмоқ керак!

Мавжуд экан дунёда токи,
Темир қалб ва темир замбарак,
Топталмасин аждодлар хоки,
Тинчлик учун курашмоқ керак!

Униб-ўссин меҳрга қониб,
Ота-она бағрида гўдак.
Келажак деб курашинг ёниб,
Тинчлик учун курашмоқ керак!

Пок ниятлар бўлгай ижобат,
Эзгулик деб уради юрак.
Тинчлик эрур бебаҳо неъмат,
Тинчлик учун курашмоқ керак!

СОҲИБҚИРОН

Харобат аҳлига Сен нажот бўлдинг,
Жавонмард йўлдоши – Соҳибқироним!
Эркталаб ўйларга нур, ҳаёт бўлдинг,
Ботирлар қўлдоши – Соҳибқироним!

Ғайратинг, қудратинг азмингда зоҳир,
Адолат туғини тутган баҳодир,
Қайғу-алам ариб, тинди-ку, охир,
Мазлумлар кўзёши, Соҳибқироним!

Истибдод, жаҳолат занжирин узган,
Ўтмиш салафлардан мардона ўзган,
Ибрати мангалик “Тузук”лар тузган
Салтанат қўёши – Соҳибқироним!

Арслон келбатли бу қадим Турон
Ғафлат уйқусидан уйғонган замон,
Амрингга бүйсунди неча шоҳ, султон,
Неча юрт, элбоши, Соҳибқироним!

Пойингда ястанди дунё дафъатан,
Садқа бўлса арзир унга жон ва тан,
Хаёлингда лекин жонажон Ватан
Ҳар гиёҳ, ҳар тоши, Соҳибқироним!

Довруғи оламни этди сарбаланд –
Хунарлар соҳиби Фарҳодга монанд,
Заминнинг сайқали пойтахт Самарқанд
Меъмору наққоши, Соҳибқироним!

Манзилу маконлар бўлиб гулистон,
Мақбара, саройлар тикланди шоён.
Обод бўлди юртнинг шаҳри Туркистон,
Кеши бирла Шоши, Соҳибқироним!

Жаҳоний муаммо ечилмай, илло,
Осойиш топмади бу кўхна дунё.
Бизга хавф солмоқда, деди Оврупо,
Қайсар Рум Бебоши, Соҳибқироним!

Кудратли тўлқиндай қўзғолди қўшин,
“Куч – адолатда!” деб тўлғонди очун.
Шу жангда эртасин кўриб Чин-Мочин
Ногоҳ қотди боши, Соҳибқироним!

Бандасин тадбири мудом муаллақ,
Яратганнинг тақдир, қазо ҳукми ҳақ!
Улуғ мақсадларга айлади илҳақ
Тожу тахт талоши, Соҳибқироним!

Қоқигул баргидай түзғимас давлат,
Метин қоя каби ростлагайдир қад,
Асли, илму урфон бирла маърифат
Бўлса тамал тоши, Соҳибқироним!

Гарчи, холисликни хуш кўрар тарих,
Замона зайдига боқиб, водариғ,
Ўтмишга тош отди сохта муаррих
Чимирилиб қоши, Соҳибқироним!

Бўхтоннинг аҳволин қўринг, бир зумлик,
Филлик даъво қилган пашша хартумлик,
Йўқликка юз тутди ёлғон тузумдек,
Етмади бардоши, Соҳибқироним!

Бугун кимлигимиз билади башар,
Истиқлол нуридан кўзлар қамашар.
Бу фахр-ифтихор тоабад яшар –
Бўлмагай одоши, Соҳибқироним!

Сенгадир эҳтиром, салом бизларнинг,
Кўзларга тўтиё энди изларинг,
Келажаги буюк ўғил-қизларнинг
Буюк Ватандоши – Соҳибқироним!

БУГУННИНГ ОДАМИ

Кеча ўтиб кетди гулдурос солиб,
Ўтмишга айланди қувончу ғами.
Эртанинг тақдирин қўлига олиб,
Қандай яшаётир куннинг одами?

Бугуннинг одами вазмин ва ўйчан,
Кўпнинг бахти учун Ҳаққа юкинган.

Бўлмаса ҳам жуда қоматдор, бўйчан,
Елкасини тутган элнинг юкига.

Ўзига ярашган савлат, виқори,
Ҳалол меҳнат билан ўтказади кун.
Ҳар недан улуғдир номусу ори,
Нафсини жиловлаб олган бус-бутун.

Англамоқчи бўлиб ҳар зарб шитобин,
Юракни тинглаган шифокор каби.
Эшитиб кекса-ёш кўнгил хитобин,
Ижобат этмоқлик олий матлаби.

Ҳа, шундай инсон у, ҳар субҳи содик
Чўққига тирмашган офтобга боқар.
Эзгу мақсадлари, аъмоли аниқ,
Келажак бағрида гулханлар ёқар.

Юксак ниятларни кўксига жойлаб,
Тавоф этиб келгай Маккатиллони.
Жаҳон минбарларин файзиёб айлаб,
Обод қилсан дейди бутун дунёни.

Ҳа, шундай инсон у, риёдан йироқ,
Мардоналиқ жўшган жисми-қонида.
Сўзласа гаплари бўлмас тумтароқ,
Ўзбекистонни севар кўпроқ жонидан.

Ҳа, шундай инсон у, кўзлари тийрак,
Булоқдай тип-тиниқ қалби – юраги...
Жимжима таърифлар нимага керак?
У муnis халқимнинг орзу, тилаги!

ДУНЁНИНГ ИШИ

Дунёнинг ишлари аёндир кундай,
Яхшилик бир ёну, бир ён ёмонлик.
Хўм ҳам ўқилар минг йилки шундай:
Ёвузга – ўлиму, мардга – омонлик.

Таёқнинг иккита учидаи аниқ,
Шундай ақидалар омон бормикан?
Чунки бугун сира кўрмадим мантиқ –
Нега гул экканлар термоқда тикан?!

Сўзларимни тинглаб, агар бирор зот,
Нима ҳам қиласардим, бадбин, деб айтса.
Лекин ўзи чунон айларди фарёд,
Яхшилик қиласа-ю, ёмонлик қайтса!..

ҲАСБИ ҲОЛ

Хатто ўзимгаям аёнмас феълим,
Мени қайдан билсин таниш-билишлар?
Баъзида эшитиб оғрийди дилим,
Дийдаси қаттиқ деб таъна қилишар.

Рости гап, кун сайин ошмади дардим,
Тошларга урмадим бошимни ёриб.
Ахир, ташлаб кетди энг яқинларим –
Онам... отам... устоз Абдулла Ориф.

Нақадар оғирдир бундай йўқотиш,
Мабодо ҳис қилсан, ёрилар юрак.
(Айрилиқ қалбимга ботирса-да тиш,
Жон-жонимга тўзим сўрайман, ё Раб!)

Жудолик күнгилга солса-да ғулув,
Алвидо демасман бағримни тиғеб.
Ишонгум: олдинда бордир учрашув,
Салом, деб айтмоққа мудом интиқ лаб.

Ха, шундай үзимни овутаман мен,
Гүё қаторимда хато бўлмаган.
Жизғанак юракни совутаман мен,
Дейман: “Яқинларим асло ўлмаган!”

Нимадир аслида “ўлим” деган сўз,
Ўзи тирик туриб ўлганлар камми?
Қорин қайғусидир уларда гап-сўз,
Беҳуда қувончи, бачкана ғами...

Сохта такаллуфу сохта табассум,
Ясама соғинчдан безорман минбаъд.
Ғийбатлар тутуни ўрлаган гавжум
Давралардан минг бор афзалдир хилват.

Гоҳ кимдир тупугин кўз ёшга қориб,
Ёлғон йўқлов айтиб юрган кезларда
Жаннатмакон устоз Абдулла Ориф
Нигоҳин туюман, нигоҳ – серзарда!

Кимга керак, дейди, бундай сатанглик,
Энди шу айтимлар шон бўлармиди?!
Ўйлайман, ялтоқлик ҳар дам аттанглик,
Аввал ҳам бормиди ё баттармиди?..

Кажрафтор измига, ҳайҳот, кўнайми,
Увол-савобига бўлиб дахлдор?
Замона зулмими замона зайди –
Ахир, ҳар саволга охир жавоб бор!..

Азизу мұкаррам сабоғи билан
 Йилларни түзгитар вақтнинг шитоби.
 Күз ёшимдай тийра сиёғи билан
 Ҳолимни дарж этар ҳаёт китоби.

Минг шукр, ўзимни олганман йиғиб,
 Аммо ҳеч бандадан олмадим улги.
 Шу боис бўғзимдан отилмас йиғи,
 Кўзларимда чақнаб портламас кулги.

Баҳорни англамай, ёзга етибман,
 Умрим боғларида ғимирлар кузак.
 Ўзимдан шунчалар олис кетибман,
 Бамисли ҳавога тўйинган пуфак.

Осмоннинг четида шафақлар саржин,
 Кунга қўл силкитиб тун оғаётир.
 Қалбимда бир ҳадик, хавотир парчин,
 Тун менинг наздимда тунд оғаётир.

Долғали замонда яшадим, аммо
 Бўронлар бағрида сурон солмадим.
 Дарёга интилган жилғадай, илло,
 Жилдираб-жилдираб, асло толмадим.

Ўзидан ортмаган касларни кўринг,
 Ўзгалар қадамин пойлаб юради.
 Агарда бўлмаса заринг ё зўринг,
 Палахмонга тошни жойлаб уради.

Дунёning суврати тахминан шундай,
 Бошидан қолмасми ўпка-гинаси.
 Улуғлар ўтдилар куйманиб Кундай,
 Қолганлар гап-сўзи... энди нимаси!

САРАТОН

Тандирдан узилган нондай қизариб,
Ловуллаб ёнади фалакда қүёш.
Заминда тириклик бўлмаса зарил,
Бу олов тафтига беролмасди дош.

Бехушдай сўррайган дарахт пинжида
Бир нави жон сақлар қушлар галаси.
Оқшомги бир пуфлам ел илинжида
Нафасини ютган Насаф даласи.

Олисдан кузатиб туради лоҳас
Қирлар елкасига мингандар булатлар.
Тупроққа қоришиб боради хор-хас
Кўкига кўк кийиб сарғайган ўтлар.

Михлаб қўйгандайин худди оғир дард
Борлиқ bemor каби кўзга тўқинар.
Шу лаҳза бир мева, ҳатто бирор барг
На-да қилт этади, на-да тўқилар...

* * *

Тим қаро сочларим, ҳайҳот, бўлди оқ,
 Бу вақтнинг ҳукмидир: йиллар беомон.
 Ҳамон сени десам, қалбимда титроқ,
 Кундан-кунга майдек кувватли армон.

Бесуур умримнинг пучмоғида ҳам
 Олис хотиралар чирқираб бўзлар.
 Эслайман, висолнинг қучоғида ҳам
 Соғинчдан жовдираб турарди кўзлар.

Кўнгиллар чулғаниб ажиб зиёга,
 Ўшанда йўқ эди бирорта кам-куст –
 Гўёки бисёрдай бир кам дунёда
 Ошиқ юракларга хайриҳоҳ, ҳам дўст!

Ўшанда орзулар осмондек мовий
 Ва тубсиз кўринди – қолдик алданиб...
 Дафъатан қулади севги самовий,
 Боғларни тарк айлаб кетди андалиб.

Иккимиз қайрилдик икки томонга –
 Буларнинг барига аччиқма-аччиқ.
 О, шунда енгилдим қаттол ҳижрондан,
 Кўксимда айрилиқ туғлари санчик!

Энди сен эмассан ўша қаламқош,
 Безовта ҳам қилмас балки хотирот.
 Мени эса, ҳайҳот, йигирма беш ёш
 Гўзалнинг фироғи ўртар умрбод!

СОНЕТ

Таъқиб этаверар тинмай хаёлинг,
Жонимни ўтларда куйдиради, бас.
Ушалмас орзудир энди висолинг,
Жонбахш туйғуларнинг барчаси абас.

Чўғланар ёдимда ҳар дам, ҳар нафас
Куйган юлдуз каби қоп-қора холинг.
Ишқ, дебман мен гумроҳ, шунчаки ҳавас,
Сўнгсиз азоб экан унинг уволи!..

Кўзимга санчилар ўтмиш, хотира,
Кувончу аламга оғушга дамлар
Дилим ойнасида акс этар хира.

Шўрлик юрак, э воҳ, ғамларни ғамлар,
Тобора авжланар армон ғуркираб –
Аланга тиллари умримни ямлар!..

* * *

Довулдай дориди дардларга дармон -
Ижобат бўлди-ку ўтли тилаклар,
Учрашди ниҳоят оташ юраклар,
Ёниб кетмасинда қақшаган жаҳон!

Висолсиз дамларнинг бадали ёмон,
Дунё гуноҳкорни балки дараклар?!
Қайда, бутун борлиқ баҳтдан ярақлар,
Сира чалғитолмас кечаги армон.

“Мен наҳот яшадим, жонгинам, сенсиз?..”
Тиллар кўмагида унсиз ва тинсиз
Саволу жавобни эплашар лаблар.

Вужудлар чайқалар мисоли денгиз,
Ҳаприқиб кетмасин дегандай қалблар -
Тобора қаттиқроқ жипслашар лаблар!

ҲАДИК

Ҳаёт ташвишларга бўлса-да тараф,
Ҳайиту байрам ҳам кам эмас, шукр.
Дўстларни қутламоқ мен учун шараф
Ва табрик олганда, дейман: “Ташаккур!”

Гарчанд байрамларнинг шукуҳи бисёр,
Бағримни ўртайди аммо бир ҳадик...
Йўқ-йўқ! Ҳар сафар ҳам барча дўсту ёр
Кутловлар йўлласин ва олсин табрик!

БАХТ

Нима ҳам қиласдик, одам боласи
Турфа хислатларга эмас бегона.
Бир шоирга фахр сочин толаси –
Ҳамон қоп-қораки, бахтдан нишона.

Осуда ҳаётни, тинчликни ёниб
Куйлашдан ҳеч қачон толмадим, дейди.
Олган унвонларин санайди қониб,
Уйғун домладан ҳам қолмадим, дейди.

Яна бир танишим носир ва ношир,
У ҳам ўз баҳтини мақташга мойил:
Мёнга берилмади, дейди, минг шукр,
Миркарим Осимни қақшатган ўн йил!

ОДАМ ВА ОМАД

Одам, омад деган икки сүз –
Үрни бежо тушган түрттә ҳарф.
Бир-бирига эмас яқин дўст,
Бир-бирига бўлолмас хариф.

Фақатгина одамнинг одам
Бўлиши шу: омадга боғлиқ.
Омад келса, бойлик, амал жам,
Панд бермайди ҳеч қачон соғлиқ.

Ташрифига не-не зотлар зор –
Шу эмасми баҳтнинг кулгани?
Омад кетса, одам бўлар хор,
Гўр топилмас ҳатто ўлгани!..

* * *

Тиқ этса қанийди
Эшик ғиқ этмас
Кулоққа айланиб қолгандир вужуд
Ёрнинг хабарини олган лаҳзада

Дук дук дук
Тобора шиддатли
Тобора баланд
Садоланаар юрак уриши

ТҮРТЛИКЛАР

“Бисмилло” – ҳар сўзниң аввали бўлсин,
Аввали, зарҳали, сайқали бўлсин.
Дўру ганжинадир айтилмаган сўз,
Илло, айтилдими – афзали бўлсин!

* * *

Ҳикматдан сўз айтсам агар тўрт қатор,
Шубҳасиз, бўлажак улар зўр қатор.
Бамисли дилларни овламоқ учун
Гулдан тўқилгандай нафис тўр қатор.

* * *

Осмон яқин бўлди, ер йироқ – севдим,
Бағримда жўш урди минг булоқ, севдим.
Ишқу муҳаббатдан мутлақ бехабар,
Faflatда тош қотган мен гумроҳ севдим!

* * *

Минг шукр, васлингга қонаман энди,
Ҳижрон балосидан тонаман энди.
Ҳажрингда оғочдек қақшаган эдим,
Ўт тушди – гуриллаб ёнаман энди!

* * *

Олами кубро ҳам суғро Сендандир,
Туну кун Сендандир, зиё Сендандир.
Қаҳринг ҳам, меҳринг ҳам вобаста эрур,
Бори дард-аламга шифо Сендандир.

* * *

Обдон ўргатилган итдай қўлга ман,
Васлингга талпиниб мудом йўлдаман.
Асҳоби каҳф ити шарафин топсам,
Қанийди, тоғу тош, ҳатто чўлда ман!

* * *

Хусну малоҳатинг адосидурман,
Меҳру мурувватинг гадосидурман.
Сен Шоҳим, Султоним, мен ҳоли нигун,
“Бўл!” деган сўзингнинг садосидурман.

* * *

Сен менинг иймоним – яроғимдасан,
Зулматда нур кўрган қароғимдасан.
Бу чигал йўлларда ҳою ҳавас кўп,
Нафсимга урилган тароғимдасан!

* * *

Қандай ураг бу юрак Сенсиз?
Наҳот менга у керак Сенсиз?
Сенга етиб топдим ўзимни,
Кетгум яна бедарак Сенсиз!

* * *

Ҳар лаҳза жамолинг, Жонон, кўраман,
Ўнгимда, тушимда – ҳар он кўраман.
Нечун ўз ҳолимга қўймаслар мени,
Ким ногоҳ чалғитса, ёмон кўраман.

* * *

Маъно жавҳарида шундай талқинман:
Бепоён уммонда саркаш тўлқинман.
Томчиман, Сендаман, бўлгайдир хато –
Агарчи, мен десам: “Сенга яқинман!”

* * *

Сени десам чунон илҳом тошади,
Ҳайратим ҳаддидан обдон ошади.
Мўъжиза излаган ғофилни кўрдим,
Ўзидан бехабар – ҳар ён шошади.

* * *

Тиканзор йўл бердинг, сабримни сабил қилма,
 Ўнг эмас, сўл бердинг, сабримни сабил қилма.
 Бандангман, тоқатим тоқ бўлмасин, тоқ Эгам,
 Синовни мўл бердинг, сабримни сабил қилма!

* * *

Ҳаёт – савдоси кўп савдоли бозор,
 Менинг эса ҳар кун улушим озор.
 Минг шукр, харидим боиси, Эгам,
 Юзланиб тураман Ўзингга зор-зор!

* * *

Жумлаи жаҳонни яратган Эгам,
 Бунчалар Ваҳҳобсан, бунча бокарам.
 Савобдан бенасиб қўймайсан, ҳатто
 Ўзимга соғинган яхшиликни ҳам!

* * *

Гарчи неъматларинг беҳисоб жуда,
 Изнингсиз бир кимса ололмас бурда.
 Мен тадбир қиласман насиб этсин деб,
 Сен тақдир қиласанг бари беҳуда.

* * *

Хорғин одимлайман, пешонамда тер,
 Биламан, омонат – шу тупроқ, шу ер.
 Мен-ку, ортдагилар баҳтини дейман,
 Ўзинг олддагилар инсофини бер.

* * *

Риёзат чекиб ризқ тергувчи қилдинг,
 Шу боис қўксимни кергувчи қилдинг.
 Ё Раббим, минг шукр, олгувчи эмас,
 Банданинг афзали – бергувчи қилдинг.

* * *

Ризқу насибамнинг манбаи турлиқ,
Ё султон етказар, ё гадо шўрлик.
Бугун-чи, бир ножинс қўлида кўрдим,
Қайси гуноҳимга, ё Раб, бу хўрлик?!

* * *

Ўлим ҳақ. Демасман ўлишдан сақла,
Валекин ноўрин ҳар ишдан сақла.
Савоб деб ўзимни ўтга ташладим –
Айбсиз айбдор бўлишдан сақла!

* * *

Омадга йўргакчи дояларингдан
Дод десам, қайтади қояларингдан.
Баъзида япроқча ҳузур топилмас,
Оллоҳим, ердаги сояларингдан!

* * *

Худойим, бир ажиб давронни кўрдим,
Унда ғалат “омон-омон”ни кўрдим.
Очдан ўлмасин деб олимни подшо,
Ўғрига дўст қилган замонни кўрдим.

* * *

Ғаффор ҳам, Қаҳҳор ҳам Ўзингсан доим,
Шу ишонч йўлида иймоним қоим.
Лекин назари паст, бадкор, ғаламис,
Аҳли норасодан асра, Худойим!

* * *

Йўқлиқдан чиқмади оҳ-воҳим, шукр,
Тўқлиқдан чиқмади оҳ-воҳим, шукр.
Ризқу насибамни бердинг ҳамиша,
Муҳтоҷ бўлмасимдан, Оллоҳим, шукр.

* * *

Сенинг ризолигинг гарчи баётим,
 Лек рақиб зарбидан маҳзун ҳаётим.
 Бу ҳолат менгзайди Уҳуд жангига...
 Ажри ҳам ўхшасин – шудир муродим!

* * *

Раҳмонсан, раҳм қил, сўзингни унутсам,
 Кундалик нону ош, тузингни унутсам.
 Ўзимдан кўнглим тўқ дамда ногаён,
 Ўзимга ўз бўлган Ўзингни унутсам.

* * *

Беш кунлик дунёни ғам-алам қилма,
 Бошимни ҳам қилма, кўзни нам қилма.
 Оллоҳим, назаринг кўпларга тушмиш,
 Кўплар қаторида мени кам қилма!

* * *

Марҳамат сўрайман, ёрдам сўрайман,
 Мен ҳам ўшал бани Одам, сўрайман.
 Мискинлар сўрайди оч-юпун қолса,
 Мен Сендан, Худойим, ҳар дам сўрайман.

* * *

Ўнглагувчи ўзинг кўрган тушимни,
 Тизгувчи бир ипга ёзу қишимни.
 Оллоҳим, не бўлса, ўзингдан кўрай,
 Бандага тушгулик қилма ишимни!

* * *

Орзу-ҳавас айлаб уйли бўлдим мен,
 Дилга маҳрам қўшиқ, куйли бўлдим мен.
 Ўзимни англашга қўрқаман энди,
 Худойим, кўп оғир ўйли бўлдим мен.

* * *

Амрингдан ташқари келмадим, ё Раб,
Бежиз йиғламадим, кулмадим, ё Раб.
Барчаси ироданг маҳсули экан,
Мендан розимисан, билмадим, ё Раб?

* * *

Оlam чархпалакдай айланар экан,
Кофири ҳам, водариғ, сайланар экан.
Буни Яратгандан иноят демай,
Мүминга қасд учун шайланар экан.

* * *

Эзгулик истасанг, қолма дуодан,
Үйингни асрагил бало-қазодан.
Эшикдан не кирса сабабчи ўзинг,
Меҳмоннинг ташрифи фақат Худодан.

* * *

Дилингда борини билишимдан кўрқ,
Пинҳона қон ютиб, кулишимдан кўрқ.
Нокас, ниятингни аён эт дангал,
Оллоҳга ҳавола қилишимдан кўрқ!

* * *

Табиатнинг азал ҳукмига кўра,
Заминда туб қўйдик, гулладик, жўра.
Тафаккур қуёши гарчи bemиннат,
Бirimiz бол бўлдик, бirimiz fўра.

* * *

Сиқилсанг, тушмасми бир нажот эсга,
Наҳот ақл сенда шунчалар қисқа?
Фаҳм эт, не сабаб омон чиққайдур,
Қаҳри қаҳратондан қурту қумурсқа?

* * *

Сенга ҳеч тараф йўқ, эй яхши инсон,
Ёвга ҳам қилурсан муруват осон.
Лек мазлум оҳини тұхтатмоқ учун
Ёмонлар наздида ёмон бўл, ёмон!

* * *

Ойни этак билан ёпганга доғман,
Ҳар қылдан бир қийиқ топганга доғман.
Бирорга буормас бирорнинг ҳақи,
Шуни билиб-бilmай чопганга доғман.

* * *

Икки дил бирлашди, бир дона бўлдик,
Муҳаббат баҳрида дурдона бўлдик.
Зар қадрин билгувчи заргар бўлмадик,
Оқибат, вовайло, бегона бўлдик.

* * *

Еб кетар деб қилмаслар гумон,
Сотар деб ҳам қўрқмаслар аён.
Бизданмас деб мунофиқ каслар,
Отарлар тош менга ҳар замон.

* * *

Эр-хотиннинг арзигулик тилаги йўқ,
Унинг бунга, бунинг унга кераги йўқ.
Тақдир дея тилин тишлар иккиси ҳам,
Ҳақиқатни тан олмоққа юраги йўқ.

* * *

Бандаман, ҳар ишга жаҳд қилдим,
Хато қилдим мен,
Замона зайли деб шахт қилдим,
Хато қилдим мен.

Ё Раб, бу хатолардан тамом
чарчадим, энди
Хато қилмайман деб аҳд қилдим,
хато қилдим мен.

* * *

Умримиз камондан узилган ўқми,
Тақдирнинг ҳукмидан кўнглимиз тўқми?
Қанча ўқлар учди бизлардан аввал,
Билмасмиз, нишонга тегдими-йўқми?

* * *

Санаб кўр, биласан, саккизми-етти,
Риёзат чекканлар муродга етди.
Қарагин, кундага бош қўйган бандা,
Худо деган эди, қутулиб кетди.

* * *

Балки қийин, балки осон топасан,
Нимани изласанг, инсон, топасан.
Хуш кўрсанг бирорни шаксиз фазилат,
Агар ёмон кўрсанг, нуқсон топасан.

* * *

Манглайда ёзуғинг бир энлик бордир,
Тун ила кунингда бир тенглик бордир.
Дилингда шукронанг зиёда бўлса,
Ҳар танглик ортида бир кенглик бордир.

* * *

Тақво эшигига кимки бош урап,
Оллоҳ қарамининг жўшганин кўрар.
Мўмин кундузлари риёзат чекиб,
Қадр кечасида мағфират сўрар.

* * *

Кўклам ёмғиридан яшнар қир, адир,
Илдизлар бир йиллик сувга қонадир.
Вале, бир кечада икки жаҳонга
Офият бахш этар Лайлутулқадр.

* * *

Тўғри сўз олмосдир, тиғдай ботади,
Қилма – қайтади, деб кўплар айтади.
Отасин хўрлаган нокасни кўрдим,
Бола-чақаси йўқ, кимдан қайтади?

* * *

Дунёнинг ишига бўламан ҳайрон,
Ҳар замон ясалар сохта қаҳрамон.
Вале, қўғирчоғу қўғирчоғбоздан,
Бир даврон эврилса, қолмагай нишон.

* * *

Ҳайвонда фаҳм йўқ, осон қўрқади,
Терс келса, сичқондан сиртлон қўрқади.
Бандалар Худодан қўрқмайин қўйса,
Шўри шу – инсондан инсон қўрқади.

* * *

Ҳаётнинг мазмунин сўрдинг қайдадир,
У ишқни куй қилган ғовак найдадир.
Мұҳаббатсиз дунё, ҳайҳот, бир чақа,
Ғўддайган тоғу тош, уммон майдадир.

* * *

Тунда уйқум йўқдир, кундуз қарорим,
Кўкка ўрлагайдир оҳ ила зорим.
Бу не ситам дея арз қилиб борсам,
Унинг номи ишқ деб, куйдирди ёrim.

* * *

Ёсуманим висол – онни қизғанди,
Гүё полопондан донни қизғанди.
Шунчалар бахил у, бепичноқ сўйди,
Вале, ўлдирмади, жонни қизғанди.

* * *

Ол дединг бўйнингдан билагимни сен,
Ёлғон деб ўйладинг тилагимни сен.
Мен-ку олиб бергум кўксимни ёриб,
Ўқий олармисан юрагимни сен?

* * *

Тириклик оламин нафасида мен,
Фақат ўй-хаёлинг қафасида мен.
Ҳадди поёни йўқ улкан ҳаётнинг
Ишқ деган лутфининг бир сасида мен!

* * *

Шу ақл, фаросат, қадду қоматни,
Беҳисоб молу мулқ, яъни, давлатни –
Қиморда ютқаздим, деявер, тамом,
Худойим бермаса агар омадни.

* * *

Ҳар битта юракнинг зори бўлади,
Шу зорнинг яна ўз кори бўлади.
Бетоб ётган йигит магар ошиқдир,
Маъшуқа кулгуси дори бўлади.

* * *

Шукрким, кам эмас таниш-билишлар,
Ҳолимни билишмас, балки билишар.
Баъзан саломимга алик олишса,
Камида бир бузоқ таъма қилишар.

* * *

Сенсиз кенг дунёда қисинажакман,
Айрилиқ зарбидан дим синажакман.
Хижрон кечасида музлаб батамом,
Оташ хаёлингга исинажакман.

* * *

Югурик умр бу, бир дам сустлашма,
Илдам бўл, ҳар нега тўхтаб, қасдлашма.
Панадан тош отган нотавон, ахир,
Янчаман деб уни ҳаргиз пастлашма.

* * *

Бу инсон кўп ҳалол, оппоқ, ишонай,
Хокисор бамисли тупроқ, ишонай.
Лекин гумаштаси муттаҳам экан,
Ул таъриф-тавсифга қандоқ ишонай?!

* * *

Дард келса қўш келар, сирайм тоқмас,
Шунда қоп-қорадир дунё ҳам, оқмас.
Симииллаб турса жон: на бир хуш эрмак,
На ширин бир таом, ҳеч нарса ёқмас.

* * *

Уйғониб кетаман баъзан тонготар,
Турфа фикрларни бот-бот онг отар.
Биз эрта бормизми ва ёки йўқмиз,
Барибир, шу тахлит яна тонг отар.

* * *

Бағоят гўзалсан, бағоят кўркам,
Бўлсинда, илоё, бахтинг ҳам бекам.
Хуш қол, деганимда, бу қандайин дард
Синиқ табассуминг ортида, эркам?

* * *

Инсоннинг бошига иш тушса ногоҳ,
Аввало, яқинлар бўлишсин огоҳ,
Бегона билмаса, гина қилмас у,
Лек дўстдан юз буриб кетади, э воҳ!

* * *

Жуда кўп синовлар ўтди бу бошдан,
Йил ўтар, санасам агар бир бошдан.
Минг йилки ўзгармас сабоқдан айтай:
Қаттиқ нон афзалдир миннатли ошдан.

* * *

Атайлаб сўз қотмас, бардош қилади,
Ўзгалар бардошин одош қилади.
Дўстлик ришталарин бирма-бир узиб,
Дўстингман, деб яна кўзёш қилади.

* * *

Кўкламни ҳис этиб, майса ниш бўлди,
Ёз ўтди, куз ўтди, тағин қиш бўлди.
Ҳаётинг тонгида шомингни ўйла,
Дунёга келдингми, бўлар иш бўлди.

* * *

Мехр йўқ майинроқ менинг меҳримдан,
Қаҳр йўқ қаттиқроқ менинг қаҳримдан.
Бу феъли ниҳоним ёдда тут, эй дўст,
Бир кун кечар бўлсанг агар баҳримдан.

* * *

Хаёлан умримга тўнлар бичарман,
Қўлимда тахир май, ночор ичарман.
Бу азал фалакнинг иши кўп жумбоқ:
Манзилим ноаён, отни қичарман.

* * *

Күз очиб тириклик тупроғин күрдим,
Тупроқда үтганлар урпоғин күрдим.
Беш кунлик маконда шод үлмадим, ох,
Вале, дард-ҳасратнинг кўпрогин күрдим!

* * *

Толеимга тақдир нечук қовоқ уйди,
Үртамоқдин неча ой, йил бағрим куйди.
Сен деб қанча куйиб-ёнсам, гулим, ажаб,
Хижрон отлиқ бало мени шунча суйди.

* * *

Қачон вафо қилган вафо топаркан?
Қачон жафо қилган жафо топаркан?
Оч-наҳор ётган ит қопоғон бўлса,
Сўнгак ташлар бўлсанг, ҳайҳот, қопаркан!

* * *

Оҳ, дунё бағритош, билмайсан, эй дил,
Бошингда маломат тошлари чил-чил.
Бу тошлар қайдин деб, кўрмөқчи бўлсанг,
Манглайингда қотган қонни сурма қил!

* * *

Манманлик дардига чалинган бемор
Тузалиб кетмоғи ҳаргиз кўп душвор.
Ул нокас худолик даъвосин қилиб,
Шу дарду балога бўлган гирифтор.

* * *

Ҳаёт сўқмоғидир гоҳ баланд, нишаб,
Бақамти келгандек саҳар ила шаб.
Нечун қайғу чексин ошуфта диллар,
Кимдир яшар бўлса ғийбатни кавшаб?

* * *

Бу ширин ёлғоннинг шакаридан кўрқ,
Хушомадгўйларнинг айтаридан кўрқ.
Забунлар ҳолига кулмоқдин сақлан,
Чархи кажрафторнинг қайтаридан кўрқ.

* * *

Ёруғ келажакка, албатта, йўллар –
Қурилса мустаҳкам, безавол йўллар.
Бироқ ярармикан бу улуғ ишга
Бехуда қарсакдан қаварган қўллар?

* * *

Бугунга масъулмиз, билсанг, асли биз,
Бир эзгу ном ила қолсин исмимиз.
Кеча-ку йўқ эди биздан бир нишон,
Эрта ҳам қолмайди, шаксиз, жисмимиз.

* * *

Эшиттандан, йўқ-йўқ, кўргандан дейин,
Яхши одам деган ном олмоқ қийин.
Келганда айтилган мақтov – ғирт ўтрик,
Чин баҳо берилар кетгандан кейин.

* * *

Келсак – ярашади муҳаббат учун,
Кулсак – ярашади муҳаббат учун.
Кўйида сарғариб, лахта қон ютиб,
Ўлсак – ярашади муҳаббат учун.

* * *

Шукр қил, нолима – бири камликдан,
Асрасин, зар дебон кўзи намликтан.
Ўз қадрин англаған ҳар бандада учун
Улуғроқ баҳт йўқдир хотиржамлиқдан!

* * *

Шакар у, захар у – сўздан огоҳ бўл,
Мехр у, қаҳр у – кўздан огоҳ бўл.
Гоҳ мамнун, гоҳ маҳзун, лек замин томон
Чукиб бораётган Ўздан огоҳ бўл.

* * *

Ғам чекма, гарчи зар кўпроқ топмадинг,
Ё мансаб, эътибор хўброқ топмадинг.
Дод десанг арзигай ўтар дунёда
Бир мунис, меҳрибон ҳамроҳ топмадинг.

* * *

Менинг хаёлимни банд этган, зебо,
Сен каби гўзални кўрганми дунё?
Мен сени юлдузга қиёс этолмам,
Юлдузлар саноқсиз, сен эса танҳо.

* * *

Обод хуснинг ила кўп лол этасан,
Серишва нигоҳ-ла беҳол этасан.
Бу хаста кўнглимга раҳм қилмасанг,
Бир кун ёш умримни увол этасан.

* * *

Айта қол, севмоқлик, азизам, надир?
Кўксимда бир оғир дард-алам надир?
Биргина нигоҳ деб жондан кечмаклик,
Чин севги бўлурми ёки кам, надир?

* * *

Неки кўргулик бор, ўзимдан кўрдим,
Бўғзимни куйдирган бўзимдан кўрдим.
Минг шукр, очилиб кўнглимнинг кўзи,
Ўзгадан эмас, йўқ, ўзимдан кўрдим.

* * *

Худойим қисмаган бўлса томоқдан,
Ризқингни теравер энди ҳар ёқдан.
Фақат насиб дегил, Ироқдан келиб,
Тағин кетар бўлса қошу қобоқдан.

* * *

Гарчи, мўминман деб, тинмайди лаби,
Лекин шубҳалидир унинг матлаби.
Чунки мансабдорга сиғиниб яшар
Бутга сажда қилган мушриклар каби.

* * *

Ҳақсевар банданинг топгани алам –
Саломга яраша бўлса алик ҳам.
Бир умр тушмади қора рўйхатдан,
Қорани оқ дея айтмаган одам.

* * *

Тўқмоқли бўларкан асли тўғри сўз,
Уни айтмоқ жоиз, чиқса ҳамки кўз.
Кўрқиб айтмаганга бир умр ҳамроҳ –
Бўтанинг бўғзида қотган аччик бўз.

* * *

Баковул ҳавои бўлса агарда,
Кўпкари чопилар ҳатто шаҳарда.
Асл чавандозлар бир четда қолиб,
Соврин ҳам берилар ҳаваскорларга.

* * *

Ёшлиқда не қилсак хўжакўрсинга,
Отам койир эди: «Ишинг қурсинда...»
Бугун-чи, воажаб, хўжа боҳабар,
Кўп ишлар қилинар ўша йўсинда!

* * *

Баҳор ҳисларимни бу гал ҳам туртар,
Тағин юрагимда соғинчлар бўртар.
Хушбўй атиргулнинг тикани янглиғ
Ширин хотиралар дилимни ўртар.

* * *

Ишқми шу, бир лахча чўғни сўйдирап,
Ёздамас, қаҳратон қишида куйдирап.
Гоҳ жону жаҳоним руҳсиз танимга
Жон берар, гоҳида жондан тўйдирап?

* * *

Инсоннинг тақдири мисоли шиша,
Ният акс этганда яралгай пеша.
Нокас тўрт тангани кимдан олсан дер,
Мўминнинг ўйида бермоқ ҳамиша.

* * *

Ким дунё ишқида сочини юлмас –
Билинг, у хожадир нафсиға қулмас.
Топтаб бир-бирини интилган қанча,
Дунё – сатанг хотин, парвоям қилмас.

* * *

Кексалар қулоққа қуйиб қўйишган:
Шоҳлар амалдорни суйиб қўйишган.
Амалга мингандар зиммасида юк –
Истаган жойига қўйиб қўйишган.

* * *

Аразлаб кетди ёр, бўзга кирмишман,
Баҳорин бой берган кузга кирмишман.
Ҳижронда ҳар куним ўтди ўн йилдай,
Бир ҳафта ичида юзга кирмишман.

* * *

Ғозини йўқотган хашакка минг ҳайф,
Бургага ин бўлган тўшакка минг ҳайф.
Келтирган донини тупроққа булав,
Ҳожатбарор бўлган эшакка минг ҳайф.

* * *

Ўр феълимдан бўлманг бадгумон,
Асли шундай тоблаган хумдон.
Этагига қўлим узалмас,
Дунё мендан кечганда осон!

* * *

Бўлмагай нони ҳам, тузи ортиқча,
Фояси, ҳар битта сўзи ортиқча.
Ишини ўрганинг, олинг борини,
Фақат буюкларнинг ўзи ортиқча!

* * *

Этни сескантирап ундаги ранг-рўй,
Ит қувгандай қочар хеш ҳам, кўча-кўй.
Бировнинг луқмаси тоғдай қўриниб,
Ботмон ютганини сезмас ҳасадгўй.

* * *

Чин ихлос ва дилдан қилинган тавба –
Гуноҳ эшигига қўйилган тамба.
Тавбадан бўшама, бирор кун, ҳатто
Бегим кунларию шанба, якшанба!

* * *

Айбини юзига айтдингми дангал,
Бу улуғ неъматдир, айла шукрини.
Оғринма, сўзингга қилмаса амал,
Банда тузатолмас, ахир, букрини.

... ГА

Мен қаро қисматдан бир умр қочдим,
Чўмдим ҳам демасман баҳтнинг атрига.
Толе эшикларин зўр-базўр очдим,
Хўш, нечун етмайин Ҳаёт қадрига?

ТАЗОД

Соғинчга дўнсамда кўникмайди онг,
Сокин тун бағрида юрак ураг бонг.
Офтоб жамолинг деб дилим сим-сиёҳ,
Қорангни кўрмасам ёришмайди тонг.

ТУЮҚ

Сенга боғлангандир хаёлим бутун,
Васлинг умидида ўтажак бу тун.
Оҳу фиғонларим узуқ-юлукдир,
Номингни ёд этсан ҳамиша бут ун!

ВИДО

Достон

Йүқотмасанг, топа олмайсан!

I

Бир чинқириқ,
бир йиғи
Сачраб кетар ҳавога -
Норизо жон аччиғи
Ё исёни дунёга.

Содир бўлди буюқ айрилиқ,
Бирор билди,
биров билмади.
Бақодан узилган дилинтиқ,
Бу жон энди фано эрмаги.

Эринмай эланар эллик элақдан,
Синовлардан сира силлиқ ўтмайди.
Ҳаётнинг мағзини баъзан данакдан
Ажратиб олишга умр етмайди.

* * *

Аччик-чучук, оку қора, афсунлик,
Гоҳида түқ, гоҳида оч – юпунлик,
Балки беш кун, балки, валлох, уч кунлик,
Одам умридир бу,
О, дам умри бу!

Нафсу ҳирс олдида ожиз тафаккур,
Озга қаноат йўқ, қўпига шукр,
Қалб ёнса парча чўғ, ёнмаса – кўмир,
Одам умридир бу,
О, дам умри бу!

Серҳашам қасрлар – қафаслар зое,
Беадоқ орзую ҳаваслар зое,
Бехуда олингган нафаслар зое,
Одам умридир бу,
О, дам умри бу!

Умиди уммону соҳилдан кечмас,
Рост туриб, водариғ, ботилдан кечмас,
Алдамчи, омонат кафилдан кечмас,
Одам умридир бу,
О, дам умри бу!

Ҳақман деб авраган рўёга ошно,
Ясанган-тусанган дунёга ошно,
Охир кўз ёшга ғарқ дарёга ошно,
Одам умридир бу,
О, дам умри бу!

Неки яралмишdir жозиб ва соҳир,
Унга дил берганлар куйибди охир,
Ахир, ҳар лаҳзада айрилиқ зоҳир –
Одам умридир бу,
О, дам умри бу!

II

Илк бора атрофга бокди у,
Гарчи гўдак жисмида ҳали.
Эзгу ташриф ибтидоси бу,
Кўриш ва Билишнинг аввали...

* * *

Даричаси нақ кунгай,
Чоғроққина бир хона.
Хумча топган гадодай
Суюнар ота-она.

Шукроналар қилишар,
Тилларида тиловат.
Уларни элга қўшар
Оллоҳ берган омонат!

Шу парча эт боиси,
Кўкка етар бошлари.
Энтикирар баҳт иси,
Юраклари тошади.

Ҳолбуки, билмас улар,
Бу хумчада нима бор?
Балки олам орзулар,
Балки алам устувор...

Бу муҳаббат теран шу қадар,
Тамомила таъмадан холи.
Йўқдир унда гинаю қадар,
Йўқдир унинг бирор тимсоли.

* * *

Шивалаб-шивалаб ёққан ёмғирдай,
Беминнат меҳрга қониб, тамшаниб,
Пошшолик абадий дея ишониб,
Болалик жүшади Амудай, Сирдай.

Чақмоқлар чақиши чүчитмас уни,
Қарағай қарсиллаб, қулаб күркитмас,
Зулматда игнадай йүқолмас, йитмас,
Кундуздай чароғон үтади туни.

Атрофга аланглар дилида туғён,
Бир лаҳза тин бермас ҳайратлар ҳаргиз.
Орзулари янглиғ бепоён, ҳадсиз –
Терак учларига илашган осмон.

Құл тутса құнгудай юлдузлар яқин,
Оқшом ойдинида ойдир овунчи.
Күксини күйдирар сафар соғинчи,
Балоғат шавқидан құзларда ёлқин.

Қалбини забт этиб муҳташам билги,
Йироқ-йироқларга шайланди бир кун,
Камоннинг үқидай учмоғи учун
Ота-она қадди ёйдай эгилди!

III

Үзликтин англамоқ учун бетоқат,
Олисларни күзлаб қўйилган қадам.
Қанча умидларга завол бешафқат,
Қанча орзуларга қанот мустаҳкам.

Ўзини топажак кечган ўзидан,
Синашта йўлларга алвидо айта.
Арслон сингари қайтмай изидан,
Сўқмоқлар кашф этиб қайта ва қайта...

* * *

Ўнқир-чўнқир, текис, нотекис
Ўнгу сўлга туташган йўллар
Йўловчини қаршилаб беҳис,
Яна мубҳам йўлларга йўллар.

Гўё дарёга тушган томчи
Борар бетин оқим измида.
Йўқ, йўқ, бу тасаввур алдамчи,
Ҳар қатра собитдир ўзида.

Дарёдай тошган йўл – битта ўзанда
Фақат ўз йўлидан юрар одамлар.
Кимнингдир лабида табассум, ханда,
Кимнингдир кўзидан аrimас намлар.

Сокин одимлаган, чопғанлар қанча,
Адоқсиз манзилда манзил ахтариб.
Бунда йўқотгану топғанлар қанча,
Топғанлар бой эмас, йўқотган – ғариб.

Гоҳо сафардошга ўхшамас улар,
Зимдан бир-бирига ёвдай қарашар.
Нокас шеригини чалмоқни ўйлар,
Шубҳасиз, жавоб ҳам шунга яраша.

Чиғаноқ бағрида дур эзур пинҳон,
Инсон моҳияти қалбда яширин.
Афсус, буни англаб етмас оломон,
Сувратига қараб сийлар бир-бирин.

Чўлу биёбондан, боғлардан кечиб,
Тоғлардан ошаркан улкан издиҳом.
Ҳар кимса айрилиқ шаробин ичиб,
Унга бериб кетар мезбон деган ном.

Аммо нораводир бу таъриф мутлоқ,
Мезбонлик зеб эмас инсон шаънига.
Меҳмонлик рутбаси ярашгай кўпроқ,
Буни билган банда Ҳақни таниган!..

IV

Йигит йўлга тушдию шахдам,
Кенглик ва тенгликни кўзлади.
Ҳаёт томон ташларкан қадам,
Ўзғир ўй ўзидан ўзади.

Ён-верига сер солиб йигит
Ҳайрат бармоғини тишлади.
Кўзига тўқинди бир тахлит
Ҳаётнинг бемантиқ ишлари.

Мисли бозор: озор, зор ва ор
Аралаш-қуралаш дунёда
Кимлар сийму зарга харидор,
Кимлар ишқ ўйлида афтода.

Битта қилни қирқ ёрган олим
Ночор тинглар нодон сүзини.
Қиличидан қон томган золим
Раҳмдил деб айтар ўзини.

Ўтиб борар нафсидан ўзга
Қайғуси, орзуси йўқлар ҳам.
Зеб-зийнатни илмаган кўзга
Корни оч, дийдаси тўқлар ҳам.

Ўткинчи дунёда, алҳазар,
Мангулик даъвоси – масала.
Чоллар ҳар кун соқолин кузар,
Охират деб қилмас ҳафсала.

Бир қарасанг, ҳамма тақводор,
Оллоҳ дейди судхўру дайди –
Хўжакўрсин ибодат бекор,
Риёкорлар кимни алдайди?!

Суворийлар отини суяр,
Отлар турфа, оқу қорадир,
Лек жиловни тутолмай қуяр,
Умр эса ўтиб боради...

* * *

Хушу бехуш кунлар ўтдилар,
 Офтоб балқди, яширди булут.
 Қайғу йигит бағрини тилар,
 Хуш дамларнинг сафоси унут.

Нима эди келмоқдан мақсад
 Ва кетмоқдан мақсад нимадир?
 Савол уни эзади беҳад,
 Кўнглига бир ғашлик инадир.

Бўронлар бўкирган ўрмонда
 Барги хазон оғочлар қақшар,
 Доnlари янчилган хирмонда
 Бани сдам сомонга ўхшар.

Шу сомоннинг нафси балоси
 Дунёларни айлагай ғорат,
 Йўқлик бўлса охир савдоси,
 Нечун қурмоқ жумла иморат?

Қайда, асли, энг катта хатар,
 Хавфдан холи бўларми олам? –
 Коинотнинг қаърини титар
 Ўз қалбидан бехабар одам.

V

Йүлини йүллардан излаган ўғлон
Йүл истаб йүлларда бўлди саргардон.

Боғу роф оралаб юрганди бир вақт,
Гўё оғушига чорлагандек баҳт.

Шодон одимларди, дуч келди ногоҳ,
Товонин тирнаган сахроға, эвоҳ!

Борлиқни куйдириб саратон ўти,
Бошида айланди самум булути.

Судралиб, зўр-базўр юргани сари,
Тишида ғичирлар қум зарралари.

Ташналиқдан бўлиб ҳоли чун хароб,
Дам-бадам кўринди кўзига сароб.

Саробни қувиб у денгизга етди,
Осмонга тўш урган тенгсизга етди.

Водариғ, етдим, деб, ҳар дам адашди,
Йўллар адoғига йўллар туташди.

Тўлқинлар чайқалиб улкан бешикдай,
Гирдблар бағрига тортди пайдар-пай.

Ҳалокат бўлмоғин сезиб шу лаҳза,
Тушди юрагига қўрқув ва ларза.

Вужудин зил-замбил тўлқин кўмдию,
Ё раб, деб, кўзларин бехос юмди у.

Ўзига таваккул қилган бир чоқда,
Ажабо, ўзини кўрди қирғоқда.

Сафар тугамади, кетди илгари,
Сўқмоқлар оралаб ўрмондан нари...

* * *

Йўл юрди йўловчи, йўли унмади,
Дилистар манзилдан топмади дарак.
Мақомига солиб олдга уннади
Мурвати шайланган кўҳна чархпалак.

Йўрғалаш бир куни жонига тегди,
Жонига тегдию шу рангсиз ҳаёт,
Улуғ донишмандга бошини эгди:
– Умримга тола нур бахш этинг, устод!

Уриниб-суриниб топар, албатта,
Излаган нарсасин сўқир одам ҳам.
Мен эса юрибман нуқул ғурбатда,
Манзилу маконим – барчаси мубҳам.

Лекин соғинаман, ҳар бир хужайрам
Кўз бўлар, орзиқар, ҳар лаҳза уйғоқ.
Дийдор илинжида нигоҳим қайраб,
Бедорман, киприклар соқчидай огоҳ.

Пирим, кафтиңгизда тургандай аён,
Бизларнинг минг йиллик нари-беримиз
Марҳамат кўрсатиб, айлангиз баён,
Қандоқ манзил эрур борар еримиз?

Ҳар лаҳза умрдан узилган бурда,
Бурда-бурда қилиб танни музлатди.
Ўзимни йўқотиб, айлансан нурга,
Насиб қиласмикан висол лаззати?

VI

Үрнидан күзгалди илкис оқсоқол,
Хис этиб саволнинг балоғатини,
Йўлчи теран шўнғиб бир ғаввос мисол
Изларди ҳаётнинг моҳиятини.

Деди: – Сен заминда беармон юриб,
Излар қолдирибсан ана ҳар тараф.
Валекин, ҳаллослаб шунча югуриб,
Бир қадам қўймабсан ўзингга қараб.

Бесамар йўлларда улоқиб охир,
Тақдирга тан берган бўлолмас ғолиб.
Сен энди сандикдан чиқолган Тоҳир,
Ўгитлар мағзини чақолган толиб.

Каттароқ очгайсан кўнгил кўзингни,
Зулмату соядан айлабон ҳазар.
Мўъжиза изласанг, топгил ўзингни,
Юрагинг тубига ташлагин назар.

Ичингда ниш уриб, кўкармоқ истар
Қанча оғияту қанча касофат.
Бирда шодумонсан, бирида музтар,
Чуқур қафасингда урён масофа...

Хушхабар кутмоқда, хатар кутмоқда,
Баривир, сен олдга юргайсан илдам.
Фофиллар ўтмоқда, ошиқ ўтмоқда,
Қай бири баҳтиёр, қай бири пурғам.

Туман йўл бошида йўлсизлик ёмон,
Аччиқ қалампирдай янчилар тоқат.
Қай томон юрмоқни айтаман бу он,
У йўлдан бир ўзинг ўтасан фақат.

Лозимдир күймөғинг икки қадамни,
Минг йиллик машаққат тутса ҳам ҳатто.
Бошингга тож қилиб дарду аләмни,
Синовдан ўтгайсан мардона, аъло.

Беҳосил умрингга боқма қайрилиб,
Ишқа ёр дамларни безайди шараф.
Афсус, останамда турар айрилиқ,
Камолинг кўришга бўлмам мушарраф.

Хайр-хўш демоққа бергайсан изн,
Кўз тутиб топганим, дўсти анисим.
Сафарим сўнгига ташрифинг таскин,
Руҳим ҳаволанур, қолади жисмим.

* * *

Билмагайсан, давру даврон ўтгуси,
Ҳам вужуддан дарду дармон ўтгуси.

Тийги ҳижрон жон-жонингни ўртабон,
Вах, руҳафзо жону жонон ўтгуси.

Чўл-биёбон, тоғу дашту баргрезон,
Гулга чўмган боғу бўстон ўтгуси.

Майдон ичра бир вафодор мард қани?
Чин вафодор марди майдон ўтгуси.

Мингта дўстинг бўлса ҳам кам, водариғ,
Гарчи битта – дўст-қадрдон ўтгуси.

Ломаконни билмайин аҳли башар
Айрилиқдан зору нолон ўтгуси.

Эй ажал, сен қасди жонсан музтариб,
Жидду жаҳдинг ҳар дам армон ўтгуси.

VII

Үша йўл
боши ҳам, охири ҳам йўқ.
Эски манзараға тўлиқ
ўнгу сўл.

Ўша ер –
қишлоғу шаҳару пойтахт.
Машаққатли ўша меҳнат,
ўша тер.

Ўшадир
мехр-оқибат, муддао,
саховат, ғараз, иддао,
шаън, қадр.

Ўзгача
фақат орифнинг нигоҳи,
кувончи, ҳасрати, оҳи –
сўзгача.

Боради
ҳар ён барқ урар эзгулик.
Ҳар он етилар мангулик –
кўради.

Ошади
мақомдан яна мақомга.
Борлиғин бериб илҳомга
тошади.

Пайдодир
қалбида ҳайбат-ҳаяжон.
Завқ ила шавққа тўла жон
адодир...

* * *

Заминда турфа гул, чечак очилар,
Ужмохдан андоза олгандай олам:
Бир танқис, анвойи ифор сочилар,
Одамдай яйрайди, ўйлайди садам,
Заминда турфа гул, чечак очилар.

Хайрли ўй-хаёл дунёнинг боши,
Эзгу сўз ва эзгу амал устувор.
Яхшилик яхшининг доим йўлдоши,
Покдомон дилларда йўқ зарра ғубор,
Хайрли ўй-хаёл дунёнинг боши.

Юз неъмат юз очар ернинг юзида –
Кўнгилга юзланган кўради уни.
Камалак товланар ҳар кундузида,
Каҳкашон базмига мезбондир туни,
Юз неъмат юз очар ернинг юзида.

Гул бўлар, куш бўлар, гўё туш бўлар,
Роҳат-фароғатга эш бўлар нафас.
Ўздан кечиб бормоқ айни хуш бўлар,
Ечилиб, тўкилиб боради қафас,
Гул бўлар, куш бўлар, гўё туш бўлар.

Борлиқقا қоришар одам боласи,
Эй ўрмон, дарёю сахро, салламно.
Ичию таши бир, бўлмас оласи,
Эй якка-ягона, Танҳо, салламно,
Борлиқقا қоришар одам боласи.

Борлиқقا қоришар одам боласи!..

ТАРЖИМАЛАР

ЯКУБ КОЛАС

(Белорус)

ЎРМОН

Эслаш мароқлидир яшил ўрмонни,
Қарағайлар гүё тож кийган онни,
Тизилиб туради сершох дараҳтлар.

Бепоён кенгликда борлиқ ранг-баранг.
Баҳамжиҳат яшар қарағай, эман,
Сенга аён бари – дилрозу аҳдлар.

Бир сафда туришиб эманлар, ана,
Арчаларга нигоҳ ташлашар ёна –
Худди бўй қизларга қараган мисол.

Мен ҳам бунда узоқ кездим саросар,
Лек қалбда қайғудан йўқ эди асар,
Ойдин хаёлларга эш бўлиб хушҳол.

Эй ўрмон! Бағрингда онлар бетакрор,
Қалбим ором истаб келганман кўп бор,
Юрагим орзиқар... нимадан мудом?

Бундан хилват гўша огоҳдир азал,
Сен, мен, яна ўша навниҳол гўзал...
Ким у? Жим, соқов бўл, гапирма, тамом!

ЯНГИ ЙИЛГА

Ким жавоб беради, айтинг, яхшилар,
Янги йил бизларни қандай қаршилар,
Совғага ҳозирлаб күйган нимани?

Үтган йил күп оғир қадам ташлади,
Бутун олам, ахир, титраб-қақшади,
Аччиқ тутун қоплаб буткул самони.

Тириклик йўқотиш сари юз бурди,
Беаёв, бешафқат ажал чанг урди
Тинчликнинг куйига илҳақ очунга.

Экинзорнинг бўм-бўш, яйдоқ бағрида
Ўрам-ўрам бўлиқ ҳоссил ўрнида,
Эвоҳ, уюм-уюм сўнгак сочилган.

Далаларга чиқиб замбарак, ҳайҳот,
Тўпларни ёғдирди тинимсиз бедод,
Экилди беармон қайғу-аламлар.

Йўлларга белгилар қўйиб хоч билан,
Саргардон кезишиді қўзда ёш билан
Кулбаларин ташлаб кетган одамлар.

Белорус тупроғи бўлиб зор-нолон,
Даҳшатли кулфатда қолди беомон,
Кимсасиз мунғаяр жонажон ўлкам.

Йил хушхабар билан келарми, ёҳу?
Қаҳри қаттиқ бўрон тинарми мангу?
Нима ваъда қиласар янги йил бу дам?

1915

Иван ФРАНКО

(Украина)

БОҚИЙ ҲАЁТ ҲАҚИДА АФСОНА

1

Дунёни забт этиб буюк Искандар,
Бобилда илоҳдек яшар музaffer.

Зоҳид-чи бир умр чўлу сахрова
Тангрига сиғинди – бўлди тақвода.

Зулматни қувгандек қуёш бир зумда,
Тун чоғи кўринди ногоҳ маъбуда.

Яқинлашиб деди: “Эй, содик бандам,
Тила тилагингни, берайин шу дам!”

Зоҳид деди: “Ҳаёт, гарчи, қайғули,
Лекин етмасайди ажалнинг қўли”.

Маъбуда дер: “Аён ниятинг мутлок,
У ҳолда бу сенга, олтинранг ёнғоқ.

Бир кеча ухламай ва сукут сақлаб,
Ёнғоқни чақасан ақлингни чархлаб.

Мағзин еб, пўчоғин отасан ўтга,
Шунда эришасан бокий ҳаётга”.

2

Кун бүйи сукутда, тун бүйи бедор –
Зөхид улуғ ишга бўлди талабгор.

Хушбўй оғочларни ёқа бошлади,
Ҳатто исириқдан мўл-кўл ташлади.

Тақдирлар тангридан этилган ато –
Ақлни пешлайди, қилмай деб хато.

Қалбини ўртади ногаҳон ҳадик:
“Нега керак менга ўзи мангалик?

Кураш оламига қайтиш учунми?
Мангу яшамоқлик?.. Шу куним кунми!

Маъбуда, афв этгил, гуноҳ қилдим мен,
Неъматинг соҳибин энди билдим мен.

Навқирон шоҳимиз мисоли маъбуд,
Камини бу неъмат яна айлар бут.

Милёнлар учун нур, офтоб эрур у,
Милёнлар баҳтига яшасин мангу”.

3

Дунёни забт этган буюк Искандар
Бир сулув ишқида қулдек мунғаяр.

Рахшона – сүғд қизи¹ гүзал, бетакрор,
Шу чирой боиси юракда шарор.

Мағрур қиз күксига қўяр экан бош,
Оғушида эрир, беролмас бардош.

Лекин ўтмасидан бирор дақиқа,
Қиз қалбин чулғайди ғаюр таҳлика.

Ишқу эҳтиросдан намли кўзида,
Чақнайди ёвуз ўт шу вақт ўзида.

Лабидан учади даҳшатли истак –
Ёнғин, ўлим, ғамга эгизак.

Шоҳ ҳам садоқатдан буткул тонади:
Персеполис ёнди! Суза ёнади!

Клитни ўлдирди! Бу ишқ саробми?..
Кундан-кун кучаяр дўзах азоби.

¹ Муаллиф “Форс қизи” деб атаган. Таржимада бу далил тариҳақиқатга мослаштирилди – тарж.

4

Маъбудга ёлворди буюк Искандар:
“Вайрон қил, дунёдан қолмасин асар!

Ёхуд изтиробим айлагил осон,
Билайн, у ёрми ва ёки илон?

Бунча қўп тусланар, айтиқол яна,
Қалбининг соҳиби менми ягона?”

Зоҳид пайдо бўлиб қошида шу зум,
Заминнинг шоҳига айлади таъзим.

“Фанимлар даф бўлсин, шоҳим, йўлингдан,
Тухфа қабул айла содик қулингдан!

Нописанд қарама! Шу митти ёнғоқ –
Маъбуда инъоми! Ғурур ё гуноҳ”.

Сўнгра изоҳ берди, қайдан бу ҳосил,
Маъбуда шартларин айтди батафсил:

“Милёнлар баҳтига офтобман десанг,
Мангу ёш бўласан, ёнғоқни есанг”.

“Боқийлик манбай – Ҳақдан иноят!”
Шоҳ үзин құдратли ҳис этди ғоят.

“Мен мангу яшайман ўқтам, навқирон!
Ерим·чи? Гул каби сұларми нолон?

Усиз ҳаёт нечун? Нимадир жаңнат?
Йүқ, йүқ, үлем афзал! Тириклик – даҳшат!”

Шоҳ, караҳт югурди Раҳшона томон:
“Гулим, мангу яшна, сенга бу инъом!”

Сұнгра сүйлаб берди, қайдан бу ҳосил,
Маъбуда шартларин айтди батағсил:

“Қуёшим, сен мени севсанғ чинакам,
Шу мағиз киғоя иккимизга ҳам.

Йүқса... – тутилар шоҳ. – Үзинг, майли, бил!
Мана, сенга ёнғоқ! Нима қылсанг, қыл!”

Қизарди қызы бирдан қон телиб юзга,
Искандар шахт билан қайрилди изга.

6

Рахшона, гүзал қиз, нени ўйларсан?
Шоҳ билан мангалик томон бўйларсан?

Йўқ! Уни куйдирган алам ўзгадир!
Қалбида илоҳ ҳам, шоҳ ҳам ўзгадир.

Азиз деб кўз тиккан, куну тун демай,
Довруғли саркарда, у - Птолемей.

Гарчи йигит севмас, интилмас зинҳор,
Қиз эса жонини беришга тайёр.

“Мангу яшамоқлик... ёрсиз? Асло, йўқ!
У боқий яшаса - кўнглим бўлар тўқ!

Сирли ёнғоқ билан қалбин забт этай!
Бўлмаса, на илож, дунёдан ўтай”.

Саркардага уни элтди ўша он
Ва барча шартларни айлади баён.

Оқшом чўkkанида қайта қолди қиз,
Искандар майига заҳар солди қиз.

Шоҳ оғриқ зўридан оҳ-фарёд урар,
Рахшона бепарво, жимгина турар.

Кўпни кўрган табиб исчор бош силкир,
Саройни чулғайди тундай хавотир.

Даҳшатли туш янглиғ тарқалар хабар,
Салтанат қайғуда, хўрсинар шаҳар.

Куртизанка¹ ялтир-юлтир либосда,
Шу пайт кириб келар хонаи хосга:

“Кўпнинг баҳти учун яша беадоқ,
Шоҳим, мендан ҳадя бу сирли ёнғоқ!

Маъбуда инъоми – есанг мағзини,
Мангу ёш бўласан – айтдим сўзини”.

Искандар дарғазаб: “Қақшагин, бадбаҳт!
Кимдан олдинг буни? Тўғрисини айт!”

Қиз қўрқмай гапирди, ҳоли бўлмай танг:
“Уни менга берди сенинг саркарданг”.

¹ Куртизанка – ўқимишли, кўпгина санъат турларидан боҳ зодагонларнинг кўнглини овлаб юрадиган аёл.

Искандар ётаркан оғриққа чидаб,
Мүъжиза ёнғокни турар чангаллаб:

“Абадий яшамоқ, севмоқ, севилмоқ!
Хаёт эса жангдир! Мұхаббат – алдоқ!

Курашиб яшамоқ алдов түрида!
Куну тун! Куну тун! Азоб қўрида!

Маъбуда, тухфангни қилмасман ҳавас!
Мен шоҳман дунёга, қалбимга эмас!

Милёнлаб одамни ўлдириш осон,
Мажбуrlаб сүйдириш – буниси гумон!

Абадий яшамоқ! Ҳазил-мазах-ку!
Шу ёнғоқ баҳт тухфа этарми мангу?

Баҳтсиз, яна ишонч, севгисиз, ҳайҳот,
Мангу яшаш – ўтда ёнмоқ умрбод!

Йўқ, маъбуда! Қайтариб ол тухфани!
Кутқар, йўқса, дўзах кутмоқда мани!”

Тұшақда үртаниб оғриқдан подшо,
Ёнғоқни күзига қилди түтиё.

Сүңг хушбүй оғочлар чарсиллаб турған
Гулханга неъматни ташлади бирдан.

Гүёки оғриқлар пасайди, тинди,
Қайнаган қонига салқинлик инди.

Ақли тиниқлашди, кетди хомхаёл
Ва тунда жонига етишди завол.

СОҲИБЖАМОЛ ҚИЗГИНА

Соҳибжамол қизгина, қадду қомат қурчгина,
Нечун қалбингда бунча араз ҳамда ўч, гина?
Лабларинг мисли ғунча – дуога чоғланганми,
Сўзларинг тийғи ханжар – жазога чоғланганми?
Нигоҳингда акс этган нозу карашма, ҳайҳот,
Юрагимга ўт қалаб, айлагай гулхан бунёд.

Тундан-да қаро бу кўз, эй оғатижон нарғиз,
Уни бир кўрган киши оғгобни демас ҳарғиз!
Кулгуларинг жон ўртар, эркалаб чунон ўртар,
Бу қандай жоду, айтгин, бағримда бўрон ўртар?
Сарвқомат дилбарим, кундан ёруғ наҳорим,
Кувончим ўзингдирсан, ўзинг менинг озорим!

Соҳибжамол қизгина, қадду қомат қурчгина,
Нечун қалбингда бунча араз ҳамда ўч, гина?
Сени кўрган онимда йўқотаман сўзимни,
Сенсиз қандай яшайман, унутаман ўзимни?
Кувончим ўзингдирсан, ўзинг менинг озорим,
Сарвқомат дилбарим, кундан ёруғ наҳорим!

* * *

Сен, фақатгина сен – севгилим ёлғиз,
 Сен билан яйрамоқ бўлмади рано.
 Қонни оғулаган қайғумсан илкис,
 Кўксимни чок этган – сен ўша рўё.

Илҳом онларида тушдай бир садо,
 Унга муносаб сўз топмадим, афсус.
 Сен шараф манбаи, мен-чи – жонфило,
 Иймоним йўлимни ёритган фонус.

Сўнган эҳтиросдек, умид ордона,
 Мен айтмаган кўшиқ, ният мардана,
 Барчаси улуғвор қалбимда мени.

Танимни илитиб, ёндирган олов,
 Маҳв этиб, азобдан халос этган ёв –
 Мамотдек, ҳаётим, севаман сени.

Иван Бунин

(Россия)

* * *

Нақадар нурафшон гуллаган баҳор!
Ҳар галгидек боқиб кўзимга бедод
Ва, айт-чи, нимага маъюссан, дилдор,
Нимадан сўзингда бунча илтифот?

Сукут ичра нафис гулдек титрайсан...
О, майли, гапирма! Икрор не керак?
Англадим: илтифот – ҳижрондан дарак,
Мен яна ёлғизман!

ОҚШОМ

Биз бахтни хотирдан излаймиз музтар,
Ҳолбуки, у мавжуд ҳар ерда ҳар вақт –
Чайла ортида кузги боғ муаттар
Ва дарчадан эсган сабо эрур баҳт.

Тубсиз осмон узра парқу булутлар
Ястанар, товланар... Мен-чи, айлаб жаҳд
Кузатиб англадим, бизлар бехабар:
Фофилга берилмас асло баҳтдан тахт.

Очиқ даричага чирқиллаб бир қуш
Қўнаркан, китобдан кўз узиб шу он,
Хорғин нигоҳ ташлаб қўйдим у томон.

Оқшом чўкаётир, осмон рўйи хуш.
Тегирмон қўшиғин тинглайди тандир...
Кўряпман, эшитдим – баҳтим шундадир!

* * *

Бугун тунда кимдир куйлади узок.
Зимистон далани кезиб дарбадар,
Үтмиш бахт ва эркни құмсади күпрөк,
Овезида силқиб үкінч за кадар.

Сен ором олардинг... Дарчани бирдан
Очдиму қүшиқни ёниб тингладим...
Ёмғирдан сүңг жавдар ҳиди уфурган
Салқин кеча ғоят хушбүй ва надим.

Бу нола қалб торин чертдими? Билмам,
Маъюс хотиралар дилда уйғонди...
Сени шундай жондан севгандим мен ҳам,
Сен ҳам севган эдинг мени қачондир!

* * *

Қандай осойишта ва қандай очик,
Хувиллаган замин ғарип тус олган.
Хазонрез боғларда хотирот сочик,
Улуғвор осмон ҳам совуқ-бұзарган.

Эй, бепоён осмон, сенинг забонсиз,
Сокин ҳайбатингдан шошиб қоламан.
Ахир, бу ғариблик күнглимга згиз,
Мен кузни қувониб қарши оламан.

Сочилган оловдай япроқлар лак-лак,
Нодир бүёқларда товланар экан,
Боғда ора-чира чирқиллар читтак,
Уларга хуш ёқар шу унут маскан.

Фақат куз шамоли гувлаган тунда,
Манзара үзгарар, ҳаво айнийди.
Ошиқ қалб ҳижрондан бўзлайди шунда:
Оҳ, кўнглим маҳрами бўлса қанийди!..

* * *

Бир кун келиб жисму жоним йўқолар,
Лек шунда ҳам ҳувиллаган бу хона
Бутун ашқол-дашқоли билан қолар -
Аввалгидай оддий ҳолатда яна.

Ва яна шундай тинсиз учиб юрар
Қанотлари рангин капалак:
Париллар, шитирлар ҳамда пирпирап
Зангори шифт узра жонсарак.

Ва яна шундай осмон ҳам пастга,
Очиқ даричага боқади аста.
Мовий денгиз жимир-жимир тинмайди -
Бўм-бўш кенг бағрига чорлаб имлайди.

БИРИНЧИ БУЛБУЛ

Кўкда новвот каби эриб, ялтирайди ой,
Олма гули оқ, қўнғироқ - ажиб бир чирой.

Кўк юзида тарам-тарам жимиirlар шафақ,
Ой теграси нилий рангда товланар фақат.

Шовуллар совуқда юпун ва ҳарир боғча,
Маҳзунликда булбул нолон сайрайди чаҳ-чаҳ.

Счиқ дарича олдида ним қоронғида,
Кизча соchlарини ўрар ой ёруғида...

Шунчалар тотлидир, бу баҳорий ҳикоя -
Минг айтилса-да, яна янги, бениҳоя!.

* * *

Ёлғиз қаршылайман шодмон күнларни –
Шимолда, овлоқда... Сизда-чи, күклам
Үрмөнгө жон берар эритиб қорни,
Күрфаз майсалари ложувард, күркем.

Оқ қайин қымтиниб яшилланади,
Баландроқ олади булат забтини,
Шамол бөғни силқиб, сокин энади
Дарчага уфуриб апрель тафтини...

* * *

Қаровсиз боғдаги үшал букри тол ости
Ховузда тун чоғи сокин чайқалган юлдуз –
Саҳаргача милтираган шу чүғни, рости,
Мен энди ҳеч қачон күкда күрмасман, афсус.

Болалигим кечган олис қишлоқ жонажон
Ва бағрида мен ёниб илк қүшиқлар битган,
Үсмир срзуларим рүёбини зор кутган
Ота уйимга ҳам энди қайтмам ҳеч қачон!

* * *

Шеърият – сүз билан англаңмас мавхум бир хил
Мени ҳайратга солған тоғ бағридек ёвойи:
Тошлоқ сайхон, четан күра, яна салқин сойи,
Чүпон гулханидан үрлаган тутун муваққат.

Ажид бир ҳадик ва шодликка қилолмай тоқат,
Юрагим буюрап: “Қайт ортга, бўлма ҳавойи!”
Тутунмас, димоғимда гўё атиргул бўйи,
Борарман дилимда ҳасад ва адoқсиз ҳасрат.

Шеърият, йүк-йүк, у сиз билган шеърият эмас,
у менинг ёниң ижодимда, меросимдадир –
Қанча бой бўлсам, шунча шоирман булбулнафас.

Ўзимга айтаман бир ҳисни туйгандек элас,
Аждодларим айтиб кетган ҳикмат эсимдадир:
– Ажабки, турфа қалб ва замон дунёда бўлмас!

* * *

Баҳорий туйғулар, мана, марҳамат,
Лаҳзалик меҳмонсиз – қўксимни тутай!
Табиат, сен менга қучишни ўргат,
Гўзал борлиғингга қўшилиб кетай!

Эй, осмон, йироқсан, етмас нигоҳ ҳам,
Зангор кенгликларинг билмагайдир ҳад.
Сен-да бепоёнсан, ям-яшил далам,
Сизларга юракдан интилгум фақат!

Евгений ЕВТУШЕНКО

(Россия)

* * *

Балким, кунлар ўтгани сайин,
Күпроқ тотгум ёлғизлик майин.

Балким, йиллар ўтиб паришон,
Қолмас мендан бирон-бир нишон.

Балким, ўтиб неча асрлар,
Номимни ҳам билмас насллар.

Фақат ўтиб шунчаки кунлар,
Үртамаса уят ва мунглар.

Фақат йиллар зайлаб васваса –
Мунофиқ деб тамға босмаса.

Ва яна асрлардан илинжим:
Тупурмаса қабримга ҳеч ким!..

* * *

Ваҳки, мен хаёлан дўстимни кўмдим,
Бу сирдан сиқилиб, қайғуга чўмдим.
Бошқалар учун у соғу саломат,
Рафиқаси билан яшар аломат.
Кўплар ҳали бизни дўст деб юришар,
Чунки, гап-гаштакда бирга кўришар.
Жонсиз бир сумбат у,

дардим ичимда,

Афсуски, айтолмам буни ҳеч кимга.
Сохталиқ ғашимга тегсаям жуда,

Унга сўз қотаман тилнинг учида.
Самимий эмас ҳеч гапи, тилаги –
Бир парча муз эрур унинг юраги.
Маъзур тут,
мен сени қилмам маломат,
Жимгина баҳрингдан ўтаман фақат.
Бу не ҳол?
Айрилиқ ўртайди бағир,
Ҳолбуки, ҳеч кимим ўлмаган, ахир?
Узоқ яшамадим мен ҳали, илло,
Жуда кўп дўстимдан бўлибман жудо!

НА-ДА БИРИНЧИ БОР ВА НА СҮНГГИ БОР

На-да биринчи бор ва на сўнгги бор
изтироб чекяпсан... Кўй, бўлма дилгир.
Дунёдаги барча қулликдан абгор
ўз нафсига қарам бўлмоқлик, билгил.

На-да биринчи бор ва на сўнгги бор,
сен ноҳақ ҳўрландинг, топмадинг қадр.
Аlam ботқоғига ботдингми noctor?
Ахир, золимларнинг ўзи тубандир.

Беномус кимсанинг қайғуси ошкор –
ҳисларингга минбаъд бўлолгин эга.
На-да биринчи бор ва на сўнгги бор,
изтироб чекяпсан...
Хўш, айтгил, нега?

Акбар РИСҚУЛ
(Кирғизистон)

ОТА ЮРТ ҮЕЛОНЛАРИГА

Назим Ҳикмат

Мен сүймасам,
Сен сүймасанг,
У сүймаса,
Ота юртни ким сүяр?!

Мен куймасам,
Сен куймасанг,
У куймаса,
Ота юрга ким куяр?!
Мен гуноңкор.
Сен гуноңкор,
У гуноңкор бўлмасин?..
Юрагингда ота юрт деб яшнаган
Мехр гули сўлмасин!

Бир-бировга
Тиш қайрашган замонда
Хизр бўлиб йўлдошинг,
Оллоҳ ўзи қўлласин!

УМИД ВА ҲАДИК

Тақдир менга топишишмоқдай күрінди!..
Үйлаб-үйлаб хаёлларим бүлинди:
Ким тарқатган
Қайғу билан баётни,
Ким яратган
Ұлим билан ҳаётни?!

Топишишмоқдай бир берилған умрни
Англай дея, қирқ қобурғам әгилар:
Шодлик надир, алам нима –
Ким билар,
Түр ва гүр не,
Юрак шүрлік сиқилар?!

Тақдир чигал!.. Тотимасдан талх майни,
Нетар чалсам карнай ила сурнайни?!

Яшар шодлик билан қайғу
ёнма-ён,
Эгизакдир умид-ҳадик
бегумон!

ТОМЧИЛАР

Томчилар мўлтирар узумдай,
томири узилиб-узилмай...
Ховучимни тўлдирай дейман,
сабаби сезилиб-сезилмай.

Нақорат:

Деразам ёнидан узилмай,
томчилар мўлтирар узумдай,
узсаму қўлимни теккизмай
сўнг берсам биргина ўзингга-эй!

Тақдири кенгмикин ёки тор,
томири йўқмикин ёки бор...
Деразам ёнида мўлтирар
томчилар... томчилар... томчилар...

Нақорат:

Томчининг кўз ёши хуморми,
“Чак” этиб тўкилмай турарми?..
Бўйнингга тақолсам тип-тиник
томчидан ясалган туморни!

ПОЛАПОН БИЛАН ОДАМ

Муштдеккина қоролу¹дан сүрдим бир кун:
- Қишиң қаҳридан қочиб юрәр қушлар нечун?

“Чирқ-чирқ” этди бутогида қушча шу дам:
- Сен бандасан, чида, - деди, - бүрөнгө ҳам!

- Жавоб бергин саволимга, - дедим яна,
- Оғриқларга йўлиқади нега тана?

У шундай дер қанот қоқиб кенглик сари:
- Одам учун синов эрур бунинг бари!..

Ўхшаш чиқиб ўйларимиз қишиң қунида,
Бизлар келдик бир фикрга қуш тилида:

Тақдирга тан бермоқ полапонга мосдир,
Курашиб яшамоқлик одамга хосдир!

¹ “Королу” – қуш номи

СЕВИМЛИ ҚҰШИҚ

Дилга яқин, севимли құшиқ –
Эл олдида айтилган үлан.
Агар уни тингласам жүшиб,
Сәхрлайди оғанги билан.

Юракда ҳисларим тошмаса,
Олмаса булоқдан андоза,
Яралмабди севимли құшиқ
Маъсум гүдак қалбидай тоза.

Сәхрли, ёқимли туйғулар
Бахш этмаса күнглимга сафо,
Яралмабди ҳали у құшиқ –
Илк мұхабbat каби мусаффо.

Эл олдида айтилган үлан,
Сел қиласы мени ошиқиб.
Қани, күкка юксал, ҳаволан,
Дилга яқин, севимли құшиқ!

Леся УКРАИНКА

(Украина)

ҮРМОН ҚҰШИГИ

Уч күринишили афсона-драма

Иштирокчилар

Пролог

Тұғонбузар

Богинка (икки нафар)¹

Сув париси

Сув ажинаси

Биринчи күриниш

Лев амаки

Лукаш

Сув париси

Үрмонлик

Мавка²

Перелесник³

Безгак (сүзсиз)

Богинка

¹ Гарбий славян халқларида бу афсонавий адабий қиёфа чүқинтирилмай туриб ўлған боланинг дарбадар рухи бўлиб, учкун күринишида ҳам куринади. У одамларни адаштириб, ботқоқликка бошлаб боради.

² Славян халқлари мифологиясидаги афсонавий қиз. Танасининг орқа томони йўқ, шу боис ички аъзолари күриниб туради. Одатда мавка аламзада мавжудот сифатида тасвирланган, у ўзининг бевақт ўлими учун ўч олиш мақсадида учраган одамни авраб ўзига мафтун қиласди, кейин эса ўлдиради. Л. Украинканинг асарида бу образ үрмон рухи, ҳатто үрмоннинг қалби сифатида намоён бўлади.

³ Бу қиёфа украин мифологиясида одамларга дунёдан ўтган қариндошлари бўлиб күринувчи жин сифатида талқин этилади. Перелесник одам танасига кириб олиб, аёллар билан яқинлашиши, ҳатто фарзанд күриши ҳам мумкин.

Куц¹

Иккинчи кўриниш

Лукашнинг онаси

Лукаш

Лев амаки

Дала париси

Килина

Сув париси

Чўққида ўтирувчи

Перелесник

Учинчи кўриниш

Мавка

Ўрмонлик

Куц

Злиден²

Лукашнинг онаси

Килина

Болакай

Лукаш

Килинанинг болалари

Қисмат

Перелесник

¹ Украинча куций – “думсиз”, белорусча куцан – “жин”, полякча “думесилган ҳайвон” деган сўзлардан келиб чиқсан, дея тахмин қилинади. Бу жин думсиз бўлиб, ботқоқقا тушган одамларни ҳалок қилиш билан “шугулланади”.

² Славян асотирларида ёвуз жинларни шу ном билан аташган. Бу ном кўпмаъноли “элыден” сўзидан ясалган бўлиб, ёвуз, дангаса, бахтсиз одам, гадо деган маънони билдиради. Кўпликда ишлатилганда эса бу сўз бахтсиз қисмат маъносига келади.

ПРОЛОГ

Волиндаги қадим, күхна, қалин, қуюқ ўрмон. Ўрмон ўтасида шохлари пастга эгилган қайин ва баҳайбат кекса эман дарахти ўсан кенг яланглик. Ялангликнинг чеккалари ўт боссан дўнглик ва қамишзэрга туташади, бир четида эса оч яшил тусдаги ботқоқлик – бу ўрмон жилғасидан ҳосил бўлган кўлнинг қирғоқлари. Жилга чакалакзордан отилиб чиқиб, кўлга куйилади, кейин кўлнинг нариги томонидан оқиб чиқади ва бутазорлар орасида ғойиб бўлади. Кўлнинг ўзи сокин, ўртаси бақатўн ва оқ нилфия, тоза йўсин билан қопланган.

Бу ерлар сирли, ёввойи, лекин нохуш, қўрқинчли эмас, балки ўйга толдирадиган даражада ёқимли бир гўзалликка йўғун.

Эрта баҳор. Ўрмон чеккалари ва ялангликда йўсин кўкарган, бойчечаклар очилган, уйқу ўти гуллаган. Дарахтлар ҳали ялангоч, лекин шохлари ҳализамон очилишга шай, бўртиб турган куртаклар билан қопланган.

Кўл устида туман гоҳ парда каби тортилади, гоҳ шамолда ҳилвирайди, гоҳо ёйилиб кетади ва шунда оч ҳаворанг сув юзаси очилиб қолади.

Ўрмонда нимадир шовқин солади, жилға жилдирайди ва унинг суби билан бирга ўрмондан Тўғонбузар – ёш, оқ танли, малла сочли, кўккўз киши югуриб чиқади. Унинг ҳаракатлари шиддатли, лекин равон, кийими тўқ сариқдан бошлаб то оч мовийгача бўлган рангларда тусланиб, ўткир тилларанг учкунлар сачратиб ялтирайди. Оқимдан кўлга ўзини ташлаб, унинг сокин сувини тўлқинлантирганча, сув сатҳи устида айланади, туман тарқалади, сув кўк тусда товланади.

Тўғонбузар

Тоғдан водийга тушаман,
Югурман ва шошаман.
Сўқмоқ йўл ҳам, яна инсон
Курган тўсиқ қолмас омон.
Кўпригу тўғонни бутун,
Мен қиласман кунпаякун –

Ха, навбаҳор суви тошқин,
Мисли эрк каби ёш, жўшқин!

(Кўлни янада қучлироқ тўлқинлантиради, сувда манидир излаган каби ўнғийди ва яна сузиб чиқади)

Богинкалар – жуда ёш, рангпар икки болакай оппоқ қўйлачталарда сувда, оқ нилфиялар орасидан кўринадилар.

Биринчиси

Бунда изғиб, не излайсан?

Иккинчиси

Үйқу бермасдан бўзлайсан?

Биринчиси

Онамиз ётқизди бизни,
Ҳам авайлаб жонимизни,
Илдиз, тошга худди пардак
Сув ўтидан солди тўшак.
Нилфиялар унга ёпиб,
Кўшиқ айтди шундай топиб:
“Алла-алла, жон алла-ё,
Болаларим, тинч ухланг-о!”

Иккинчиси

Нега бунда изғияпсан?

Биринчиси

Ё кимнидир изляяпсан?

Тўғонбузар

Ха, гўзал сув парисини,
Қалб гавҳарим сарасини –
Бу малика шундай машҳур,
Оlamda ҳеч тенги йўқдур!

Кездим барча тоғларни,
Үрмон, водий ва боғларни -
Күрмадим кезиб жаҳонни,
Ундан ўтар бир жононни.
Чайқатиб күлни тўқаман,
Сув парисини топаман!

(Сурон солиб сувни лойқалатади.)

Богинкалар

Кўрқитмагин бизнивой, дод!
Кулбамизни қилма барбод.
Онамиз бизни ўстирди,
Форда уй-жой қилиб берди.
Биз отасиз болалармиз,
Бунда ғариб лолалармиз...

(Унинг қўлларига ёпишиб ёлворишади.)

Кўл туви зах ва зими斯顿,
Биз унга тушамиз, ишон.
Сув париси ўша ерда,
Балиқчига ошиқ жуда.

Тўғонбузар

Ажралсин ундан бу кез!
Ва ёнимга қайтсин тез!
Богинкалар кўлга шўнғишишади.
Нега сузиб чиқмаяпсан?

Сув париси кўл юзига сузиб чиқади, нозу карашма билан
жилмайиб, кафтларини қовуштиради. Бошида иккита чамбар,
бири катта, яшил, бошқаси кичик, дурдан ясалган, худди тож-
га ўхшайди, унинг остидан нафис ёпинчиқ тушиб турибди.

Сув париси

Бу сенмидинг, азизгинам?

Тўғонбузар

(жаҳл билан)

Сен қаерда эдинг бу дам?

Сув париси

(у томонга интилади, лекин ёнидан сузаб ўтади)

Тунлар орзу қилиб толдим,

Кутишга етмади ҳолим!

Кўзёшимни тўкиб бетин,

Уни челакка тўпладим.

Сўзинг эслаб, ёнди юрак,

Кўзёш билан тўлди чепак...

(Қўлларини силкайди, қучогини очади, яна унга та
пинади ва тағин ёнидан сузаб ўтиб кетади.)

Сен тилла танга ташлаб қўр,

Чайқалур, тошиб тўкилур!

(Шарақлаб қулади.)

Тўғонбузар

(заҳарханда)

Сиз ботқоқда кўпдан буён

Яшармисиз, тўқ ва шодон?

Сув париси унга яқинлашади, Тўғонбузар сувни чайқати
кескин юз ўгиради.

Кўл тубига тушиб такрор,

Балиқчига боқиб хумор,

Қисқичбақа, ёвуз лаққа

Ғажимасин ҳар дақиқа,

Деб кокилин тараб турдинг –

Бари ёқди, бирга юрдинг!

Сүв париси

(унга яқинлашади, құлларидан тутыб, құзларига тикилади)

Наҳот, шунга келди ғашинг?

(қувлик билан)

Менга ҳам, эй бевафо ёр,

Қилмишларинг бари ошкор!

(секингина қулади, Тұғонбузар безовталаңади)

Айт-чи, кимга ўралашдинг?

Маликани қилиб хароб,

Үзгани деб бағринг кабоб!

Тегирмончи қизи гүзәл,

Қиши тунлари узун азал,

Ёш жаноблар келишади,

Олтин танга беришади.

(унга бармоғи билан пүниса қилиб, қулади.)

Хаммасига мен күнаман,

Сен ялқовни тушунаман,

Кечираман, нечун қайғу,

Ахир, сени севаман-қу!

(ұазилона шавқ билан)

Мен сенга узок бир лаҳза садоқатли ёр бүлгум,

Фақат бир дақиқа ибратли ва вафөдор бүлгум.

Хиёнатни-чи, ғарқ қилгум!

Сувда из қолмас ҳеч қанча,

Эрта тонгдан то тушгача,

Худди севгингдек сенинг,

Худди ҳасратимдек менинг!

Тұғонбузар

(унга томон құлларини құзиб)

Инсоғ ила сулҳ тузайлик!

Бирға-бирға кел, сузайлик!

Сув париси

(улиниң күлмәридан тутыб, сұнда төз айланады)
Од, соңылда жүшаман,
Сарик күмләр оша ман
Дур чамбарга тушаман,
Түнгача рақс тушаман!
Од! Од!

Од уриб, сувни шалоплатиб сәнратади. Сув кириңдеңін
дай уриладыны, ылғаштың шоқын солиб, күштесіндеңін
күшләр гала булып ҳазога күтәрілади.

Сув ажынасы күл үргасидан калғиб чынади. У күпини күрі-
кеңең болады, сувғатары еншішін салып, үзүн соң-соқады берсеңіз
түшсін. Кивини лойка раягда, бомида чиганокли тоғ. Оны
бөгүй, лекин күчли.

Сув ажынасы

Сокин сұнниттін чайқатган хим у?

*Сув париси ма шериги рақсдан түхтаб,
дар таманга қоршишади.*

*Уалсанг-чи, қызын! Сув маликасы
Бегона билан рақс түшса! Жуда уит!*

Сув париси

На хотки у бегона? Танимадині ми?
Ахир, бу - ўзимнізнинг Тугонбузар-ку!

Сув ажынасы

Биләман,
Гарчи на саби сув, лен кондош эмас,
Кейин жудаям күв ҳамда бетайни.
Бахорда айқыриб, үйнаб, юлады
Йил бүйн сув парилари устирган
Кулдаги шоқона чамбарларин у.

Доно қүшни құрқитади ўрмонда,
Күпорар бева самбиттол илдизини,
Жажжи етимларнинг руҳлари ёққан
Шамчироқларга сув қуиб юборар.
Үпиріб ташлайди соҳилларимни,
Кексайған чоғимда тинчимни бузар.
Езда қайда бұлар? Қайда изғийди,
Күёш сув ичганда харислик билан
Менинг чўмичимдан очқўз калхатдек,
Қамишлар қовжираб шалпайганида,
Қуриган қирғоқда ҳолдан тойишиб,
Сўлиган бошларин қизиган сувга
Эгиб, лилиялар жон берар экан,
Қайда бўлар у?

У гапираётгандада Тўғонбузар Сув парисига ўғринча имо қиаб, ўрмон жилғаси бўйлаб биргаликда сузишга чақиради.

Тўғонбузар

(яширин мазах билан)

Денгизда бўламан унда, қария,
Уммон чақиради мени ёрдамга,
Күёш уни қуритмаслиги учун.
Денгиз шоҳи чақирдими, бориш керак,
Хизматчилик – ўзинг биласан буни.

Сув ажинаси

Э-ҳа, денгизда бўласан демак...
Менга эса эски дўстим, меҳрибон –
Куз ёмғири ёрдам бермаса агар
Буғланиб сўнг ҳалок бўлардим албат!

Тўғонбузар билдирмасдан сувга яширинади.

Сув париси

Нималар деяпсиз?

Бүг ҳалок бүлмас, ахир, буғдан яна
Сув яралади.

Сув ажинаси

Қандай ақлли-а!

Күл тубига туш-чи, бидирламасдан!

Сув париси

Ҳозир. У қаергадир беркинибди.

Мен чигал күғаларни тараб күй.

(Белбогидан чиғаноқли тароқ чиқариб, қирғоқдағ
ұтларни тарай бошлайды.)

Сув ажинаси

Ҳай, тарайқол, үзимга ҳам ёқади тартиб,

Тара, тара! Мен шу ерда кутиб турман,

Сен ишингни тугатгунча. Тузатиб күй, ҳа,

Оқ нилфияларни, ёйилсінлар бир текис:

Бақатүн гиламини ҳам бутлаб, тикиб күй,

Уни тешиб кетибди дайди.

Сув париси

Хұп бүләди!

Сув ажинаси сув парисининг ишини құзатғанича, үзига қулагай қолда қамишларға ястаниб олади: құзлары аста-секин юмила бошлайды.

Тұғонбузар

(сұвдан оқиста бошини чиқариб, Сув парисига)
Оқ тол ортига беркин, тез.

Сув париси Сув ажинасига қарай-қарай, яширинаади.

Биз сен билан сузажакмиз
Новлар томонга шошилиб,
Тезкор оқимга құшилиб.

Йүл-йүлакай түғонни бузиб, портлатамиз,
Тегирмончининг қизини сувга отамиз.

(Сув парисининг құлидан тутади ва құлни кесиб жадал сузади.)

Нариги қирғоққа яқинлашғанда Сув париси түхтайды да,
қичқириб юборади.

Вой, қийшиқ әманга илашиб қолдим!

Сув ажинаси уйғониб кетади, қочоқларнинг олди-
дан кесиб чиқади ва Сув парисини тутыб олади.

Сув ажинаси

Ҳали шунақами? Сен лаънати, күрасан ҳозир!
Сув париларини йўлдан уриш қандай бўлишин.
Онангга айтаман – Тоғ Бўронига,
У сенга кўрсатиб қўяди боплаб!

Тўғонбузар

(хохолаб)

Унгача мен шу ерда тўйиб, үйнаб юраман!
Хайр, Сув париси, тўлдиравер челакларни!
(Ўзини ўрмон жилғасига отиб, қўзга қўринмай кетади)

Сув ажинаси

(Сув парисига)

Кўл тубига туш! Уч марта ой тўлмагунча
Тепага ҳеч чиқа кўрма сувнинг қаъридан!

Сув париси

(қаршилик қилиб)

Во ажаб, қачондан буён Сув парилари
Сувда чўри бўлиб қолди? Мен озод қизман!
Худди сув каби озод!

Сув ажинаси

Лек менинг мулкимда
Сув соҳилни билмоғи шарт!
Сув тубига бор!

Сув париси

Истамайман!

Сув ажинаси

Истамайсанми?
Қани, дур чамбарни бу ёққа бер!

Сув париси

Йўқ!

Уни менга денгиз шаҳзодаси ҳадя қилган.

Сув ажинаси

Дур чамбарни тақмайсан энди,
Кулоқсизлигинг учун сени
Чўққида ўтирувчи олар.

Сув париси

(қўрқиб)

Йўқ, йўқ, отажон!
Энди қулоқ соламан!

Сув ажинаси

Сув тубига жўна!

Сув париси

(секин сув остига тушаётуб)

Кетяпман, кетяпман... Лекин мумкинми,
Вақтичоғлиқ қылсам балиқчи билан?

Сув ажинаси

Ха, майли, овуна қол.

Сув париси елкасигача сувға күмилиб, отасига қараб маъюс жилмаяди.

Қизиқсан сен! Мен ким учун қайғураяпман,
Тушунсанг-чи, у сени ҳалок этади,
Ха, жилғанинг тиканак каби
Үзанига обориб майиб қиласарди
Оппоқ танангни, алалхусус, сувсиз жойда
Ташлаб кетарди.

Сув париси

Лекин у жуда ўқтам!

Сув ажинаси

Яна билганингдан қолмаяпсан.

Сув париси

Йўқ, йўқ! Кетяпман!
(Шўнғийди)

Сув ажинаси

(тепага қараб)

Қуёш худди баҳордагидек қиздираяпти...
Уф, шундай димки! Бир салқинлаб олсам бўларди.
(Сувға кўмилади)

БИРИНЧИ КУРИНИШ

Уша жой, фақат баҳор авжидар, ўрмон бағрига гүё нози яшил түрт тортылганда, дараахт учлари ҳам яшиллик била қопланған. Күл лиммо-лим, соҳиллари худди тошбақатол барларидан чамбар кийгандек ям-яшил.

Ўрмондан ялангликка Лев амаки ва унинг жияни Лукаш чиқиб келади. Лев амаки ёши анчагина ўтиб қолған, күпнұрынан, очиқ чехралы киши; ўрмонликларга хос узун, оқ, сочлары кигиз шляпаси остидан елкаларига тұлқин-тұлқин бұлып тушған. У оч кулранг, оқиши бұз свита (чакмонсифат узун күйлак) кийған, оёғида чипта кавуш, құлларыда кичикроқ түр, энли қарм белбоғына пичоқ, елкасига дараахт пүстлоғида түқілған түрва осиб олған. Лукаш эса навқирон, күркем, қоши қора, күзлары болаларга хос самимият акс этиб турған, қадиди тик йигит; унинг ҳам әгнида бұз кийим, лекин майин матодан бұлған қайтарма ёқали күйлаги оқ иплардан кашта тикип безатылған, белида қызыл белбоғ, ёқаси ва енгларыда қызын тұғалар бор, бироқ свита киймаган. Бошида кенг сояблони сомон шляпа, белбоғида пичноқча ва арқон билан боғланға чүмічсімін идиш.

Кирғоққа яқынлашғач, Лукаш тұхтайди.

Лев

Нега тұхтаб қолдинг? Ахир бу ерда
Балиқ овлолмайсан: балчик ваботқоқ...

Лукаш

Мен ўзимга най ясаб олмоқчиман –
Қара, бу ердаги қамиш жуда зұр экан.

Лев

Лекин сенда шунақа бир қанча най бор.

Лукаш

Нечта экан? Жүка, бодрезак, яна
Самбитеттілдан ясалған найлар – тамом.
Менга қамиш най керак, у яхшироқ,
Жаранглаб чиқар оқанг.

Лев

Майли, яйрай қол,
Худо шунга байрамни берган. Эрта
Биз кулба қурамиз. Ахир, вақт етди
Үрмөнга чорвани ҳайдаб чиқишига.
Бақатүн оралаб майса унибди.

Лукаш

Биз иккимиз бунда қандай яшаймиз?
Бехосият дейишади бу жойни.

Лев

Кимга қандай! Мен-чи, жиян, биламан,
Қандай иш қилиш-у нима дейишни,
Гоҳида хоч, гоҳи ансол қадайман,
Бир жойга эса тупураман уч бор.
Кулба атрофига күкнор экамиз,
Сүңг газак ўт сепамиз бўсағага –
Шунда инс-жинс бизга қўрқинчли бўлмас.
Мен борай, сен нима қилсанг, қилавер.

Иккиси икки ёққа йўл олади. Лукаш кўлга қараб юради ва
қамишлар орасига кириб кетади. Лев қирғоқ бўйлаб боради ва
самбитеттіллар орасида ғойиб бўлади.

Сув париси

(қирғоқка сузид келади ва қичқиради)
Бобожон! Үрмөнлик! Фалокат! Қутқаринг!

Үрмөнлик

(*паст бүйли, соқоли ўсиқ чол, ҳаракатлари эпчи, күринишидан сипе; пүстлөкранг кийим кийган, бошыда пахмақ сувсар телпак.*)

Нима керак сенга? Нега қичқирасан?

Сув париси

У ёқда бир йигит
Найга қамиш кесяпти!

Үрмөнлик

Вой-вой-вой!

Шуми ҳали фалокат? Бахил экансан!
Бу ерда бор-йүти кулба қуришмоқчи,
Шунга мен индамаяпман, фақатгина
Хұл оғочларга тегишимаса бұлғани.

Сув париси

Ох, қандайин бало бүлди бу! Кулба-я?
Унда сомон том остида яшайдиган
Одамлар? Менинг уларга тоқатим ийүк!
Айниқса, сомон руҳини ёқтирумайман!
Уларни ғарқ қилиб, сувда юваман
Ұша лаънати руҳни. Сұнг қитиқлаб
Оламан жонларин. Келиб қуришсин!

Үрмөнлик

Тұхта! Шошилма сен.
Лев амаки келар ұша кулбага.
У бизга ошна. Нуқул ҳазиллашиб
Күкнору газак үт билан құрқитар.
Ёқтираман чолни. У бүлмаганда
Бизнинг қанча йиғин, рақсларимизга,
Үрмөннинг улуғвор сирига гувоҳ
Бу зман бүлмасди аллақачонлар.

Йўқса, олмонлар неча бор ўлчашиб,
Уч кишилаб ўраб, қучмоқ бўлишди
Азим танасин. Беришди қанча пул,
Одамлар ёқтирган нақшдор талерлар.
Қасамёд қилди Лев ҳаёти билан
Эманни кесишга йўл қўймайман деб.
Мен ҳам соқолимни ўртага қўйиб
Лев ва унинг яқинларига ўрмон
Хавфсиз бўлажак, деб қасам ичганман.

Сув париси

Вой-эй! Отам чўқтиради барини!

Ўрмонлик

Уринмасин ҳам! Мен қўмиб ташлайман
Кўлни ўтган йилги хазонлар билан!

Сув париси

Вой, фалокат, бунча қўрқинчли! Ха-ха!
(Кўлда ғойиб бўлади)

Ўрмонлик бир нималар деб ғудранганча, йиқилган да-рахтга ўтириб трубка чекади. Қамишзордан найнинг майнин, янгроқ товуши келади. Куй баландлашиб, авжга чиққани сайин ўрмондаги дов-дараҳтлар ўсиб, барқ ураверади. Аввал самбиттол ва қандағочда сирғалар пайдо бўлади, кейин қайин барглари титрай бошлайди. Кўлда оппоқ лилиялар очилади, оқ нилфияларда гуллар ярақлайди. Ёввойи атиргул нозик ғунчаларини очади. Кўп йиллик, қуриб қолаёзган, танаси тилим-тилим ёрилган самбиттол ортидан ёрқин яшил либосда, яшилтоб кора соchlари ёйилган Мавка чиқиб келади. Қўллари-ни кериб, кафтлари билан кўзларини ишқайди.

Мавка

Оҳ, мунча узок үхлабман!

Ўрмонлик

Узок, қизим!

Үйқу ўти гуллаб бўлди, бир қара,
Какку қуш ҳам улғаяди ҳадемай
Сўнгра қизил кавуш кийиб олади,
Ўлчар одамларнинг умр соатин.
Иссиқ ўлкалардан меҳмонлар келди,
Ана сув устида сарғиш момиқпар
Ёввойи ўрдаклар сузиб юрибди.

Мавка

Ким мени уйғотди?

Ўрмонлик

Чамаси, баҳор.

Мавка

Баҳор ҳечам бунчалар куйламаган,
Ҳозиргидек. Ё туш қўраяпманми?
Лукаш яна куй чалади.

Йўқ... тўхта... ҳой! Эшиятсанми?
Баҳор куйлаб юборди!

Лукаш куй чалганча яқинлашади.

Ўрмонлик

Йўқ, бир йигит най чалмоқда.

Мавка

Ким? Наҳот Тўғонбузар бўлса?
Мен ундан кутмагандим буни.

Ўрмонлик

Йўқ, бу – одам, Лев амакининг жияни,
Лукаш.

Мавка

Мен уни сира күрмаганман.

Үрмөнлик

Рост, бу ерга у олислардан келди,
Үрмөнлардан эмас, қарағайзордан,
Бувимиз ҳамиша қишилаган жойдан.
Бева она билан қолган бир етим,
Улар Лев амаки қарамоғида...

Мавка

Уни бир күришни истардим.

Үрмөнлик

Нега?

Мавка

Күркам йигит бўлса керак, ҳойнаҳой!

Үрмөнлик

Йигитларга қарама, қизим,
Бу ўрмон қизлари учун яхшимас...

Мавка

Жудаям қаттиқўл бўляпсан, бобо!
Ажина Сув парисин ушлагандек
Тутиб турмоқчимисан?

Үрмөнлик

Йўқ, жигарим,
Ундей қилмайман. Сув ажинаси-ку
Ботқоқдаги барча тирик жонзотни
Ютиб юбормоққа тайёр азалдан.
Мен эркни қўллайман. Бод билан ўйна,

Майли, Перелесник билан ҳазиллаш.
Үрмон, сув, төг ва ҳавонинг бор кучин
Бўйсундир ўзингга, агар хоҳласанг,
Лекин одам юрган сўқмоқقا борма!
Унда беихтиёр судралар қайғу,
Сен уни айланиб ўтгин, қизгинам!
Қадам боссанг, йўқолади ихтиёр!

Мавка

(кулади)

Қандай қилиб ихтиёр йўқ бўлиб қолар?
У ҳолда шамол ҳам шундай йўқолар!

Ўрмонлик яна эътиroz билдиromoқчи бўлади, лекин **най** тутган Лукаш кириб келади. Ўрмонлик ва Мавка беркинадилар. Лукаш дараҳт шарбатини олиш учун қайнин танасини тилмоқчи бўлади. Мавка югуриб келиб, унинг қўлидан ушлайди.

Хой, тўхта! Тегма! Кесма! Ўлдирма!

Лукаш

Бу не қилиқ, эй қиз? Қароқчимиидим?
Қайнин шарбатидан оламан,
холос.

Мавка

Тилма танасини! Шарбат қони-ку.
Синглимнинг қонини ичма!

Лукаш

Қайнинни синглим дедингми?
Кимсан ўзинг?

Мавка

Мен ўрмон руҳи – Мавка бўламан.

Лукаш

(Мавкага ҳайратдан күра күпроқ қизиқыш билан қарайды)
Мана ким экансан! Чоллардан күп бор
Парилар ҳақида эшигтан эдим,
Күрмагандым лекин умримда.

Мавка

Истайсанми күришни?

Лукаш

Нечун истамай? Хүш, сен-чи шундоқ
Қиз болага... Э, йүқ, оқбилак, нозик
Хонимларга үхшаб кетасан, хуллас.
Кийиминг ҳам ажабтовур, бошқача...
Нега күзларинг ҳам яшилмас сира?

(Диққат билан қарайды)

Йүқ, яшил бўлиб қолибди... Аслида
Мовий эди кўк каби... сал қорайди
Булутдай... Йўқ, қоп-қорага үхшайди,
Балки қўнғир... Ғаройибсан жудаям!

Мавка

Хўш, ёқдимми мен сенга?

Лукаш

(уялиб)

Мен билмайман?

Мавка

(кулиб)

Ким билади бўлмаса?

Лукаш

(баттар уялиб)

Саволингни қара-ю...

Мавка

(самими ҳайратланиб)

Хүш, нега бу ҳақда сўраб бўлмасин?
Ёввойи атиргул бошини бурар:
“Гўзалманми?” – деб, ана сўраб турар.
Шохлари тебраниб, шивирлар шумтол:
“Дунёда ягона ўзинг, бетимсол!”

Лукаш

Улар суҳбат қуришини билмасдим.
Дараҳт гунг бўлар, деб ўйлардим фақат.

Мавка

Умуман гунглар йўқ бизнинг ўрмонда.

Лукаш

Сен фақат шу ўрмонда яшайсанми?

Мавка

Сира чиқмаганман ундан нарига.

Лукаш

Кўпдан буён яшайсанми дунёда?

Мавка

Рост айтсам,

Буни ҳеч ўйламаганман...

(Ўйланиб қолади)

Азал шундай яшаб келяпман гўё...

Лукаш

Хозиргидек бўлганмисан аввал ҳам?

Мавка

Ҳа, худди шундай бўлганман, шекилли...

Лукаш

Насабинг ким?

Яқинларинг борми ҳеч?

Мавка

Албатта,

Үрмөнлик бор, мен уни “бобо” дейман,
У эса “жигарим” ё “қизим” дейди.

Лукаш

Хүш, ким ўзи у – бобонгми ё отанг?

Мавка

Мен билмайман.

Бу барибир эмасми?

Лукаш

(кулади)

Ғалати экансиз,

Сиз – үрмөндагилар! Ким сенинг онанг,

Исми нимадир?

Мавка

Менга баъзан кўринар онам бўлиб

Хув анави кекса, қуриган оқ тол.

У мени қишида ўз бағрига олди

Ва юмшоқ похол солиб берди

Ётоғимга.

Лукаш

Сен ўша ерда яшадингми?

Киш бўйи нималар қилдинг у жойда?

Мавка

Ухладим фақат. Қишида не юмуш бор?

Күл ухлайди, ўрмон, ҳатто қамишзор.
 "Ухла, ухла", – деб ғичирлар самбиттол
 Ва туш күрдим: оппоқ эди ҳамма ёқ;
 Кумуш гардишда ярқираб чақноқ тош,
 Қордек оппоқ нурда гул ва майсалар
 Ялтиради. Сокин осмонда шу кез,
 Юлдуз ортидан учар эди юлдуз.
 Қор үюмлари тошиб... Оқ чойшабга
 Ўранди замин. Ҳа, гүёки биллур
 Маржон каби борлиқ бирам товланур...
 Мен ухлардим. Эркин нафас оларди кўкрак,
 Сокин оқар эди ёрқин хаёллар,
 Оқ тушларга нафис нақшлар соларди
 Орзулар – бари олтин, бари зангор,
 Фақат ёз фаслига ӯхшамас зинҳор.

Лукаш*(берилиб тинглаб)**Қандай гўзал сўзлар...***Мавка***Ёқдими сенга?*

*Лукаш тасдиқ маъносида бош силкийди.
 Сен чалган най тили ёқимли экан!
 Аргамчи учаман, сен яна чалгин.*

Мавка қайнандаги узун новдаларни ўриб, устига ўтирад ва худди беланчак тебрангандек оҳиста аргамчи уча бошлиди. Лукаш эманга суюниб, Мавкадан кўз узмай най чалади. У "Веснянка" куйини чалади. Мавка беихтиёр куй таъсирига берилади ва секин-секин куйлай бошлиди:

Куй бунчалар саркашдир,
 Дилемга ўт туташди.

Үртанаρ оппоқ сийнам,
Юрак ёнаρ, күзда нам.

Күшик охангига аввал какку, кейин булбул жүр бүлади,
ёввойи атиргул ёрқинроқ очилади, бодрезак гули оқаради.
Дүлана уялгандек қизаради, ҳатто барғсиз қора төрн ҳам
гул баргларини ёйиб юборади. Мавка мафтун бўлиб, оҳиста
арғамчи учади, жилмаяди, кўзларида ёш аралаш ғусса кўрина-
ди. Буни сезган Лукаш най чалишдан тўхтайди.

Лукаш
Йиғлаяпсанми, қизгина?

Мавка
Йиғлабманми?
(Кўзларини ишқайди)
Ростдан ҳам йиғлабман. Э, йўқ! Бу шабнам.
Күёш ботяпти... Кўряпсанми, кўлда
Туман кўринар...

Лукаш
Ахир, ҳали эрта!

Мавка
Сен кун ботишини истамасмидинг?
Лукаш тасдиқ маъносида бош силкийди.
Нима учун?

Лукаш
Амаким уйга чақиради.

Мавка
Истайсанми бирга бўлишимизни?
Лукаш бош силкиб, тасдиқлайди.
Кўрдингми,
Шумтол каби жавоб бердинг.

Лукаш

(кулиб)

Үрганишим керак бу ер шевасин –
Бутун ёз шу ерда яшаймиз, ахир.

Мавка

(шодланиб)

Ростдан-а?

Лукаш

Эртага бошпана қура бошлаймиз.

Мавка

Чайла қуарсиз?

Лукаш

Балки қулба, балки

Деҳқонча уй қуармиз ҳатто.

Мавка

Сизлар қүшга ўхшайсиз –

Заҳмат чекиб, инлар қурасиз,

Кейин ташлаб кетмоқлик учун.

Лукаш

Йўқ, биз қурамиз

Бир умрга...

Мавка

Бир умрга? Ўзинг айтдинг-ку,

Фақат ёзда яшаймиз, дея.

Лукаш

(хижолат тортиб)

Мен билмайман... Лев амаким айтдики,

Бунда менинг еrim, кулбам бўларкан,

Чунки кузда мени уйлаб қўйишар...

Мавка

(хавотирланиб)

Кимга?

Лукаш

Билмайман. Айтмади амаким,

Балки келин топилмагандир.

Мавка

Нега ўз жуфтингни ўзинг топмайсан?

Лукаш

(унга боқиб)

Балки топардим, ҳа...

Мавка

Нима?

Лукаш

Билмайман.

(Найда ҳазин бир қуйни чала бошлайди, кейин най тутган қўлини осилтириб, ўйланиб қолади.)

Мавка

(бироз сукут сақлаб)

Одамлар қанча вақт турмуш қуради?

Лукаш

(унга қараб қўяркан)

Бир умрга!

Мавка

Шундай одат каптарларда ҳам...

Уларга ҳамиша ҳавас қилганман:

Ажиб меҳр ила севар бир-бирин...

Мен учун дунёда қайин меҳрибон,

Опам деб атайман шунга мен уни.
Фақат у күп маъюс: рангпар, боши ҳам,
Ўз дардига ўзи андармон, баъзан
Унга боқиб тез-тез йиғлаб оламан.
Қандағоч эса ёқмас, у – бағритош,
Ансол мени нимагадир қўрқитар.
Чунки ўзи қўрқоқ – титраб туради.
Эманлар-чи, иззатталаб! Атиргул
Тёрн ва дўланадек уришқоқ,
Шумтол, заранг, оқ заранг – қалондимоғ.
Ўз ҳуснига бино қўйган бодрезак.
Дунёда нима гап, қизиқмас асло.
Бир йил аввал мен ҳам шунаقا эдим,
Ҳозир уни ҳатто эслаш ноқулай...
Яхшилаб ўйласам агар, ўрмонда
Мен батамом ёлғизман.
(маъюс ўйга чўмади)

Лукаш
Самбиттол-чи?
Уни онам деб эдинг.

Мавка
Ҳа, самбиттол!.. Қишида у жуда яхши,
Ёзда-чи... қара, бирам кўнгли қаттиқ,
Ғичирлайди, нуқул қишини эслайди...
Йўқ, мен бу ерда жудаям ёлғизман...

Лукаш
Фақат дараҳт эмас, ахир, ўрмонда
Бошқа турли-туман каслар ҳам бордир.
(сал заҳархандалик билан)
Бечора әмассан, бизларга аён
Сизларнинг рақс, ҳазил, кўнгилхушликлар!

Мавка

Лекин булар – ногаңоний гирдибод,
Бир зумда ёприлиб, дарров үтади,
Бизда сиздагидек умрбод эмас.

Лукаш

(яқынроқ келиб)

Сен-чи, хоҳлармидинг...

Бирдан Лев амакининг баланд овозда чақиргани эшитилади.

Овоз

Эй, Лукаш, ҳо-ой!

Ҳо-ҳо-ҳой! Қаердасан?

Лукаш

(жавоб қиласади)

Бораяпман!

Овоз

Тезроқ кел!

Лукаш

Оббо, бунча бетоқат!

(жавоб қиласади)

Бораяпман, мана, бораяпман.

(кетмоқчи бўлади.)

Мавка

Қайтиб келасанми?

Лукаш

Билмайман.

(Кирғоқдаги чакалакзор сари юради.)

Ўрмон яланглигидан Перелесник югуриб чиқади: қизил
күйим кийган, қора қошли, кўзлари чақнаган кўркам йи-

гит, қызғиш соchlари шамолга үхшаб ҳилпирайди. У күчоқlamоқчи бўлади, лекин қиз ўзини четга олади.

Мавка

Тегма менга.

Перелесник

Нега энди?

Мавка

Бориб қарасанг-чи,

Далада майсалар қандай кўкарап.

Перелесник

Менга у майсалар нимага керак?

Мавка

Ўша ерда,

Жавдарзорда ҳозир Дала париси

Ёрқин-яшил, турфа ўт-ўланлардан

Сенга атаб тўқимоқда бир чамбар...

Перелесник

Мен унуганман уни.

Мавка

Мени ҳам унут.

Перелесник

Мазах қилма! Истасанг – учажакмиз!

Мен сени элтаман яшил тоғларга –

Кўрмоқни хоҳлардинг оққарағайнни!

Мавка

Энди хоҳламайман.

Перелесник

Нега энди?

Мавка

Истагим сүнди.

Перелесник

Уйдирма бари!
Айт-чи, нега?

Мавка

Хохишим йўқ.

Перелесник

(*Мавканинг атрофида ялтоқланиб айланади*)

Кел, тоғларга учамиз! У ерда Тоғ парилари –
Қушлар каби эркин сингилларим – йиғилиб бари,
Ўтлоқ узра давра қуриб, қўшиқ айтишар,
Чақмоқ янглиғ чақнашар!

Қирққулоқ-гул топиб бераман сенга,
Кўйдан олтин юлдуз узамиз бирга,
Тоғнинг тоза қори билан шапарак
Тўр рўмолни оппоқ рангга бўяймиз.
Сенга ўрмон тожини топамиз бирга,
Илон маликани тахтдан ағдарамиз,
Тоғу тошни мудофаага берамиз.
Менинг ардоғимда бўл!

Эрта тонгда турай ман –
Сени шундай ўрайман
Қимматбаҳо кўйлакка,
Гулчамбар тўқиганча,
Даврада қўшиқ айтиб,
Қанот боғлаб учганча
Куёш кунни кузатар чоғи энг сўнгги дафъа
Тиллаларин дағн этган арғувон денгиз узра.
Биз кейин юлдузлар дарчасидан мўралаймиз,
Юлдузча бўзчи аёлдек бизга беради бўз –
Биз баҳмал сояларни кашта қилиб тикамиз.
Кейин эса тонготар осмон фалакда сийрак

Буулутлар ястанган чоғ, гүё саҳар мардонда
Құзичоқлар бепоён үтлокда сув ичгандек,
Биз ҳам ором оламиз гулдор...

Мавка

(бетоқат)

Етар!

Перелесник

Мунча ғазаб билан бўлмасанг сўзни!
(Маъюс ва шу билан бирга қувлик билан)
Демак, унугансан сен ўтган ёзни?

Мавка

(лоқайдлик билан)

Ўтган ёз аллақачон отин “чух”лади,
Ёзда қўшиқ айтган қишида ухлади.
Эсга олиб бўлмайди энди!

Перелесник

(сирли, ёдига солиб)

Эманзорни-чи?

Мавка

Меваларга тиккан эдим кўзларимни.

Перелесник

Изламаганмисан менинг изларимни?

Мавка

Кулмоқ гажакларини узгандим у чоқ.

Перелесник

Мен учун – тўшагим бўлсин деб юмшоқ!

Мавка

Сочимга қулмоқ қўшиб ўрмоқ учун.

Перелесник

Үйлагансан, балки эркалатар деб севгилинг?

Мавка

Йүқ, мени қайин меҳр-ла тебратди.

Перелесник

Барibir сен... кимнидир... ўпгандек бўлгандирсан?

Мавка

Ха-ха-ха! Билмайман!

Эслолмаяпман!

Мен борай, бақатўн ила кокилимни безатай...

Перелесник

Эҳтиёт бўл! Совуқ шабнам ювиб кетар, эслатай!

Мавка

Шамол үйнаб, қсчади,

Кўёш нурин сочади,

Куриб қолади шабнам!

(Ўрмонда ғойиб бўлади.)

Перелесник

Тўхтагин, ёлвораман!

Сенсиз ўлиб қоламан!

Қайдасан, қайда, санам?

(У ҳам ўрмонга югурди.)

Дарахтлар орасидан унинг қизил кўйлаги бир дақиқа липліл этиб ўтади, “Қайдасан, қайда, санам?” деган жумла акс-са-до беради. Ўрмонда кўёш алвон бўлиб бота бошлайди ва тез орада нурлари сўнади. Кўл устини оппоқ туман қоплайди. Лев амаки ва Лукаш ялангликка чиқишиади.

Лев

(жәхл билан түнғиллайды)

Лаънати Сув ажинаси! Иzlари кургур!
Мен балиқ овлаб бўлиб, эндигина чуқур
Кўлда оқим бўйлаб нариги қирғоқ томон
Сузмоқчи бўлаётсам, ажина ўша он
Панжаларини ботирганча сув тубига
Ушлаб қолди! Сал қолса чўқтиради мени!
Мен ҳам нодон эмасман – дарҳол соқолига
Чанг солиб ушлаб, билагимга ўраб олдим,
Кейин белбоғимдан пичоқ олганча энди...
Соқолини кесаётсам, у лаънати жин
“Лоп” этказиб, ағдарворди қайигимни!
Мен-ку зўрға омон қолдим, чиқдим қирғоққа,
Балиқларим қочиб кетди... Ер юткур!
(Лукашга)
Тағин сен у ёқда йўқ бўлиб кетдинг –
Бақирдим, чақирдим, бўлганча бўлдим!
Хўш, қаерларда сен йўқолдинг, йитдинг?

Лукаш

Шу ердаман, дедим-ку,
Най ясадим, мана.

Лев

Жуда узоқ
Ясадинг-да, ўзиям, жиян!

Лукаш

(хижолат тортиб)
Йўғ-э, амаки...

Лев

(Жаҳлдан тушиб, илжаяди)

Алдашни ўрганмасанг бўларди,
 Ёшсан ҳали! Ачинсанг-чи тилингга!
 Яхиси, шоҳ-шабба териб кел менга
 Ва олов ёқ, энгил-бошим қуритай!
 Бу аҳволда уйга қандай қайтамән?
 У йўл бўйи бирдан ҳужум қилса-чи,
 Эслаш ҳам оғир: менга тегма, тегма!
 Сўнг бутун жонимни қоқиб олади...

Лукаш ўрмонга жўнайди; тез орада унинг қуруқ шоҳ-шаббарни қарсиллатиб йиғаётгани эшигилади.

Лев

(эмансостидаги йўғон илдизга бориб ўтиради ва рубкасини ёқиш учун олов чиқаришга уринади)

Ҳа, ўт чиқариб бўпсан! Замбуруғ хўл...
 Пилик ҳам йўқолган. Эҳ, безгак
 Тутсин сени... Балки бу ерда янги
 Замбуруғ ўсгандир?
 (Эманни пайпаслаб, бошқа замбуруғ ахтаради.)

Кўлдан, туман ичидан аёл кишининг оппоқ кўлагаси иқиб келади. У одамдан кўра кўпроқ ғубор тасмасига ўхшайди, унинг узалган узун оппоқ кўллари, нозик бармоқлари ҳавони сидириб олаётгандек ҳаракат қиласи, аёл Левга яқинлашиб келиши билан:

(кўрқиб)
 Вой, бу қанақа арвоҳ бўлди?
 Э, биламан! Яхшиям, сезиб қолдим.

(Ўзини қўлга олиб, тўрвасидан қандайдир илдизлар гиёҳлар олади ва худди ўзини мудофаа қилаётгандек арвоҳ томонга узатади. Арвоҳ шу заҳоти чекинади, Лев худди дуо ўқигандек гапира бошлайди, арвоҳ чекингани сари тезроқ гапиради.)

Қизгина-чимчилоқ,
Чақмоқтош-қалтирок,
Үт босган ўз дүнглигингга, ботқоққа,
Одам юрмас, хұroz қичқирмас ёққа,
Менинг овозим етмас маконга бор.

Сен юрар йүл эмас бу зинҳор.
Оқ танни жиғанак этма,
Заъфар сүякни қақшатма,
Қора қонни ичиб юрма,
Умрингдан воз кечиб юрма,
Мана сенга ёвшан гул –
Даф бўл, даф бўл, даф бўл!

Арвоҳ орқага, кўлга қараб чекинади ва туманга қўшилиб кетади. Бир қучоқ шох-шабба қўтарган Лукаш келади, қўли-дагиларни амакисининг оёғи остига қўяди, қўйнидан чақмоқтош чиқариб, олов ёқади.

Лукаш

Мана, келинг, исининг, амакижон.

Лев

Раҳмат,

Кекса амакингнинг кўнглин оляпсан.

(оловдан трубкасини ёндириб олади.)

Бу энди бошқа гап!

(Боши тагига тўрвасини қўйиб, оловга яқин майса устига ётиб олади, трубкасини тутатиб, ўтга кўзларини қисиб тикилади.)

Лукаш

Сиз, амаки,

Менга эртак айтсангиз бўларди.

Лев

Буни қара-я!

Худди ёш боладай... Қайси эртакни айтай?

Сөхграр Ох ёки Трёмын ҳақидами?

Лукаш

Мен уларни эшигтанман. Сиз ҳали ҳеч ким

Эшигмаган эртак айтинг.

Лев

(үйлаб туриб)

Үндай бўлса, тингла:

Айтиб берай Тўлқин малика ҳақида.

(Оҳиста, оҳангдор овозда, бир маромда айта бошлийди.)

Бўлса иссиқ кулбамиз

Ҳам одамлар куюнчак,

Эртак айтар эдик биз,

Тўқирдик яна чўпчак

Саҳаргача тинимсиз...

Қоронғи ўрмонлар ортида,

Туби йўқ уммонлар ортида,

Баланд тоғ, довонлар ортида,

Ажойиб-ғаройиб ўлка бор,

Урай шоҳлик қилган бир диёр.

У ўлкада ботмас қуёш,

Ой ҳам сўниб, бўлмас одош.

Юлдузлар сайд этиб далада,

Куйлашар жўр бўлиб яллага.

Энг ёрқин юлдузнинг топилди ўғли –

Оқ Палянин юраги чўғли,

Юзи ёруғ, чехраси очик,

Уни кўрган бўлади ошиқ,

Олтин сочи шамолда ҳилпирайди,

Қўлида кумуш яроғ ярақлайди...

Лукаш

Малика ҳақида айтмоқчийдингиз...

Лев

Шошма!

Оқ Палянин ўсиб-улғайған сари,
Үй-хаёл суришни одат билибди,
Үзи ҳақда шундай фикр қилибди:
Омадим бор, ҳұсним оби-тобида,
Фақат баҳт кечикар севги бобида.
Айт-чи менга, Шафақ юзли она,
Ҳамроҳим бўлгай қай жонона?
Тенгим рицар, княз қизими,
Ё зодагоннинг юлдузими
Ёки оддий дехқон қизи у?
Ҳаёт йўлим ёритгай мангу.
Балки тенгим малика бўлар,
Қучоғимга ойдайн тўлар...

(Мудрай бошлайди.)

Кейин у кўк денгиз бўйига борибди,
Соҳилда марварид маржон қолдирибди...

Лукаш

Амаки, сиз ниманидир айтмай ўтдингиз.

Лев

Нима деяпсан? Йўғ-э? Сен халал берма-да менга!
...Денгизда шамол уйғотган тўлқин югуриб қолди.
Ўша тўлқиндан отлар учиб чиқди,
Лахча чўғдек ёнарди улар,
Қизил аравага қўшилган отлар,
Ўша аравада эса...
(Уйқу енгигб, жисимиб қолади.)

Лукаш

Ким бор эди бу аравада? Маликами?

Лев

(үйқу аралаш)

А? Малика қаерда?..

Лукаш

Мана, ухлаб қолдилар...

(Бирмунча вақт оловга ўйчан қараб қолади, кейин ўрнидан туриб, гулхандан нарига кетади ва найда оҳиста, элас-элас эшишиладиган куй чалганча яланглиқда у ёқ-бу ёққа юра бошлайди.)

Ўрмон қоронғилаша бошлайди, лекин бу қоронғилик қуюқ эмас, балки шаффоф, ой чиқишидан аввалги ҳолатга ўхшайди. Гулхан ёнида ёруғлик шуъласи ва эгри-бугри соялар худди ғаройиб рақс ҳосил қилгандек туюлади, оловга яқин гуллар бир ёрқин товланади, бир зулмат қўйнида кўринмай қолади. Ўрмон четида ансол ва қайнинлар танаси сирли оқариб кўринади. Баҳор шамоли ўрмон атрофини айланиб чиқаркан, чидомай хўрсинади ва қайнинларнинг эгма шохларини тўлқинлантиради. Кўлдаги оқиш туман қора чакалакка ёпирилади, қамишзорлар зулмат қўйнига яширинган қиёқлар билан шивирлашади.

Ўрмон чангалзоридан Мавка югуриб чиқади, у шошилиб чопади, гўёки кимдандир қочгандек, унинг соchlари ҳилпираиди, либоси тўзиган. Яланглиқда тўхтаб, атрофга аланглайди, қўлини қўксига босади, кейин қайнинга интилади ва яна тўхтайди.

Мавка

Раҳмат сенга, тунгинам, қорақанот,

Яширганинг учун менинг юзимни!

Сизга ҳам, эй, йўллар-сўқмоқлар, раҳмат,

Қайн сари бошладингиз изимни!

Тезроқ яшир мени, жоним, опажон!

(Қайн танасини қучиб, унинг тагига яширинади.)

Лукаш

(қайнга яқинлашиб, секин)

Мавка, сенмисан?

Мавка

(янада секин)

Менман.

Лукаш

Қочдингми?

Мавка

Олмахон каби.

Лукаш

Қочиб кетдингми?

Мавка

Ҳа.

Лукаш

Хүш, кимдан, ахир?

Мавка

У худди олов.

Лукаш

Қаерда у?

Мавка

Жим! Жим бўл!

Бирдан яна учеб келса...

Сукут

Лукаш

Шундай қалтирайсанки! Мен қайнининг

Титраб шитирлашини эшитяпман.

Мавка

(қайиндан узоқлашиб)

Ох, шўрим-а! Суянмоққа қўрқаман,
Бардошим етмас ортиқ.

Лукаш

Менга суян.

Маҳкам тутиб, қилажакман ҳимоя.

Мавка унга суянади. Улар бир-бирларига суюнганча туришади. Ой нури ўрмон бўйлаб сузади, ялангликка ёйлади ва қайн тагига сизиб киради. Ўрмонда булбулларнинг сайраши ва баҳор тунининг барча товушлари акс садо беради. Шамол энтикиб-энтикиб хўрсинади. Оқариб товланаётган туман ичидан Сув париси чиқиб келади ва йигит билан қизни жимгина кузата бошлайди. Лукаш Мавкани бағрига тортиб тураркан, унга янада яқинроқ эгилаверади ва кутилмаганда ўпид олади.

Мавка

(баҳтдан энтикиб қичқириб юборади)

Юракка ўлдуз йиқилиб тушди!

Сув париси

Ха-ха-ха!

(Кулганча кўлга шалоплаб ўзини ташлайди.)

Лукаш

(чўчиб)

Нима у?

Мавка

Қўрқма, у Сув париси,

Иккимиз дугона, бизга тегмайди у.

У ўжар – майна қилишни севади,

Кулса-кулар!.. Менга энди барибир,

Оламда неки бор, ҳамма, ҳаммаси.

Лукаш

Демак, мен ҳамми?

Мавка

Йўқ, йўқ,

Сен ўзинг оламим, азиз кўрклигим,
Бир вақтлар мен сени билгандан ортиқ
Азиз бўлдинг, биз унашгандан бери.

Лукаш

Биз унашдикми?

Мавка

Ана, эшитяпсанми –

Бизнинг никоҳ кўнғироғини булбуллар чалар...

Лукаш

Эшитяпман... Энди улар чуғурламас,

Чаҳ-чаҳламас, фақат қайтарар:

“Бўса ол! Бўса ол! Бўса ол!”

(Уни узоқ меҳр ва ҳаяжон билан ўпади.)

Мен сени

Ўлгунча ўпаман!

(Куюн туроди ва оқ гулбарг яланглик узра бўрондек
гириллаб айланади.)

Мавка

Менга эса ўлим йўқ...

Афсус...

Лукаш

Нималар деяпсан? Истамайман мен!

Эҳ, нега шундай дедим-а?!

Мавка

Йүқ, қандай гүзәл
Учар юлдуз бўлиб ўлмоқ!

Лукаш

Бўлди, етар!

(Эркалағ гапиради.)

Гапирма бу ҳақда! Истамайман мен!

Гапирма умуман!.. Йўқ, гапир!

Сўзларинг ғаройиб, лекин негадир

Тинглаш ёқимли... Нечун жимсан?

Аччикландингми?

Мавка

Мен сени эшитяпман...

Сенинг севгингни...

(Йигитнинг бошини ушлаб, ой нурига қаратади ва
диққат билан кўзларига тикилади.)

Лукаш

Нималар қиляпсан? Ахир, қўрқаман

Сен қалбимга назар ташласанг...

Чидолмайман бунга! Гапир, ҳазил қил,

Сўра, севаман де, кулсанг-чи...

Мавка

Овозинг тиник, худди жилғадай,

Шаффоғ эмас лекин кўзларинг.

Лукаш

Балким, ой

Хира нур сочар.

Мавка

Балки...

(Бошини унинг кўксига эгиб, жим қолади.)

Лукаш

Сенга нима бўлди?

Мавка

Жим... Юрак гапирсинг... бирам ноаниқ
Сўзламоқда, худди бугунги тундек.

Лукаш

Нимани эшитардик? Кераги йўқ!

Мавка

Керакмас, дейсанми? Майли, азизим,
Йўқ, йўқ, севгилим! Эшитмайман, бахтим!
Кулоқ солмам, менинг соҳибкарамим!
Эркалайман сени, менинг севгилим!
Ёқадими сенга эркалаш?

Лукаш

Мен ахир севмаганман
Бирор марта ҳам. Мен ҳечам билмасдим
Эркалашлар шунча ширин бўлишин!

Мавка уни эҳтирос билан эркалайди, у ёқимли оғриқдан
қичқириб юборади.

Мавка!

Жонимни суғуриб оласан!

Мавка

Суғураман, суғураман!
Ўзим шу қалб-қўшиқни олиб юраман,
Юракни эса сеҳрлайман сўз билан...
Ютоқиб ўпаман чиройли лаблардан,
Лов-лов этиб ёнсин деб,

Қизил рангга қонсин деб,
Лаблар ёввойи атиргул каби гулгун!
Мен мовий күзларни оғушта қилгум,
Кулсин ва ўйнасин деб,
Чақнасин, қўймасин деб,
Турфа ранг учқунлар сочсин деб, инчунин.
(*Кутимаганд қўлларини силкийди.*)
Бу кўзларни қандай оғушта қилсам?
Гуллар билан безанганим йўқ ҳали!

Лукаш

Сира ҳожат йўқ?
Сен гулларсиз ҳам гўзалсан.

Мавка

Истайманки,
Ҳамма нарса сен учун гуллар билан безансин,
Ўрмон маликасидан-да чиройли!
(*Ялангликнинг нариги томонига, кўлдан анча олис-
са, гуллаётган буталарга қараб югуради.*)

Лукаш

Шошма!
Ўзим сени ясантираман!
(*Унга қараб юради.*)

Мавка

(*маъюс*)
Жозибасин йўқотган
Гуллар тунда... ранглар ҳам ухлаб қолган...

Лукаш

Ҳозир тиллақўнғизларни йиғиб оламан,
Улар сенинг кокилингда ярқираб турсин,
Юдуз чамбаридек шоён нур сочиб юрсин.

(Бир нечта тиллақүнғизларни унинг сочларига қадайди.)

Кел, бир қарай... Ох, мунча чиройлисан!

(Бахтдан ўзини йўқотиб, ҳаяжон билан уни қучади.)

Яна териш керак, яна! Ҷақноқ тош ила,

Сени ясантиражакман, мисли малика.

(Ўт устидан, буталар тагидан тиллақүнғиз излайди.)

Мавка

Мен эса бодрезакдан гуллар узаман,

У булбул қўшиғидан ҳалиям бедор.

(Оқ гулларни узиб, кийимига қадайди.)

Сув париси

(Яна туман ичидан чиқиб келади ва қамишларга қараб шивирлайди.)

Богинкалар, келинглар тезроқ,

Тун бағрини ёритсин чироқ.

Қамишзорда иккита милтиллаган дайди олов кўринади.
Кейин Богинкалар чиқишиади, уларнинг кўлларида қорачирок
милтиллаб, бир ёнади, бир ўчади. Сув париси Богинкаларни
ёнига чорлаб зулмат қўйнида, буталар орасида кўриниб тур-
ган Лукашнинг оқ қўлагасига ишора қилиб, шивирлайди.

Қаранглар, анави, тентираётган одам –
Сизни ташлаб кетган отангизга ўхшайди,
Шўрлик онангизни хароб қилган у дайди,
Яшашга ҳаққи йўқ.

Биринчи бола

Сувга чўқтирип уни.

Сув париси

Иложим йўқ. Ўрмонлик тақиқлаган менга.

Иккинчи бола

Биз кичикмиз, ахир, уддасидан чиқмаймиз.

Сув париси

Тутундек элас,
Күзга күрінмас,
Етимлар тутиб чироқ,
Хас-хазондан енгилрок, –
Қамишзорга боринг тиқ,
Эшилтмайди Үрмонлик;
Дуч келса ҳам,
Сезмас бу дам –
Бор эди, йүқ бүлди.
Шұъладек ўтиб кетинг
Сув устидан!
Бутадан ёниб ўтинг,
Ботқоқ бүйига етинг –
Турған бўлса у қайда,
Гарқ бўлар ўша жойда.
Чўқар ботқоқ тубига тайин...
Менинг ишим – бошланар кейин!
Шошилинглар!

Богинкалар

(бириң-кетин тарқалишиб)

Иккаламиз икки томон чопамиз,
Бир-биirimиз сув устида топамиз.

Сув париси

(шодланиб)

Тарқалдик!

(Ботқоқقا томон чопиб келади, бармоқларидан сув отилиб чиқади, Сув париси елкаси оша сув сочади.)

Ботқоқдаги ўт қоплаган дүңгликдан шайтонбачча - Күц сакраб чиқади.

Күц-куц, кел, таъзим қила қол,
Майли, энди қўлимни ол!

(Хўкмфармолик билан қўлини узатади, Күц унинг
қўлини ўпади.)

Күц

Нечун бундай илтифот, Сув париси?

Сув париси

Сенга шуни рано кўрдим.

Нонушта тайёрладим – фақат бой берма!

(Узоқда турган Лукашни кўрсатиб.)

Яна қаерда кўргансан бундай бўғирсоқни?

Күц

(қўл силтаб)

Тушмаса гар ботқоқقا,

Қовуролмам мен ёққа!

Сув париси

Йигитча сеники бўлади мутлок,

Кекса онангга бўлар овунчоқ.

Күц дўнглик ортига сакраб тушиб, ғойиб бўлади. Сув париси қамишзорда Богинкаларни кузатади; улар милтиллаганча югуриб, бир яраклаб, бир милтиллаб, у ёқдан-бу ёққа ўтишади.

Лукаш

(тиллақўнғизларни излаётиб, оловларни кўриб қолади)

Қандай тиллақўнғизлар! Учар экан!

Бунақасин кўрмагандим. Ҳам катта!

Ҳозир мен уларни тутиб оламан!

(Бир унисини, бир бунисини қува кетади, улар эса сездирмай йигитни ботқоқقا бошлаб кетишади.)

Мавка

Кувма!

Севгилим, тутма уларни! Улар богинкалар!

Улар сени ҳалок этади!

Лукаш эшитмайди, қувишга берилиб, Мавкадан олислаб кетади.

Лукаш

(бирдан қичқиради)

Ох, қутқаринг!

Ботқоқ экан бу ер!.. Домига тортиб кетяпти!

Мавка унинг қичқириғини эшитиб, югуриб келади, лекин Лукаш қирғоқдан анча узокда ботиб қолгани учун унга ета олмайди. Мавка унга белбоғининг бир учини ташлайди, белбоғининг бошқа учини эса ўзи ушлайди.

Мавка

Ушла!

Белбоғ Лукашнинг қўлига етиб бормайди.

Лукаш

Йўқ, етмаяпти! Эҳ, энди нима бўлар?

Мавка

(ботқоқقا эгилиб ўсган самбиттол ёнига югуриб келади)

Ох, самбиттол, онажоним-самбиттол, қутқар!

(Олмахондек эпчиллик билан самбиттолга чиқади, энг пастки шохларга тушиб, яна Лукашга белбоғ узатади. Бу сафар белбоғ етади.)

Лукаш белбоғнинг учидан ушлайди. Мавка уни ўзига топтади, кейин қўлини чўзиб, йигитга дарахтга чиқиб олишни ёрдамлашади. Сув париси алам қилганидан бўғиқ овозда иш грайди ва туман ичра ғойиб бўлади. Богинкалар ҳам ғойиб бўладилар.

Лев

(қичқириқдан уйғониб кетиб)

А? Нима гап? Яна арвоҳларми?

Йўқол! Даф бўл!

(Атрофга аланглайди.)

Эй, Лукаш? Қайдасан?

Лукаш

(самбиттолдан овоз бериб)

Бу ердаман, амаки!

Лев

У ерда нима қилиб ўтирибсан?

(Яқинлашиб, самбиттолга қарайди.)

Самбиттолга чиқволибсан, яна қиз билан.

Лукаш самбиттолдан тушади. Мавка дарахтда қолади.

Лукаш

Амаки!

Мен бу ерда ботқоққа ботаёздим,

Ўпқонга тушиб қолдим, бу қиз бўлса...

(Мавкани кўрсатиб)

Мени нақ ўлимдан қутқарди.

Лев

Нега энди сен

Тунда бу ерларда санқиб юрибсан,

Гўёки адашиб қолганга ўхшаб?

Лукаш
(Сүзини бўлиб)

Мен тиллақўнғиз тутгандим...

Лев

(Мавқанинг сочидағи тиллақўнғизларга қўзи тушиб)

Э-ҳа! Шундок демайсанми, дарров англардим!

Энди ўзим кўриб, билиб турибман, бу кимнинг иши.

Мавка

Ахир, амакижон, уни қутқардим.

Лев

Кўринг – “амакижон”! Жиян қанақа!

Хўш, ким уни тузоқقا олиб борди?

(Таъна билан бош чайқайди.)

Ўрмон жинлари! Мана, бор ҳақиқат!

Сен, Ўрмонлик, ҳали қўлга тушарсан –

Қочиб кўр шунда – эман тўнкасига

Курум супургиси – узун соқолин қисиб қўяман,

Кўрдингми, жўнатган

Қизларини, ўзи эса – бехабар!

Мавка

(тезгина самбиттолдан тушиб)

Унинг ҳеч айби йўқ! Илон малика

Жазоласин мени, агар алдасам!

Менинг ҳам айбим йўқ.

Лев

Энди ишондим,

Илон номи билан бежиз қасам ичмайсиз.

Лукаш

Худо ҳақи, мени қутқарип қолди,
Агар у бўлмаса, ҳалок бўлардим!

Лев

Ҳа, қизгина, сенда жон йўқ ва лекин
Мушфиқ экан юрагинг ғоят. Кечир,
Бақирганим учун жаҳл устида.

(Лукашга)

Хўш, нега сен

Тиллақўнғиз қувиб ботқоқقا бординг?
Улар дўнгликларда ўтирадими?

Лукаш

Энг қизиги улар учарди!

Лев

Э-ҳа! Биламан! Булар богинкалар!
Шошмай турларинг, эртага қўрамиз,
Бўри тишли кучук олиб келаман,
Қани, шунда ким аввал ангилларкин?

Богинкаларнинг овози

(шикоятомуз, худди қурбақаларнинг вақиллашидек
овоз чиқариб гапиришади)

Йўқ, бобожон, ундей қилманг!

Гуноҳкор деб бизни билманг!

Ўша ботқоқ ёнида биз

Фақат мева-чева терганмиз.

Биз билмасдик ўша онда –

У ёқда кимлар меҳмонда,

Йўқса, сузиб чиқмасдик асло,

Ботқоқнинг тубидан шу асно...

Вой, чўкаман, бари абас!

Бўлди, йифи, қий-чув ҳам бас!

Лев

Қарагин, бир зумда жим бўла қолди
Жодугарнинг болалари! Қўявер,
Мен топаман ким ҳақ, ким эса ноҳақ...

(Лукашга)

Уйга қайтар вақт бўлмадими, жиян?
Қани, борайлик.

(Мавкага)

Соф бўл, қизгина.

Мавка

Эртага ҳам келасизми? Мен сизга
Дараҳт кўрсатаман кулба қуришга.

Лев

Кўриб турибман, ҳар нарсадан хабаринг бор,
Келақол, майли, мен сизга ўрганиб қолдим.
Бизга кўникишингиз керак сиз ҳам, албатта.
Кетдик! Хайр!

(Кетади.)

Мавка

(Левга эмас, қўпроқ Лукашга)

Мен кутаман!

Лукаш амакидан ортда қолади, Мавканинг иккала қўлидан
жимгина қисади, уни сассиз ўпади ва амакисига етиб олиб, у
билан бирга ўрмонга кириб кетади.

(Бир ўзи)

Эй тун, кошки тугай қолсайдинг тезроқ!
Ўқинма! Мен аввал билмасдим мутлоқ
Худди сендай хушбахт, сендай чароғон
Кун ҳам борлигини, тунгинам, ишон!
Сен нега, паришон турибсан, қайин?

Опажон, боқ менга, баҳтдан айтайн!
 Құзёш түкма сувга, она самбіттол,
 Севгілім мен билан бұлади хушхол!
 Үрмоним, отажон, ахир билмайман,
 Тунни қисқартирай, айтинг, қандай ман?
 Тун қисқа, айрилиқ узундир шу тоб...
 Қисматим не әкан – баҳтми ё азоб?

Ой қуюқ үрмон девори ортига яширинади, сайхонлик устиға қора, баҳмалдек зулмат ёпирилади. Ҳеч нима күрінмайды, фақат тақдир учкунидек гулхандан қолган чүғлар милтирайди. Мавка дараҳтлар орасыда кезиб юрганини унинг чамбаридаги тиллақұнғизлар ярақлашидан англаңади. Чамбар ғоҳ юлдузлар буржи каби чараплайды, ғоҳ алохида учқунлардек ярқирайди. Кейин зулмат чамбарни ҳам ютиб юборади. Туннинг чуқур суқунати ҳукмрон үрмонда фақат вақти-вақти билан худди тушдаги хұрсинашга үхшаш енгил шитирлаш эшиллади.

ИККИНЧИ КҮРИНИШ

Ёз охири. Дараҳтзордаги хира тортган япроқлар орасыдан олтинранг куз күрінади. Құл саёзлашиб қолган, қирғоқдаги саёзлик ҳам кенгайған, қуруқ қамишпоялари шитирлайди.

Ялангликда янги қурилған күлба ва полиз құзға ташлағанда. Экинзорнинг бир томонида буғдой, бөшқа томонида – жавдар. Құлда ғозлар сузиб юрибди. Қирғоқ яқинидаги дорда кир ёйилған, буталарда хурмача ва ҳұмлар илинған. Ялангликда майса текис қылиб үрилған, әман остида ғарам уйилған. Үрмөндөн құнғироқчаларнинг жаранглаган овози келади – қаердадир моллар үтлаяпти. Яқин үргада кимдир найда жүшкін рақс куйини чалаёттгани эшиллади.

Лукашнинг онаси

(кулбадан чиқиб, баланд овозда чақиради)
 Лукаш, ҳо-ой! Қаердасан?

Лукаш

(құлда най ва нақшдор таёқча билан үрмөндән чиқады)
Шу ердаман, она.

Она

Етмадими сенга шунча най чалиш?
Нұқул най чаласан, тұхтаб қолган иш!

Лукаш

Қандай иш?

Она

“Қандай” деганинг нимаси?
Күтонни үраб қүймоқчи бўлган ким?

Лукаш

Ха, уними, үрайман, улгураман!

Она

Сенинг “Улгураман” деганинг қачон?
Эрта-кеч чопасан үтлоқ томонга,
Яна ўша олғир, дайди қиз билан.

Лукаш

Ким чопяпти? Мен молларни боқяпман,
Мавка эса беряпти ёрдам.

Она

Бунақанги ёрдамдан
Сен халос бўл!

Лукаш

Айтгандингиз-ку, ахир, ўзингиз,
Сигирларни Мавка боқсан кун
Кўпроқ сут оляпмиз, деб.

Она
Ялмоғизнинг уруғи!

Лукаш
Ким сизга ёқади – сира билмайман!
У эмасмиди, биз кулба қурганда
Дараҳт келтирған? Ким билан экдингиз
Полиз әкинларин? Донни ким сочди?
Будай мүл ҳосилни қачон олғанмиз?
Қаранг, гуллар билан дераза остин
Қандай безатибди – күз қувонади!

Она
Кимга керак унинг гуллари? Ахир,
Менинг узатгулик қизим бўлмаса...
Фақат гулу қўшиқ сизнинг хаёлда!

Лукаш бетоқат елка қисади ва кетмоқчи бўлади.

Қаёққа отландинг?

Лукаш
Тўсиқ қуришга.

(Кулба ортига ўтади, сал ўтмай у ердан болтанинг тақиллаган овози эшитилади.)

Гуллар билан безанган, соchlари ёйилган Мавка ўрмондан чиқади.

Она
(ёқтирмасдан)
Хўш, сенга нима керак?

Мавка
Лукаш қаерда, холажон?

Она

Мунча ортидан қолмасанг? Қизларга
Ярашмас югуриш йигит ортидан.

Мавка

Бу ҳақда ҳеч кимса менга айтмаган.

Она

Үнда бир әшитсанг зарар қилмайди.

(Мавкага ёвқараң қиласы.)

Пахмайиб юрасан нега сен доим?

Орастта тараниб юрсанг бүлмасми?

Юрасан ялмоғиз каби бетартиб.

Әгнингдаги тағин бу қандай кийим?

У яна нокулай юмуш қилишга.

Ү-бу нарса қолган мархұм қизимдан,

Қозиққа илингтан – бор, олиб кийгин.

Сандиққа сола қол ўзингникуни.

Мавка

Майлига, кийинсам, кийина қолай.

(Күлбага қараб кетади.)

Ү ердан Лев амаки чиқади.

Она

Раҳмат деса бүларди!

Лев

Синглим, нима учун

Түйдирасан доим қызни жонидан?

Гуноҳи борми ё сенинг олдингда?

Она

Сен, яхшиси, аралашма ишимга, ака,

Шукр қилгин, индамаяпман. Қүйиб берса,

Йиғардинг ўрмондаги бор ялмоғизларни.

Лев

Сен ҳам бамаъни гап айтсайдинг бир бор,
 Жон деб эшитардим, аммо ҳозир-чи...
 "Үрмондаги бор ялмоғиз" қайда у?
 Барча ялмоғизлар қишлоқда бўлса...

Она

Эй, сен
 Нимани билардинг... Хўп, ана ўргат
 Ўрмон мурдорини, балки вақт етиб,
 Қачондир кўрарсан ундан яхшилик!

Лев

Кўраман ҳам!
 Асло разил эмас бу ўрмон аҳли –
 Ахир бутун бойлик ўрмондан келар...

Она

(истеҳзо билан)
 Бўлмасам-чи!

Лев

Шундай қизлардан ҳам инсон чиқади!

Она

Қанақа инсон? Ичиб олганмисан?

Лев

Сен, нимани билардинг? Марҳум бобом
 Айтарди, мабодо гапира олса
 Ўрмонликда ҳам бўларди эҳтимол,
 Байни сену мендаги каби жон.

Она

Жоду рухи-чи, у қаерга,
Хүш, қайга йўқолар?

Лев

Яна ўша гап!
Мен, яххиси, бориб ишимни қилай
Бундай сақич чайнаб турғандан кўра!

Она

Бора қол!
Мен халал бермайман!

Лев жаҳл билан бошини силкитганча кулба орқасига ўтиб кетади. Мавка кулбадан кийимини ўзгартириб чиқади: унинг эгнида таранг, елкасига ямоқ тушган бўз кўйлак, гулдор энсиз юбка, йўл-йўл ип газламадан тикилган, ранги ўчган пешбанд, соchlари текис таралиб, иккита қилиб ўрилган ва бошига чамбар қилинган.

Мавка

Мана, кийиниб олдим.

Она

Бу бошқа гап. Мен энди борай,
Товуқлардан хабар олай-чи!
Боргим келар нашазорга ҳам,
Иш тугамас лекин бу ерда,
Сен негадир меҳнатга йўқсан...

Мавка

Нега энди?
Ёрдам берсам, дейман, қўлдан келганча.

Она

Қўлингдан келмайди – ҳамма гап шунда:
Ёрдамчи бўлдинг сен жудаем эпиз.
Ана, пичан йиғсак, бошинг оғриди...
Агар ўроқ ўргин десак, сен дарров...

Мавка

(қўрқиб)

Ўриш? Қандай қилиб?
Бугун ўришимни хоҳлаяпсизми?

Она

Нима бўпти? Ёки байрамми бугун?

(Эшик орқасидан ўроқ олади ва Мавкага узатади.)
Ўроқни ол – ўриб кўр. Ишим битса,
Ўзим ўражакман сенинг ўрнингга.

(Даҳлиздан дон солинган ғалвирни олади-да, қулба
орқасига ўтади. Сал ўтмай, унинг “Чип-чип, жўжала-
рим! Чип-чип...” дея чақираётган овози эшишилади.)

Лукаш кўлида болта ушлаганча чиқиб келади ва ёш қайнин-
симон граб дараҳтини чопиш учун яқинлашади.

Мавка

Тегма, севгилим,
Ахир, у ниҳол-ку, қуримаган ҳам.

Лукаш

Халал берма!
Вақтим йўқ менинг!

Мавка маъюсланиб унинг қўзларига қарайди.

Қайдан топай қуруқ ёғочни?

Мавка

(Үрмөндән тездә қуриган дараҳт олиб чиқади.)
Яна топиб бераман, күп керакми?

Лукаш

Битта ёғоч билан үраб бўларми?

Мавка

Нима учун бундай тунд бўлиб қолдинг?

Лукаш

Қарагин... сени деб онам уришар!..

Мавка

Унга нима қилди? Нима истайди?

Лукаш

Нимани бўларди? Ахир, ўғлиман...

Мавка

Хўш, нима қипти?

Лукаш

Бундай келин дидига мос келмасмиш...

У ёқтирмас ахир ўрмон руҳини...

Меҳрибон қайнона бўлмайди сенга!

Мавка

Қайнона бўлганмас бизнинг ўрмонда,

Келин ва қайнона – нимага керак?

Тушунмайман ҳеч!

Лукаш

Келин керак унга.

Ҳа, ёрдамчи керак – онам қариди,

Бегонани ишга мажбурлаб күр-чи –
Ялчитмас сира... Хизматкор – қыз бўлмас...
Тўғриси, буларни сен тушунмайсан...
Одамлар ташвишин англамоқ учун
Ўрмонда туғилмоқ камлик қиласди.

Мавка

(самимий)

Сен айтиб бер, жоним, мен тушунаман,
Чунки севаман... Ахир, тушундим-ку
Сен найда чалган барча қўшиқларни.

Лукаш

Қўшиқларми? Унга ақл шарт эмас!

Мавка

Ҳақорат қилмагин қалбинг гулини,
Қўшиқдан туғилган ахир севгимиз.
У қирқулоқ-гулдан кўра ғаройиб:
Хазина яратар – лекин очилмас.
Гўёки жисмимда ўзга юракни
Ҳис қилганман дафъатан. Ўша дамлар
Мўъжизайди, оловли...
(бирдан ўз сўзини ўзи бўлиб)
Куляпсанми?

Лукаш

Ростданам кулгили туюлди бирдан...
Кийиминг одмироқ, гапларинг эса
Худди байрамдаги ваъзга ўхшайди.
(Кулади.)

Мавка

(эгнидаги кийимни юлқиб)

Ёқвораман бунинг ҳаммасин.

Лукаш

Кейин ойим ғажисинми?

Мавка

Нетай, бу кийимда сенинг наздингда
Мен түсатдан ўзгариб қолсам!

Лукаш

Үзим ҳам билувдим,
Энди бошланади ҳар хил таъналар...

Мавка

Азизим, мен таъна қилмайман сенга,
Фақат алам қилас, ҳаётингни сен
Үз бўйингга мослаб қура олмайсан.

Лукаш

Негадир гапингни тушунмаяпман.

Мавка

Мен сени борингча севганман, сен-чи,
Ўша ўзлигингни тополмаяпсан.
Холбуки, куйлайди қалбинг шу ҳакда
Чин дилдан, найнинг сохир овозида.

Лукаш

Хўш, айтавер...

Мавка

У яна ҳам гўзалроқ,
Жоним, сени бутун борлиғинг билан,
Барини айтишга ожизман мен ҳам...
*(Унга маъюс муҳаббат билан қарайди ва бир дақиқа
сукут сақлайди.)*

Менга сен най чалиб бергин, азизим,
Қайғуларни қувиб, сарафroz этсин!

Лукаш

Эй, най чалишга сирайм вақтим йўқ!

Мавка

Сен эркала мени, унугтай токи
Ҳамма гап-сўзни.

Лукаш

(аланглаб)

Жим-м! Онам эшитар!
У шундоқ ҳам сени
Суллоҳ деб айтар.

Мавка

(аччиқланиб)

Ҳа! Сиз билан бирга ўсмаган одам
Тушунмас сизни! Демак, мен олғирман!
Нега? Сени шундай севганимгами?
Ё кўнгил ёрганим биринчи бўлиб
Иснодми – юрагим баҳиллик қилмай
Бутун хазинасин пешкаш этгани
Ёки севганига ўзин бағишлаш,
Ундан бирор нарса таъма қилмасдан?

Лукаш

Кейин ҳақ тўлар, деб, умид қилгансан.

Мавка

Яна қандай ғалати сўз – “Ҳақ тўлаш” деган..
Сен менга ҳадялар қилдинг чин дилдан,
Мен ҳам ўзимникин дариғ тутмадим –
Улар ўлчанмаган ва саналмаган...

Лукаш

Демак, ҳаммаси аён,
Биз қарздор эмасмиз бир-биримиздан,
Буни ўзинг айтдинг – эсингда турсин.

Мавка

Нега эслаб қолиш керак буларни?

Она

(кулба ортидан чиқади.)

Мана сизлар қандай ишлаяпсизлар?

Лукаш шошиб ёғочни кулба ортига судраб ўтади.

Агар, истамасанг, ўрма, қизгина,
Мен мажбур қилмайман. Ўзим амаллаб
Ўриб ҳам оларман, кейин куз яқин,
Худо берса, чаққон келин топаман.
Бир бева бор экан – тиниб-тинчимас,
Ўзи одам қўйиб сўраттириби.
Мен айтдимки, Лукаш агар хўп деса...
Хўш, жоним, бера қол менга ўроқни,
Ахир, биласан-ку, бошқа ўроқ йўқ.

Мавка

Ўзим ўраман. Боринг нашазорга.

Сна ялангликни кесиб, кўлга қараб кетади ва қамишлар ортида ғойиб бўлади. Мавка ўроқни силкиб, арпа устига эгилади. Арпазордан Дала париси чиқиб келади; эгнида шаффоф яшил либос, нозиккина қадди-бастини қоплаган олтинранг соchlари кийими остидан кўриниб туради. Бошида бўтакўзлардан ясалган зангори чамбар, соchlарига рандак, мойчечак, девпечак гуллари илашган.

Дала париси

(ёлворганча *Мавкага отилади.*)

Опажон, шафқатингни дариф тутма!
Сен шундай чиройимни нобуд этма!

Мавка

Мен мажбурман...

Дала париси

Ўт поялар чўзилди,
Гул-чечаклар узилди,
Гулчалар-юлдузчалар
Эгатда қайғудалар.
Лолалар алвон эди,
Қорайиб борар энди.
Ё тўкилган қонми у,
Эгатда қотган мангу?

Мавка

Сингилжон, мажбурман! Сенинг чиройинг
Баҳорда очилар янада кўпроқ.
Менинг баҳтим эса, гар бўлса барбод,
Қайта тикланмайди, билгин, умрбод!

Дала париси

(*Қўлларини силкиб, кулфатдан худди шамолда теб-ранган бошоқдек титрайди.*)

Ох, бу кулфат! Менинг кокилим!
Олтин кокилим, толим-толим!
Аччиқ қисмат! Менинг чиройим!
Хазон билмас, ям-яшил доим!

Мавка

Сенинг ҳуснинг узоқ яшамас,
Улар ўсар нобуд бўлмоқقا.

Нега мендан сүрайсан шафқат –
Қасд айлаган мен эмас фақат.

Дала париси

Қарагин, тұлқынлар сайр қилаётір,
Суриниб қирғоқдан қирғоққа.
Изң бер жаннатда яшамоққа
Қарагин, ёз қандай барқ ураётір.
Далаларда арпа бошоқ ётмаган,
Бахтсизлик бизларга ҳали етмаган!
Бир лаҳза сабр қил, фақат бир лаҳза!
Менинг күрким гуллаб, тугайди тезда,
Сүнг ўзи түшалар ерга, унутма...
Шафқат қил. Үзингни қиш каби тутма,
Менга эрк бер, изтиробдан халос эт!

Мавка

Тилагинг бажарсам бўлардим хурсанд,
Фақат ўзим ҳозир эркин эмасман.

Дала париси

(Мавканинг елкасига эгилиб шивирлайди.)
Ўримга берилиб кетиб билмасдан
Қўлни кесиб олиш мумкин эмасми?
Опажон, аянчли аҳволимни кўр!
Фақат бир томчи қон мени қутқарур.
Шу қонга арзимас чиройим, наҳот?

Мавка

(Кўлига ўроқни тортади, Дала парисининг олтин
кокилига қон сачрайди.)

Мана, сингилжоним, бу сенга жавоб!

Дала париси Мавкага таъзим қилиб, миннатдорлик бил-
диради ва арпазорда ғойиб бўлади. Кўл томондан Она юзлари

ширмойдай ёш жувон билан чиқиб кела бошлайди. Жувоннинг бошида ҳошияли қизил рўмол, эгнига майда ва текис бурмалар билан безатилган тўқ қизил юбка; белига таққан яшил пешбанди ҳам бурмали, унга оқ, қизил ва яшил ленталар билан зеб берилган, кўйлагига қизил ва кўк ипдан тўқима кашталар солинган, оппоқ бўлиқ бўйнига тақилган маржондаги тангалар жаранглайди. У ҳошияли тасма билан танасини тортиб боғлаган, шундан думалоқ, биққи тани янада дўмбок кўринади. Жувон шаҳдам қадам ташлайди, кампир эса унинг ортидан аранг етиб олади.

Она

(илтифот билан)

Бу ёқقا, Килина, қайин ёнида
Ҳар хил гиёҳ бор. Мана, бу – дасторбош,
Сиз у билан хўқача буғлайсизми?
Бу, жонгинам, сутни яхши сақлайди.

Килина

Нима қилишниям билмайман сутни!
Савдолар бошланса – идиш олардим.
Сигирни раҳматли эрим қайдандир
Турк моли, деб, олиб келган – у шундай
Серсутки, Художон! Мана далани
Амаллаб турибман, яна кулба бор,
Супир-сиидир деганидек. Эй, холажон,
Бева куюнмаса, иш юрмас экан!
(Лабларини қимтиб, маъюсланиб қолади.)

Она

Сиз дарров ишларни тугатибсизми?
Кўз кўркоқ – кўл ботир, деган гап рост-да,
Мана... бизда фақат бир парчагина ер,
Шунда ҳам юмушлар бўлмайди адо...

Килина

(*Мавка турған әқинзорға қарайди.*)

Ким у,

Үроқ үраётган?

Она

Ха, битта етимча...

(*шивирлаб*)

Худо кечирсину, эпсиз жудаям...

Килина

(*Она билан бирға Мавкага яқынлашаади.*)

Салом, қизгина! Үрим яхшими?

Она

(*құлларини силкиб*)

Вой, шүрим! Ҳали ҳам бошламабди-ку!

Шүрим курсин! Нима қилдинг шунча вақт?

Дангаса! Ярамас! Ишёқмас!

Мавка

(*бүғиқ овозда*)

Құлимни кесиб олдим...

Она

Қандай қилиб?

Килина

Үроқни бера қол – мен ўриб берай.

Мавка үроқни орқасига беркитиб олади ва Килинага ёвқа-
раш қиласы.

Она

Үроқни берсанг-чи! Сеникимас у!

Мавканинг қўлидан ўроқни тортиб олиб Килинага беради.
У жон-жаҳди билан ғаллага ташланади ва шу кадар шитоб билан ўра бошлайдики, ҳатто ўроқ тагида сомон шиғиллайди.

(кўнгли тўлиб)

Мана ишлаш қанақа бўлар!

Килина

(ишдан бош кўттармай)

Кимдир

Ўрамларни боғлаб турсайди

Ўриб ташлар эдим бутун экинни.

Она

(чақиради)

Лукаш! Бу ёққа кел!

Лукаш

(чиқади; Килинага)

Худо қўлласин!

Килина

(ўришда давом этиб)

Раҳмат!

Она

Лукаш,

Ёрдам бергин боғлаб олишга,

Ахир, “ёрдамчимиз” майиб бўлибди.

Лукаш ўрамларни бойлашга киришади.

Болалар, мен борай, майли, сиз ишланг,

Тушликка зўр кисель қайнатиб берай.

(Кулбага қараб кетади.)

Мавка қайин ёнига боради, дарахтга суюниб, узун шохлар орасидан ўроқчиларга қарайди. Килина бирмунча вақт берилб үроқ тортгандан кейин қаддини күтаради, ўрамлар устига эгилган Лукашга қараб қуллади, катта-катта учта қадам ташлаб Лукашнинг ёнига келади-да, унинг елкасига шапатилайди.

Килина

Қани, бўл! Шиллиқкуртдек имиллайсан,
Қандай ишчисан?
(Шарақлаб қуллади.)

Лукаш

(қаддини тиклаб)
Чаққонман, дегин!
Тегма, яххиси! Барибир енгаман!

Килина

(Ўроқни ташлаб, иккала қўлини белига тираиди)
Қани! Ким кимни енгаркин – кўрамиз!

Лукаш унга қараб отиласди, Килина унинг қўлларини ушлаб олади; улар кафтларини бир-бирига тираганча “куч синашадилар”, бирмунча вақт уларнинг кучи тенг бўлиб туради. Кейин аёл кўзларини ўйнатиб, қаттиқ кулганча сал орқага чекинади, Лукаш қизишиб кетиб, унинг қўлларини кенг ёяди-да, ўпид олмоқчи бўлади, лекин лаби аёлнинг лабига тегай деганда, Килина уни оёғи билан чалади, йигит йиқилади.

Килина

(тепасида турганча қулиб)
Ҳўш? Ким кимни енгди? Менмасми сени?

Лукаш

(туради, оғир нафас олиб)
Оёқ билан чалиш – ғирромлик, билсанг!

Килина

Ҳали шунақами?

Кулбада эшик тақиллайди. Килина яна ўришга тушади. Лукаш эса ўрамларни бойлайди. Тез орада ўрилган пайкал қорайиб қолади ва боғламлар билан тұлади. Бир неча қучоқ ўрилган бошоқлар мағлуб бўлган, лекин ҳали боғланмаган асиirlардек қатор ётади.

Она

(даҳлиз остонасидан)

Ўроқчилар, етар! Тушликка келинг!

Килина

Мен ишимни тугатдим, аммо Лукаш
Уддасидан чиқолмаяпти.

Лукаш

Меники ҳам оз қолди.

Она

Сен тугат ишингни, сиз эса келинг!

Килина кулбага қараб кетади. Эшик ёпилади. Мавка қайин орқасидан чиқади.

Лукаш

(Уни кўриб, бироз хижолат тортади, лекин тезда ўзини қўлга олади.)

Э, сенмисан? Ўрамларни боғлаб қўй,
Мен эса кетдим.

Мавка

Менинг кучим етмайди.

Лукаш

Назорат қилгани келдингми унда,

Менга агар ёрдам бермасанг?
(бир ўзи боғлайди.)

Мавка

Айт, унга
Бу ерга бошқа келмасин;
Менга ҳеч ёқмайди, у – айёр,
Худди қундуз каби.

Лукаш

Сен уни умуман билмайсан.

Мавка

Йўқ, овози ва қулгусин эшилдим!

Лукаш

Лекин бу кам-ку!

Мавка

Йўқ, етарли.
Силовсиндек йиртқич у.

Лукаш

Яна нима?

Мавка

У бошқа келмасин бизнинг ўрмонга.

Лукаш

(қаддини тиклаб)

Гўёки сен ўрмон маликасисан –
Кимгадир келишга рухсат берасан,
Кимгадир – йўқ.

Мавка

(қовоғини солиб, таҳдиð билан)
Үралар күп ахир ўрмонда,
Бўронда синган шох билан ёпилган –
На одам, на ҳайвон уларни сезмас,
Тўсатдан йиқилиб тушмагунича...

Лукаш

Яна гапирасан-а,
Ҳийлаю найранг ҳақида – яхши эди жим турсанг!
Ҳа, аёнки, мен сени умуман билмас эканман.

Мавка

Балки, ўзим ҳам ўзимни билмагандирман...

Лукаш

Кулоқ сол: мабодо олдимга кимдир
Келишу кетишин сендан сўрашга
Мажбур қиласиган бўлсанг, яхиси,
Ўрмондан қишлоққа қайта қоламан.
Одамлар ичида нобуд бўлмасман.
Олдингда ўтириш ниятим йўқдир,
Қопқонга тушган бир тулки сингари.

Мавка

Қўйганим йўқ мен сенга қопқон,
Ўз хоҳишинг билан келгансан.

Лукаш

Истасам, ҳа, шундай қайтиб кетаман,
Ҳеч ким мени бунда боғлаб қололмас!

Мавка

Нима сени боғлаб олмоқчимишим?

Лукаш

Бу куруқ сафсата нимага керак?

(Охирги боғламни бойлагач, Мавкага қарамасдан
кулбага кетади.)

Мавка эгатта ўтириб, ғамгин ўйга чўмади.

Лев амаки

(кулба орқасидан чиқади)

Қизгинам, нимага бунча маъюссан?

Мавка

(секин, маъюс)

Ёз ўтяпти, амаки...

Лев

Шуни ўйлаб

Сиқиляпсанми? Фақат, сезишимча,
Самбиттолга кунинг қолмайди қишида.

Мавка

Унда қайда яшайман?

Лев

Меникида,

Кулбам сен туфайли торайиб қолмас...

Нимаям қилардик феъли шунаقا,

Синглим билан келишолмайсан. Мен-ку

Кўп уриндим, бари бефойда... Агар

Хўжайнин бўлсайдим, сўраб турмасдим;

Ўзим бердим уларга кулба ва ерни,

Менда эмас энди ихтиёр. Қишида

Бу ердан қишлоқقا, уйга кетаман...

Сен ўша уйимга борсанг мабодо

Хурсанд бўлардим.

Мавка

Мумкинмас, амаки...
Йўқса, борардим. Мехрибонсиз жуда.

Лев

Мен эмас, қизгинам, нон-туз меҳрибон.
Ҳақиқат шундаки, ўрмон наслини
Яхши кўриб қолдим. Гар куним битса,
Жонивор мисоли ўрмонга қайтгум.
Шу эман остига кўмсингилар мени...
Шундай туармисан, эман азизим,
Оппоқ бошим ерга теккан у дамда?..
Қайда! Мустаҳкам бўларди эмэнлар,
Улар кесиб ташланган ахир... Сен-чи
Совуққа ён берма, жингалак дўстим,
Баҳорга етармиз, Худо хоҳласа?..
(Хассага таянганча маъюс туриб қолади.)

Мавка оҳиста боғламлардаги сўлаёзган чечакларни олиб
бир жойга тўплайди. Кулбадан она, Килина ва Лукаш чиқиб
келади.

Она

(Килинага)
Қаёққа шошяпсиз? Ўтирсангиз-чи!

Килина

Йўқ, раҳмат, холажон, мен борай энди,
Қоронғу тушяпти – йўлдан қўрқаман.

Она

Лукаш, сен кузатиб қўйсанг бўларди.

Лукаш

Ха, майли.

Килина

(унга қараб)

Кўйсангиз-чи, унинг ишлари...

Она

Қандай

Иш бўларди оқшом? Борақол, ўғлим,
Килинани кузатиб қўй йўлгача.
Кечқурун юрмасин ўрмонда ёлғиз,
Қолаверса, ёш, қўркам жувон бўлса,
Бирдан ҳужум қилиб қолмасин биров.

Килина

Вой-бўй Сиз нималар деяпсиз, хола!
Кўрқитиб қўйдингиз энди батамом!
Кеч тушмасин, Лукаш, йўлга тушайлик,
Йўқса, иккимиз ҳам қўрқиб қоламиз!

Лукаш

Мен-а?

Ўрмонда қўрқаман? О-ҳо-о! Ҳечам-да!

Она

Ахир, менинг ўғлим довюрак – ботир,
Сиз уни айирманг бундай шарафдан!

Килина

Йўғ-э, ҳазиллашдим...

(Лев амакини сезиб.)

Вой! Лев амаки!

Уйдамидингиз?

Лев

(Ўзини эшишмаганга солади)

А? Яхши боринг.

(Ўрмонга қараб кетади.)

Килина

Хўп, холажон, саломат бўлинг!

(Кампирнинг қўлини ўпмоқчи бўлади, лекин у қўлини тутқазмайди, оғзини пешбандига артиб, Килина билан уч марта, "маросимдагидек" ўпишади. Килина, кетаётуб)

Омон бўлинг, бизни унутманг!

Она

Келиб туринг, узоқлаб кетманг!

(Кулбага кириб, эшикни ёпиб олади.)

Мавка ўрнидан туради ва секин, худди чарчагандек оғир қадамлар билан кўлга қараб юради, самбиттолнинг эгик шоҳига бориб ўтиради, бошини қўлларига қўяди-да, овозсиз ўйғрайди. Ёмғир майдалаб ёға бошлайди, томчилар қуюқ тўр мисол ялангликни, кулбани ва ўрмонни қоплайди.

Сув париси

(Қирғоққа сузиб келади ва Мавкага бир ҳайрон бўлиб, бир қизиқиб қарайди.)

Мавка, йиғлаяпсанми?

Мавка

Сен ҳеч қачон

Йиғлаб кўрмаганмисан, айт, Сув париси?

Сув париси

О, менми!

Ҳатто бир дақиқа йиғласам агар,

Кимдир ўлгунича кулиши керак!

Мавка

Сув париси! Ҳеч қачон севмаганмисан?..

Сув париси

Мен севмабманми? Йўқ, сен унтибсан,
Ҳақиқий муҳаббат нималигини.
Севги бамисли сув – оқизар, ўйнар,
Оғритар, эркалар, суяр, ғарқ қилар.
Иссиқда у қайнар, совуқда эса –
Музга айланар. Севгим шунақа!
Сенинг севгинг ҳув сомон руҳидаги
Ожиз болакай. Шамолда эгилар,
Тўшалар оёқ остига. Мабодо,
Учқунга дуч келса, курашмай ёнар
Ва ундан қолади фақат қора кул.
Агар уни ҳеч ким писанд қилмаса,
Зах тортиб ётади худди сомондек
Совуқ сувда, беҳуда ўқинч ҳамда
Аччиқ пушаймон ёмғири остида.

Мавка

(бошини кўтариб)

Пушаймон? Лекин сен қайниндан сўра,
У ўтган бир тунда кўклам шамоли
Узун соchlарини тараганидан
Пушаймонми?

Сув париси

Нега унда у маъюс?

Мавка

Новдалари билан қучиб ошиғин
Умрбод бағрига ололмагандан.

Сув париси
Нима учун?

Мавка
Чунки севгилиси – күклем шамоли.

Сув париси
Нечун керак унга бунақа севги?

Мавка
Ёкимли эди у – күклем йигити,
Күшиқ айтиб баргларини ёзганди.
Эркалаб қайнини чамбар ўстирди.
Мехр-ла кокилига сепди шабнам...
У ҳақиқий күклем шамоли эди,
Йўқса, қайнин уни севмасди асло.

Сув париси
Ха, унда энди мотам тутаверсин
Қаро ергача, чунки у умрбод
Шамолни қучолмас – у елиб ўтди.
*(Оҳиста, шалоплатмасдан қирғоқдан узоқлашади
ва қўздан ғойиб бўлади.)*

Мавка яна бошини эгади, узун қора соchlари ерга тушади.
Шамол туриб, кулранг булувларни ва улар билан бирга иссик
ўлкаларга учиб кетаётган қушларнинг қора галасини ҳайдайди. Кейин қучли шамол туриб ёмғирли булувлар тарқалади ва
ўрмон қўринади. У энди ёрқин куз либосида, қуёш ботиши ол-
дидан осмон қуюқ зангор тусга кирган.

Мавка
(секин, чуқур хўрсиниши билан)
Ха... у энди елиб ўтди-ю кетди...

Яланглиқдан Үрмөнлик чиқиб келади. У эскирган тилларанғузун плашда, кийимининг этагида түқ қизил ҳошия, телпаги атрофи хмель шохи билан үралган.

Үрмөнлик

Қизим, қизгинам,
Хиёнатинг учун сенга бу жазо!..

Мавка

(бошини күтариб)

Кимга хиёнат қилдим мен?

Үрмөнлик

Үзингга.

Баланд чўққиларни тарк этиб,
Пастқам, майда сўқмоққа тушдинг.
Қизим, кимга ўхшадинг? Оддий
Чўрига, аччиқ меҳнат билан
Жиндак баҳтга етмоқчи бўлган
Лекин етолмаган, биргина уят
Сақлаб турган уни хору зорлиқдан.
Эслагин-чи, қандай эдинг ўша тун,
Муҳаббатинг энди гуллаган чоғда:
Үрмон маликаси янглиғ чараклаб
Юлдузлар чамбари қора сочингда –
Ўшанда сенга баҳт қучоқ очарди
Сиräям аямай неъматларини!

Мавка

Мен нетай, чамбар ва юрагимдаги
Барча юлдуз сўниб қолгандир, ҳайҳот?

Үрмөнлик

Йўқ, барча чамбарлар сўлиган эмас.

Атрофга назар сол, ҳар ерда байрам!
 Князь шумтол олтин плаш кийибди,
 Ўрмон атиргулида – шода маржон.
 Беғубор оқликдан мағрур туарар гул,
 Қирмизи тус олган булбул куйида
 Сизни унаштирган ўша бодрезак.
 Кекса самбитетту мәъюс қайин ҳам
 Олтин ва қирмизи либос кийиши
 Куз байрамига. Фақат биргина сен
 Гадонинг жулдурин ташлай олмайсан;
 Чунки унугтансан, ҳар қандай қайғу
 Гўзаллик олдида ҳамиша мағлуб.

Мавка

(шиддат билан ўрнидан туради.)
 Менга байрам либосини бер, бобо,
 Ўрмон маликаси бўламан яна,
 Бахт йиқилиб шунда оёқларимга
 Илтифот сўрайди ўтиниб мендан.

Ўрмонлик

Қизим,
 Кўйлак тайёр ахир малика учун,
 Эрка қиз яшриниб юрганди фақат
 Гадодек кийиниб ҳазил-мазахга.

Мантиясини очади ва унинг ичидан шоҳона, олтин билан тикилган порфира¹ ва кумуш кисея² олиб, Мавкани кийинтиради. Мавка бодрезакка яқинлашиб, унинг қизил мевалар ғарқ пишган новдаларидан тезгина синдириб, ўзига чамбар ясади, соchlарини ёйиб юборади, бошига чамбарни қўндириб, Ўрмонликка таъзим қиласи. У Мавканинг бошига кумуш толали тўр рўмол ташлайди.

¹ Порфира – тантанали маросимларда кийиладиган узун устки кийим.

² Кисея – нозик юпқа мато.

Энди хотиржамман мен сендан.

(Унга бош силкиб, мағрур, шахдам одимлар билан
аңглийка қараб юради ва құздан ғойиб бүлади.)

Үрмондан Перелесник югуриб чиқади.

Мавка

Яна сенмисан?

(Қочмоқчи бүлади.)

Перелесник

(менсімай)

Күркма, сени деб келганим йүқ. Анов

Дала парисини излаб келгандым,

Лек қарасам, ухлаб қолибди. Афсус...

Нега бунча рангинг оқарган?

Мавка

(мағрур)

Сенга шундай туюлган!

Перелесник

Шундай туюлган? Яхшилаб қарай-чи!

(Унга яқынлашади, Мавка ортга чекинади.)

Нимадан күркяпсан? Ахир, биламан,

Унаштирилгансан – тегмайман сенга.

Мавка

Йүқол! Мазах қилма!

Перелесник

Ачық қилмагин,

Кел, биродар бүлайлик!

Мавка

Сен билан-а?

Перелесник

Нима бўпти?

Куёш совиган кузда

Бизнинг ҳам қонимиз совиди. Ахир,

Биз яқин бўлгандик сен билан бир пайт -

Севишдикми ёки ўйнадик - билмам -

Энди дўстлашайлик. Кўлингни бергин!

Мавка журъатсизлик билан қўлини узатади.

Изн бер, акалик меҳри-ла

Рангпаргина бетингдан ўпай...

Мавка ўзини четга олади, лекин Перелесник барибир уни
ўпади.

О, гуллар

Гўёки чеҳрангда яшнади бирдан -

Кузнинг беғубор япроғи билан.

(Унинг қўлларини қўйиб юбормай атрофга аланглайди.)

Қарагин, ҳув ана учмоқда шу он

Ҳавода тебраниб, тўлғониб мезон.

Биз ҳам шундай...

(Бирдан уни рақсга тортади.)

Ҳа, биз ҳам шундай!

Ошиқамиз, отиламиз

Даврага!

Юлдузга, ёрқинга,

Олтинранг учқунга,

Ёруғ нур сочаётган оловларга -

Ўша ялтир-юлтур,

Ўша нурдай учқур,

Ловуллаб қўчаётган оловларга!

Мана мен ҳам...

Мана мен ҳам...

Учқун каби бўл, азизам, сен ҳам!

Шитоб билан айланишади, рақс авжига чиқади. Мавка-нинг юзидағи кумуш тўр худди ялтироқ илонга ўхшаб тепага учади, қора соч ўримлари ечилиб, Перелесникнинг оловранг жингалак соchlарига қўшилиб кетади.

Мавка

Етар!.. Оҳ, бас қил!

Перелесник

Учқун чақнагандা,
О, ҳатто бир лаҳза тўхтама, дилдор!
Бахт бир жойда турмас,
У тарк этажак, бас –
Абадий учажак шундан фусункор!

Рақс телбавор тус олаверади.

Ҳа, дўстлашамиз биз,
Гир-гир айланамиз
Қуюндеқ сарҳадни!
Турамиз, чопамиз,
Албатта, топамиз
Оловли жаннатни!

Мавка

Етар... Қўйвор мени... Мен... ўляпман.

(Унинг боши Перелесникнинг елкасига тушади, қўл-лари осилади, у толикқан Мавкани рақсда ел каби учиради.)

Бирдан ер остидан қоп-қора, қўрқинчли Арвоҳ пайдо бўлади.

Арвоҳ

Бер, у меники! Қўйвор уни!

Перелесник

(тўхтайди ва қизни қўйиб юборади, Мавка ҳолса
майсага ҷўзилади.)

Сен кимсан?

Арвоҳ

Ростданам сен мени танимайсанми?

Мен ўша – Чўққида ўтирувчиман.

Перелесник чўчиб тушади, тез ҳаракат қилиб нарига қочади ва ўрмонда ғойиб бўлади. Мавка ўзига келиб, ўрнидан кўзғалади, кўзларини катта очиб, уни олиб кетиш учун қўлларини узатаётган Арвоҳга даҳшат билан қарайди.

Мавка

Йўқ, асло ёнингга бормасман, ёху!

Истамайман! Ахир, мен тирикман-ку!

Чўққида ўтирувчи

Мен сени олиб кетаман узок ўлкага –
Ному нишонсиз, тинч, сиёҳдай сувлари билан
Марҳумлар қўзидек сокин, оромбахш юртга;
У ерда чўнг ва гунг чўққилар адл турар
Турли-туман ҳодисаларга гувоҳ бўлиб.
У ер жимжит. На-да дараҳт, на-да майсалар
Шитирламас. Уйқусизликдаги ўй-хаёл,
Беҳуда орзу-ниятлар дилни ўртамас.
Минбаъд етиб бўлмас эркинлик ҳақидаги
Кўшиқларни айтмас шамол. Ва ёнмас сира
Куйдирувчи олов. Чақмоқлар чақнаётиб
Чўққига тегиб синар ва ёриб чиқолмас

Абадий зулмат ва сокинлик күрғонини.
Сен ўша олис ўлкада яшашинг керак,
Рўйинг ўчар ўтдан, ҳаракатинг бўлар суст,
Сенинг бахтинг соядир. Сен тирик эмассан!

Мавка

(туроди)

Йўқ, тирикман! Юрагимда барҳаёт туйғу,
Шу боис ўлим йўқ менга. Яшайман мангу!

Чўққида ўтирувчи

Сен буни қайдан биласан?

Мавка

Чунки севаман

Азобимни мен, унга ҳаёт бахш этаман.
Сен шуни билиб қўй, ўзим истасам агар
Уни унутишни, шунда кетардим сен-ла.
Лекин ҳеч қанақа куч, бил, бутун оламда
Ўзим истаган имконни менга беролмас.

Ўрмонда одам қадамларининг овсзи эшигилади.

Ана келяпти, шу азобни берган одам,
Йўқол, арвоҳ! Мана, менинг барча умидим!

Чўққида ўтирувчи коронғу ялангликка қараб чекинади ва
кўринмай кетади. Ўрмондан Лукаш чиқиб келади. Мавка унга
пешвоз боради. Унинг юзи ёрқин либосларига номутаносиб
тарзда жонсиз қа рангпар бўлиб кўринади. Жон бераётган
умид унинг катта, қеп-қора кўзларини янада кенгайтириб
юборган, ҳаракатлари эса худди ичиди нимадир узилаётган-
дек кескин, нотекис ва ғалати.

Лукаш

(уни кўриб)

Бунчаям кўрқинчли! Нима истайсан?

(Кулбага қараб шошади, эшикни тақиллатади, она эшикни очади, лекин күрингемайды. Лукаш останада туриб, гапиради.)

Она, тоғорангни тайёрла, майли,
Бизлар Килинага совчи йўллаймиз!
(Кулбага киради.)

Эшик ёпилади. Чўққида ўтирувчи яширган жойидан чиқиб, яқинлаша бошлайди.

Мавка

(эгнидан порфиранни юлиб олиб)

Олиб кет мени! Йўқликни истайман!

Чўққида ўтирувчи Мавкага кўл теккизади, қиз чинқириб, унинг қўлларига йиқилади. Чўққида ўтирувчи Мавканинг устига ўзининг қора плашини ёпади. Улар ер тагига кириб кетишиади.

УЧИНЧИ КЎРИНИШ

Шамолли, булутли куз туни. Ойнинг сўнгги сариқ нурлари яланғоч шохлар орасида сўнади. Уккилар инграйди, бойкушлар хохолайди, япалоққушлар аччиқ чинқиради. Тўсатдан ҳаммаёқ бўрининг чўзиқ, ғамгин улишига тўлади, улиш борган сайин кучаяди ва тўсатдан узилади. Сукунат чўқади.

Кеч кузнинг заҳил тонги ота бошлайди. Барглари тўкилиб битган ўрмон кулранг осмондаги дағал қора доғдек кўринади, унинг пастки қисмида сийраклашаётган зулмат ёйилади. Лукаш кулбасининг оппоқ деворлари кўзга чалинади. Деворлардан бирида кимнингдир танаси қорайиб кўринади; ҳолсиз эшик кесакисига суюниб турган кимсанинг Мавка эканлиги элас-элас англашилади. Мавка қора либосда, кулранг сидирға кисеяда, фақат кўксига мўъжазгина бодрезак дастаси. Тонг отиб, ялангликда, бир вақтлар юз йиллик эман кўкарган жой-

да катта түнка күринади, сал нарироқда, янги, ҳали ўт-ўлан билан қопланмаган қабр ҳам күзга ташланади. Ўрмондан кулранг свита¹ ва бўри мўйнасидан қалпоқ кийган Ўрмонлик чиқиб келади.

Ўрмонлик

(кулба ёнидаги кимсага қараб)

Сенмисан, қизим?

Мавка

(унга яқинлашиб)

Ҳа, менман.

Ўрмонлик

Наҳот, Чўққида ўтирувчи

Сени озод қилган бўлса?

Мавка

Йўқ, ёвуэлигинг билан сен қутқардинг.

Ўрмонлик

Қасоскорликни ёвуэлик дейсанми?

Қасос – мен ҳаққоний қайтардим жавоб,

Ҳа, сенга хиёнат қилган кимсага!

Адолатданми унинг бўридек дайдиб

Ўрмонда тентиган саргардон, ёлғиз

Чорасиз касларни авраб юриши?

Энди у чинакам ёввойи махлук!

Майли, зорлансин у, майли, увласин,

Майли, ташна бўлсин инсон қонига –

Ёвуэ аламлардан қутуолмайди!

¹ Свита – украинларнинг чакмонсимон узун кўйлаги.

Мавка

Лекин мен уни қутқардим,
Хурсанд бўлмай қўя қол. Юрагимдан
Мен охир сеҳри бир сўзни топдим –
Ҳайвонни одамга айлантиради.

Ўрмонлик

(жаҳлдан ер десиниб, ўз ҳассасини қарсиллатиб
синдиради.)

Арзимайсан ўрмон қизи бўлмокқа!
Руҳинг эркин эмас, ўрмонникимас,
Қишлоқ руҳи сенда, мутелик руҳи!

Мавка

Оҳ, ўзинг билганингда эди,
Қанчалар қўрқинчли бўлганлигини.
Мен рутубатли, ҳа, қоронғу, чуқур
Совуқ форда тошдек қотиб ухладим.
Қоянинг мустаҳкам деворларини
Ёриб киргач ўзгарган овоз – чўзик,
Ёввойи ва ўта қайғули улиш –
Сим-сиёҳ, жонсиз сув узра таралиб
Уйғотди ғорларда ўлган садони...
Уйғондим ва ер остидаги қайғум
Вулқондай портлатди биқиқ даҳмани,
Яна чиқдим ёруғ дунёга. Сўзлар
Менинг гунг тилимга бағишлади жон,
Ва мен мўъжиза яратдим... Билдимки,
Насиб бўлмас экан менга унутиш.

Ўрмонлик

Ҳўш, қани у? Нега ёнингда эмас?
Наҳот, унинг нонқўрлиги абадий
Худди сўқир муҳаббатинг сингари?

Мавка

Ох, агар күрганингда эди,
Бобожон! У одам қиёфасида
Оёқларимга йиқилди – кесилган
Шумтолдек ва менга күзларин қадаб
Боқди ҳасрат тұла нигоҳлар билан,
Ох, унда изтироб, тавба-тазарру...
Шундай қарай олар одам боласи...
Оғиз жуфтламасдан ҳали мен сүзга
У-чи сакраб турди, лом-мим демасдан
Титроқ күллари ила түсіб юзини
Жарликка, төрнзорга отилди,
Үша ерда күздан йүқолиб қолди.

Үрмонлик

Энди нима қиласан?

Мавка

Билмайман... Мен энди бир соя каби
Кезаман шу кулба ёнида. Ундан
Воз кечишига кучим етмайди... Фақат
Юрагим сезяпти – қайтиб келар у.

Үрмонлик сукутга чүмиб, ғамгин бош чайқайды. Мавка яна
деворга сұянади.

Үрмонлик

Бечора болам,
Нега бизни ташлаб кетдинг йүқликтікка?
Түққан үрмонингда ҳаловат йүқми?
Қара, самбиттол ҳам сени кутмоқда,
Юмшоқ тұшак солиб қүйған сен учун,
Йүлингга күзи түрт, андуң чекади.
Бор, ором ол!

Мавка

(секин)

Йўқ, иложим йўқ, бобожон.

Ўрмонлик оғир хўрсиниб, секин-аста ўрмон томонга кетади. Ўрмондан кимдир отни жон-жаҳди билан чоптиргандек жадал ва бетартиб дупурлаган товуш эшитилади-ю, кейин тўсатдан тинади.

Куц

(қўлларини ишқалаб, кулба ортидан сакраб чиқади ва Мавкани қўриб тўхтайди.)

Э, сенмисан, Мавка, шу ердамисан?

Мавка

Сен нега бу ерда изғиб юрибсан?

Куц

Тулпорнинг ёлидан тортиб келтирдим,

У эса беармон сайр қилдирди.

Энди миндирмайди бошқа ҳеч кимни!

Мавка

Ўрмонни иснодга қўйдинг, лаънати!

Қандай келишгандинг амаки билан?

Куц

Келишув ҳам ўлган у билан бирга.

Мавка

Лев амаки ўлдими?

Куц

Ана қабри.

Эман остига күмгандилар, лекин
Тұнканинг ёнида ётар бечора.

Мавка

Ха, иккови ҳам үтибди... Амаки
Билар эди қишдан чиқмаслигини...
(Қабрга яқынлашади.)
Ох, юрагим йиғламоқда сен учун,
Дүсти ягонам! Бұлса эди менда
Ҳаётбахш күзёш, суғорардим ерни,
Сүлмас бўригуллар ўстирап эдим
Сенинг қабрингда. Бечораман энди,
Хазон бўлган баргдек чирқиллар қайғум...

Куц

Менга ярашмайди қайғуга ботиш,
Лекин тан өламан, ачиндим чолга.
Биз билан муроса қилиб яшарди.
Қора эчки боқар эди гоҳида
Отлари ёнида, фақат мен учун.
Мен эчкида чақмоқ каби елардим,
Отлари эса турар эди хотиржам.
Манави хотинлар яшаши билмас,
Билмас муросани. Эчкини сотиб,
Кесиши эманни. Шартни бузиши.
Мен ҳам аламдан энг яхши отларин
Үлгудек чоптиридим, янги олишса –
Яна минаман. Шайтоннинг дояси
Ялмоғиз молларин нобуд қиласи,
Бизнинг кимлигимиз – билиб қўйиши.
Сув ажинаси ғарамларини ҳўллаб,
Богинкалар нонни моғор қилиши,
Безгак-чи, уларни қақшатар, кўлни
Каноптола билан булғашганига.

Үрмонда яхшилик кутмасин улар,
Злиденлар изғир кулба ёнида.

Злиденлар

(кичкина, ҳолдан тойған, юзларида очлик азоби
абадий муҳрланиб қолған махлуктар қулбанинг орқа
бурчагидан чиқиб келишади.)

Шу ердамиз. Ким чорлаяпти бизни?

Мавка

(эшикни тұсих учун югуради)

Йүқөл! Кетинглар!
Сизни ҳеч ким чақыргани йүқ!

Злиденлардан бири

Учган сүз –
Қайтмайди ортга.

Злиденлар

(остонаға үтириб олишади.)

Биз жуда очмиз!
Тезроқ эшикни очиша зди!

Мавка

Киритмайман у ерга!

Злиден

Бизга егулик бер!

Мавка

(құрқұв ичра)

Лекин менда ҳеч вақо йүқ...

Злиден

Бер, ҳеч бўлмаса, анави
Бағрингга босиб турган бодрезакни!

Мавка

Бу – менинг қоним!

Злиден

Нима бўпти? Биз севамиз қонни!

Злиденлардан бири унинг кўксига отилиб, бодрезакни сўра бошлайди, бошқалари эса бодрезакни татиб кўриш учун уни итариб, тортқилашади, ўзаро тишлашиб, итдек ириллашади.

Куц

Тўхтанглар, ҳой, у одам эмас!

Злиденлар тўхташади, тишлари такиллаб, очликдан қақшай бошлашади.

Злиден

(*Куцга*)

Егулик бер, йўқса, ўзингни еймиз.

(*Куцга ташланишади, у четга қочади.*)

Куц

Ҳой, ҳой! Секинроқ!

Злиденлар

Бизлар очқаб кетдик!

Куц

Шошманглар, мен хотинларни уйғотай,

Сизга овқат бўлар, менга томоша.

(*Бир ҳовуч кесак олиб деразага отади, ойна синади.*)

Лукаш онасининг овози

(*кулбада*)

Вой! Нима бу? Яна жинларми?

Куц

(Злиденларга шивирлаб)

Кўряпсизми, уйғонишиди. Ҳадемай,
Сизни чақиришар. Энди жим туринг,
Йўқса, кампир сизни шундай лаънатлар,
Даф бўласиз дарров – у бунга уста.

Злиденлар остона ёнида қора тўда каби ғужанак бўлиб
оладилар. Кулбадан, синган ойна орқали онанинг ўрнидан
тургани кўринади, кейин унинг овози, ана ундан сўнг Килина-
нинг овози эшитилади.

Она овози

Кун ёришган, анави ухлаб ётар.

Килина! Эй, Килина! Уйғонсанг-чи!

Тошдай қотгур, эй, турсанг-чи... Тур! Эй, тур...
Уйғонмасанг, умуман турма!

Килинанинг овози

(уйқу аралаш)

Нима гап?

Она

(заҳарханда)

Сигир соғиш вақти етди,

Серсут, туркнинг наслдор сигирини,
Марҳум эринг сотиб олган сигирни.

Килина

(уйғониб)

Йўқ, мен нариги сигирни соғаман,
Фақат уч томчи сут сеғиб оламан –
Бир қадоқ ёғ чиқар.

Она

Гапини бермас!
Ким айбдор, сигир серсүт бўлмаса?
Сендек келин, бека билан... Вой, шўрим!
Шу ҳам келинми? Сен қайдан келдинг
Бошимизга бир бало бўлиб?

Килина

Ким айтди сизга
Совчи йўлласин деб? Бунда юради
Бир ислики қиз – сиз ана ўшанга
Яхши либос бериб ясантирсангиз,
Бўларди чиройли, меҳрибон келин!

Она

Нима деб ўйловдинг? Бўлар эди, ҳа,
Лукашим нодон-да – сени танлади;
У қиз шундай юввош, меҳрибон эди,
Ярангга малҳамдай боссанг бўларди...
Уни камситмасдан, ўзингга бир бок,
Бир яшил кўйлакни неча бср тикиб,
Ҳалиям судрайсан – уялмайсан ҳам!

Килина

Сизда янги кўйлак кийиб бўларми?!
Эржоним шамолдек елиб юрибди,
Мен қаттол қайнона зулми остида,
На хотинман, на бева – ғирт аросат!

Она

Қайси эр сен билан ўтира олар?
Шум офат! Еб битирдинг бор-йўғимни
Болаларинг билан – ана, ҳаммаси! –
Злиденлар ёпишсин-да сизларга!

Килина

Ким чақирса, ёқасига ёпишсин!

(Шу гапларни айттаётіб, кулба эшигини очади.)

Күд ботқоққа кочиб кетади. Злиденлар сакраб туриб дахлизга кириб олишади. Килина құлида челак билан үрмөндеги жилғага қараб шитоб билан боради ва чепакни шарақлашиб сув олади, ортга эса бироз шошмасдан қайта бошлайды. Эшик ёнида бемадор деворга суюниб турган, юзига кулранг кисеяни ёпиб олган Мавкага күзи тушади.

Килина

(тұхтайди ва чепакни ерга құяди.)

Бу ким бүлди? Менга қара, мастмисан?

Ёки музлаб қолдингми?

(Мавканинг елкасидан ушлаб силкитади.)

Мавка

(Худди оғир чарчоқ билан курашаёттандек)

Уйқу элитаяпти...

Қишки уйқу...

Килина

(унинг юзини очади, Мавкани таниб)

Нега бу ерга келдинг?

Меҳнатинг учун ҳақ түлашмаганми?

Мавка

(худди аввалгидек)

Менга ҳақ түлолмас бирорта одам.

Килина

Кимни излаб келдинг? У бу ерда йүқ.

Биламан, сен уни излаб келгансан!

Иқрор бүл - у сенинг ошиғингмиди?

Мавка

(хүдди ўшандек)

О, ўшанда ажойиб
Тонг отган эди, бугунгидек эмас...
Аллақачон ўчган у...

Килина

Сен ақлдан озгансан!

Мавка

(хүдди ўшандек)

Мен эркинман, ғалати қандоқ...
Булут күкда сузар тумтароқ.
Сузар маъюс қайғуга чўмиб...
Қайда қолди зангори чақмоқ?

Килина

(унинг қўлидан тортиб)

Бор! Мени чалғитма! Нега турибсан?

Мавка

(гўё ҳушига келгандай, эшикдан нарига чекинади)

Сиз қандай баҳтлисиз, кўриб турибман.

Килина

Сен-чи, мўъжизага ўхшаб туравер!

Мавка бирдан барглари қуриган, шохлари эгилиб тушган
самбиттолга айланади.

(Ҳайронликдан ўзига келгач, душманлик билан)

А-ҳа! Зап вақтида топиб айтибман!

Лекин сен узоқ вақт бундай турмайсан!

Болакай

(кулбадан югуриб чиқади, Килинага)
Ойи, қаердасиз? Қорнимиз очди,
Бувим овқат бермаяпти!

Килина

Нари тур!
(Болага эгилиб, паст товушда)
Мен сизларга пирог олиб қўйганман,
Бувинг уйдан чиқса, еб оласизлар.

Болакай

Куруқ самбиттолни ким суқиб қўйди?
Айтинг, нега?

Килина

Сенга ҳаммаси қизик.

Болакай

Мен най кесиб оламан.

Килина

Кесавер, ачинмагин ҳеч.

Болакай самбиттолдан бир шоҳ кесиб олади ва кулбага қайтади. Ўрмондан Лукаш чиқиб келади. У озиб кетган, соchlари ўсан, эгнида свита, бошида қалпоғи йўқ.

(Уни қўриб, хурсанд бўлиб қичқиради, лекин аллақандай ички алам дарров шодлигини босиб кетади.)

Ҳа, келдингми? Қаерларда қолиб сен –
Шунча вақт тентидинг?

Лукаш

Сўрама мендан.

Килина

Ха, сўрамайман ҳам.
Санқиб, дайдигансан қайда, жин билар,
Қай мақсадда? Яна “Сўрама” эмиш.
Азизим, сўрашга ҳожат йўқ сира...
Биламан, дунёда қовоқхона бор,
У ерда, албатта, қалпоғинг қолган.

Лукаш

Борганим йўқ қовоқхонага.

Килина

Қайси аҳмоқ бунга ишонар?
(айтиб-айтиб йиғлайди)
Бошимни умрбод балога қўйдим
Сен ароқхўрни деб!

Лукаш

Жим бўл! Увиллама!

Килина унга қўрқув билан қараб, тек қотади.

Мана энди сен билан гаплашаман!
Амакимнинг эмани қани? Гапир!

Килина

(аввал довдираиди, кейин ўзини тутуб олади)
Нима ҳам қиласардик, очлик қўймади!
Савдогарлар келиб, сотиб олишди,
Бахтга элтармиди эман дегани!

Лукаш

Ахир, Лев амаким
Кесмайман деб қасам ичганди.

Килина

Лев амаки ўтди дунёдан,
 Нимага арзийди энди қасами?
 Бизники эмас-ку бу қасам – тамом!
 Мен бутун ўрмонни сотиб юборсам,
 Кессам дарахтларни хурсанд бўлардим –
 Қанча ер очилар жинлардан холи.
 Бунда оқшом тушса, қўрқади одам.
 Қўрқинчли ўрмондан бизга нима наф?
 Тентиймиз бетиним бўридек дайдиб,
 Шу ҳолда ростданам увлаб қоламиз.

Лукаш

Ўчир овозингни! Гапирма! Жим бўл!
(Унинг овозида даҳшатли қўрқув сезилади.)
 Нималар деяпсан?
 Ўрмонни сотиш... кесиш... Хўш, ўшанда
 Бўлмайдими... Сен айтгандек?

Килина

Нима?
 Бўрими...

Лукаш

(унинг оғзини ёпади)
 Гапирма!

Килина

(силтаниб, ундан халос бўлиб)
 Худодан қўрқ!
 Мастсан, эсинг оғтан, қўзиккансан ё?
 Кулбага кир.

Лукаш

Мен ҳозир... бораман...

Фақат... фақат... сув ичиб олай.

(Тиз букиб челякдан сув ичади. Кейин ўрнидан туриб, рўпарасига тикилганча, ўйга чўмиб қолади.)

Килина

Хўш? Нега бундай ўйланиб турибсан?

Лукаш

Менми? Шундай... Билмайман...

(журъатсизлик билан)

Ҳеч ким келмадими менинг йўғимда?

Килина

(қатъий)

Ким келиши

Керак эди бу ерга?

Лукаш

(бошини эгиб)

Билмадим...

Килина

(кеқ билан, заҳарханда қулиб)

Сен билмасанг,

Ҳа, балки мен биларман.

Лукаш

Сен?

Килина

Хўш, нима?

Ахир, мен биламан, кимни қутяпсан,

Лекин күз тутишинг бари беҳуда!
У энди оғочга айланиб қолган...

Лукаш
Нималар деяпсан?

Килина
Эшигтан гапингни.

Она
(кулбадан югуриб чиқади ва қучогини очиб Лукаш томонга йўналади. Уонаси билан совуққина кўришади.)
Ўғлим менинг!
Ўғилгинам!.. Вой, қанча азоб чекдим
Бу ялмоғиз билан!

Лукаш
(титраб)
Қайси ялмоғиз?

Она
(Килинани кўрсатиб)
Мана бу билан!

Лукаш
(аччиқ кулиб)
Бу ҳамми? Демак, тақдирингизда бор,
Ҳа, ялмоғизларга қайнона бўлиш.
Ким айбдор? Сиз-ку, уни мақтаган.

Она
Аввалроқ билганимда эди, унинг
Бу қадар бетартиб, беғамлигини!..

Килина
(гапга қўшилиб)

Вой, шўргина!
Ким айтаяпти? Сендай ялмоғизни,
Сендейин заҳарни дунё кўрмаган!
Сени онанг, Лукаш, шундай балоки,
Ҳатто темирниям ғажиб ташлайди!

Лукаш
Сен эса
Темирдан қаттиқсан, демак.

Килина
Сендан ҳимояни кутиб бўларми!
Она қандай бўлса, ўғил ҳам шундай!
Уйлангандинг ўзи қандай хаёлда,
Фақатгина мени хўрлаш учунми?

Она
(Лукашга)
Нега энди сен
Оғзингни юм, демайсан унга? Нечун
Мен унинг таънасин тинглашим керак?

Лукаш
Ҳеч курса, бир соат ором беринглар!
Худо хоҳласа, мен нафақат кулба,
Ёруғ дунёни ҳам ташлаб кетаман!

Килина
(онаага)
Хўш? Сиз шуни кутганмидингиз?

Она
Сен ҳам шуни куттил
Туққан ўғлингдан!

(Жаҳли чиқиб қулбага қараб кетади. Остонада қўлида най билан югуриб чиқсан Килинанинг ўғилчасига дуч келади.)

Бор, йўқол, злиден!

(Болакайни итариб юбориб, қулбага киради ва эшикни тарақлатиб ёпади.)

Болакай

Келдингизми, дада?

Лукаш

Ха, ўғилчам.

(“Ўғилчам” деган сўзни истеҳзо билан айтади.)

Килина

(ранжиб)

Айтгин унга, сени қандай чақирсин –

Амаки, дебми?

Лукаш

(биroz хижолат тортиб)

Йўғ-э, ҳечқиси йўқ...

Кел, қани бу ёққа, миттивой, қўрқма.

(Болакайнинг бошини силайди.)

Найни ўзинг ясадингми?

Болакай

Ха, ўзим,

Лекин чалишни билмадим. Агар сиз!..

(Лукашга найни узатади.)

Лукаш

Менинг даврим ўтган аллақачонлар!..

(Маъюс ўйга толади.)

Болакай

(йиғламсираб)

Демак, хоҳламайсиз? Ойижон, нега,
Дадам менга найни чалиб бермайди?

Килина

Яна нима? Шу най керакми сенга!

Лукаш

Қани, найни бу ёққа бер-чи!

(найни олади.)

Яхши.

Самбиттолдан ясадингми?

Болакай

Ха, мана бундан.

(Мавка айланиб қолган самбиттөлни күрсатади.)

Лукаш

Уни бу ерда күрмагандим аввал.

(Килинага)

Сен ўтқаздингми?

Килина

Ким ҳам ўтқазарди?

Самбиттол новдаси ўсиб кетибди.

Сувда ўсган каби – ёмғир фасли-ку!

Болакай

(инжиқланыб)

Нега чалмаяпсиз?

Лукаш

(ўйчан)

Чалсаммикин?

(Найни чала бошлайди, аввал секин, кейин баландроқ чалади, кейин бир вақтлар Мавкага чалиб берган “Веснянка” күйини чалади. Тұстадан най одам овози билан күйлай бошлайди.)

Күй бунчалар саркашдир,
Дилимга үт туташди.
Үртанар оппоқ сийнам,
Юрак ёнар, күзда нам...

Лукаш

(найни құлидан тушириб юборади.)
Вой! Бу қандай най бўлди? Сеҳр! Сеҳр!

Болакай қўрқиб кулбага қочиб кетади.

Айт, сен жодугар, бу қандай самбиттол
(Килинанинг елкасидан ушлайди.)

Килина

Қўйвор мени, буни қайдан биламан?
Ўрмон жинси билан таниш эмасман –
Сени яқинларингдек. Гар истасанг,
Чопиб ташла уни, ол болтани, ол!
(Даҳлиздан болта олиб чиқиб беради.)

Лукаш

(Болтани олиб, самбиттолга яқинлашади, дараҳт танасига болта уради. Дараҳт титраб, қуруқ барглари шитирлайди. У иккинчи марта болта уради ва қўлини туширади.)

Йўқ, унга қўл кўтара олмайман, йўқ...
Юрагимни эзди нимадир...

Килина

Менга бер-чи!

(Лукашнинг қўлидан болтани тортиб олади ва қулочкашлаб самбиттол танасига уради.)

Шу пайт осмондан илонизи метеор бўлиб Перелесник учиб тушади ва самбиттолни кучоқлайди.

Перелесник

Кутқараман сени, менинг севгилим!

Бирдан самбиттол ловуллаб ёниб кетади. Олов дарахт учига етгач, кулбага ўтади, сомонли томни ишғол қилгач, бутун кулбани қамраб олади. Лукашнинг онаси ва Килинанинг болалари “Ёнаяпти! Ёнаяпти! Вой-дод кутқаринг, ёнғин!” деб қичқирганча кулбадан отилиб чиқишиади.

Она билан Килина оловдан тортиб олиш мумкин бўлган нимаики нарса бўлса, барини олиб чиқишига уриниб, югуриб-елишиади. Қопларда ва тугунларда ғужанак бўлиб олган Злиденларни олиб чиқишиади, улар тезлик билан яна қопларга беркинишиади. Болалар чеклак билан кўлга югуришиади, оловга сув сепишиади, лекин олов янада кучлироқ ловуллайди.

Она

(Лукашга)

Нега қаққаясан? Мулкингни қутқар!

Лукаш

(Худди ғулга ўхшашиб жингалак олов билан қопланган тўсинларга бақрайиб)

Мулк? Балки ёвузлик ёнаётгандир?

Тўсинлар қарсиллаб қулайди, учқунлар устундан юқорига отиласди, шифт ўпирилиб тушади ва бутун кулба гулханга айланади. Оғир оқ булат яқинлашиади, қор ёғади. Тез орада бўра-лаётган қор орасидан ҳеч ким кўринмай қолади, фақат пир-

пираб турган қип-қизил доғ ёнғин бўлган жойни билдириб туради. Кейин қип-қизил доғ ҳам ўчиб, қор сийраклашганда қоп-қора куйиндилар кўринади, у намлиқдан бурксиб, вишиллайди. Лукашнинг онаси, Килинанинг болалари ва тугунлар кўринмайди. Ёғаётган қор ортидан ёниб битмаган пичанхона, арава ва деҳқончилик жиҳозлари кўзга ташланади.

Килина

(кўлида охирги тугун билан Лукашнинг енгидан тортиб)

Лукаш! Шу туришда қотиб қолдингми?

Менга тугун ташишга қарашсанг-чи!

Лукаш

Сиз злиденларни олиб чиқдингиз.

Килина

Тилингни тий! Сен нималар деяпсан?

Лукаш

(секин, ғалати қулги билан кулади)

Мен сен кўрмаган нарсани кўраман...

Энди мен донишмандман...

Килина

(қўрқиб)

Нималар деяпсан?

Вой, қўрқиб кетяпман... Сенга не бўлди?

Лукаш

Нега қўрқасан? Нодонлиқдан қўрқмай,

Донишманддан қўрқасанми?

Килина

Оҳ, Лукаш,

Қишлоққа борайлик!

Лукаш

Йүқ, мен бормайман.
Үрмөндан кетмайман. Қоламан бунда.

Килина

Нима ҳам қилардинг бу ерда?

Лукаш

Ахир,
Нимадир қилиш шартми?

Килина

Биз қандай яшаймиз?

Лукаш

Яшаң ҳам шартми?

Килина

Эй, нима бўлди ўзи сенга?
Айрилиб қолдингми ё ақл-ҳушдан?
Балки қўрқув сени шу қўйга солди.
Тезроқ қишлоққа борайлик, фолбинга
Айтай, қўрқувингни қувиб ҳайдасин!
(Унинг қўлидан тортади.)

Лукаш

(Унга лоқайд қулги билан қарайди.)

Хўш, унда ким

Бу култепани қўриқлади?

(Арава ва майдо-чуйдаларга ишора қиласди.)

Килина

(омилкорлик билан)

Вой, ростдан! Яна ташиб кетишса-я!
Ёнғиннинг дарагин эшитса борми,
Қишлоқдан югуриб келар одамлар!
Лукаш, сен шу ерда тура тур, майли,
Мен бориб битта от олиб келаман –
Ахир, бизнинг отлар нобуд бўлди-ку!
Неки бўлса, элтиб қариндошларга,
Ёлворамиз сақлаб беринг деб...
Вой, шўрим! Жон сақлаш керак-ку, ахир!..
(Охирги сўзларини ўрмонга қараб югуриб кетаётганида айтади.)

Лукаш уни эши билар-эши билас кулги билан кузатади. Тез орада Килина кўзга кўринмай кетади. Ўрмондан узун оқ кўйлакда ва қадимий усулда ўралган дока рўмолда қандайдир баланд бўйли аёл танаси чиқиб кела бошлайди. У худди шамолда тебрангандек гандираклаб келади; йикиласи, баъзан тўхтайди ва ниманидир излагандек эгилади. Яқинлашиб келиб, ёнғин бўлган жой олдида ўсган маймунжон бутаси ёнида тўхтаб, қаддини тиклайди. Шунда унинг Лукашнинг юзига ўхшаб кетадиган озғин юзи кўринади.

Лукаш

Айт-чи, кимсан? Нега келдинг бу ерга?

Аёл танаси

Мен – бахтиқаро Қисматман.
Оҳ, мени бу чангизорга
Ўэбошимчалик ташлаган.
Энди тушиб изтиробга,
Соя каби изғияпман.
Йиқиляпман ерга ҳамон, қайтиб бўлмас жаннат томон
Сўқмоқ топмай тўзғияпман.
Оҳ, чамаси, у сўқмоқни
Босиб қолган қорлар оппоқ.

Мен ўзимни чангалзорга
Абад күмиб қўйдим, э воҳ!..

Лукаш

Қисматим, қани сен синдири,
Ҳеч қурса, ҳув, маймунжонни.
Супир-сидирга, инчунин, қорлардан тозалаш учун
Кичик сўқмоқ-йўл томонни.

Қисмат

Қачонлардир авжи баҳор -
Ўрмонда мен сайдир этганман.
Белги бўлар деб сўқмоққа
Бир ғаройиб гул экканман.
У гулни сен ҳазон этдинг,
Оёқларинг билан топтаб...
Чоратрофни босди бурган, мен излайман - борми кўрган,
Нигоронман бир йўл истаб?

Лукаш

Қисматим, қўлларинг билан
Оча қол сўқмоқ изини.
Қор остидан тополмайсан
Ғаройиб гул илдизини?

Қисмат

Қўлларим муз бўлиб қотди,
Ҷимиirlамас ҳатто бармоқ...
Оҳ, аччиқ ыйғлаб юрибман, кўриб ва билиб турибман,
Мендан нишон қолмас мутлоқ.
(Инграганча юради.)

Лукаш

(унга қўлларини узатиб)

Қисматим, ох, ортга қайт,
Сенсиз қандай яшай, айт!

Қисмат

(Лукашнинг оёғи остига, ерга ишора қилиб)

Унут бўлиб – ёлғиз, нотавон,

Кесилган шу шоҳ каби нолон!

(Гандираклаганча кетади ва қоричра ғойиб бўлади.)

Лукаш Қисмат кўрсатган ерга эгилади, ўша ерга ташланган, самбиттолдан ясалган найни топиб, қўлига олади ва оппоқ яланглик бўйлаб қайнининг олдига боради. Узун, қордан оқарган шоҳлар тагига ўтириб, найни қўлида айлантиради, гоҳо худди боладек илжаяди. Қайн ортидан оҳиста оқ, шаффоғ аёл танаси чиқиб келади ва Лукаш устига энгашади. Унинг юзи Мавканикига ўхшаб кетади.

Мавканинг танаси

Чал, кутавериб юрак толди,
Мендан фақат шу нарса қолди.

Лукаш

Ҳа, бу сенми? Келдингми, хунхор мисол
Қонимни ичгали? Ичгил, bemalol!

(Кўксини очади.)

Қоним билан яша! Чунки мен бебок,
Ҳа, сени ўзим қилганман ҳалок...

Мавка

Йўқ, севгилим, сен

Менга жон баҳш этдинг, гўёки личоқ

Гунг самбиттолга сас бергандек у чоқ.

Лукаш

Жон бахш этдим? Танни йүқотдим, э воҳ!
Ким бўлдинг энди сен? Соясан! Арвоҳ!
(Мавкага таърифга сиғмас ҳасрат билан қарайди.)

Мавка

О, танимга ачинма жиндей!
Лов-лов ёнган ўтга кўчди у,
Соф ва ёрқин, бамисоли май,
Учкун бўлиб қўкка учди у.
Назар солгин, сен майин кулга,
Тупроқ билан жобажо бўлар.
Ёш самбиттол бўй чўзар кунга,
Интиҳом ҳам ибтидо бўлар.
Қошимга келади одамлар,
Жуда кўп одамлар келади.
Бошлиб келар қувончу ғамлар –
Юрагим барини билади.
Уларнинг дардини аритар,
Самбиттол новдасин шивири.
Найнинг майин овози етар,
Яна маъюс шабнамнинг сири...
Мен куйлайман билганларимни.
Сенинг қўшиғингни айтаман.
Баҳор чоғи кулганларимни...
Ўша ўтмишимга қайтаман!
Севгилим, чалақол, ёлвораман!

Лукаш най чала бошлиди. Аввал унинг куйи қиши шамолидек ғамгин, йўқотилган, лекин унугтилмас ниманингдир армонидек қайгули бир оҳангда янграйди ва кўп ўтмай, севги куйи ғолиб келиб, ҳасратли оҳангларни босиб кетади. Мусиқа ўзгаришига қараб, атрофдаги қиши манзараси ҳам туслана боради: қайин жингала япроқларини шитирлатади, гуллаётган ўрмонда баҳорий товушлар акс-садо беради, хира қиши куни

ёркин, ойдин баҳор тунига айланади. Мавка бирдан аввалги гўзаллиги билан, бошида юлдузли чамбар билан кўринади. Лукаш баҳт чорлови билан унга қараб отилади.

Шамол дараҳтлардаги оппок гулни узади. Гул учиб-учиб, севишганларни беркитади, кейин қуюқ қор бўрони бошланади. Бўрон сал тингганда эса яна қиши манзараси намоён бўлади. Дараҳт шохлари оғир қор залворидан эгилган. Лукаш бир ўзи қайинга суюниб ўтирибди, қўлида най, кўзлари юмуқ, лабларида баҳтли табассум қотиб қолган. У қимиirlамай ўтиради. Қор унинг бошига телпак бўлиб тушади, унинг бутун танасини қоплайди ва тинимсиз ёғаверади...

25 июль 1911 йил

МУНДАРИЖА

Акмал САЙДОВ. Истөйдөд жилолари	3
Юртдан олисда	10
Күк гумбаз	12
"Бағрингдабеш кунлик меҳмон.."	13
Умр поёнида Муқаннанинг хаёлидан кечганлари	14
"Бир сўз бор.."	15
Ватан	16
Шаҳрисабз қўшиғи	18
Истиқбол йўли	20
Ўзбекистоннинг ilk жаҳон чемпионига	21
Мутолаадан сўнг	22
Ватан сурати	22
Қашқадарё ёшлари қўшиғи	23
Оlam жавҳари	24
Соҳибқирон	25
Бугуннинг одами	27
Дунёнинг иши	29
Ҳасби ҳол	29
Саратон	32
"Тим қаросочларим.."	33
Сонет	34
"Довулдайдоридидардларгадармон.."	35
Ҳадик	36
Бахт	36
Одам ва омад	37

"Тиқ этса қанийди..."	37
Түртликлар	38
... га	56
Тазод	56
Туюқ	56
Видо (Достон)	57

Т а р ж и м а л а р

<i>Якуб Колас (Белорус)</i>	
Ўрмон	72
Янги йилга	73
<i>Іван Франко (Украина)</i>	
Боқий ҳаёт ҳақида афсона	74
Соҳибжамол қизгина	83
"Сен, фақатгина сен..."	84
<i>Іван Бунин (Россия)</i>	
"Нақадар нурағшон..."	85
Оқшом	85
"Бугун тунда кимдир..."	86
"Қандай осойишта..."	86
"Биркун келиб..."	87
Биринчи булбул	87
"Ёлғизқаршилайман..."	88
"Қаровсизбоғдаги..."	88
"Шеърият-сўз билан..."	88
"Баҳорий туйғулар..."	89
<i>Евгений Евтушенко (Россия)</i>	
"Балким, кунлар..."	90
"Ваҳки, мен хаёлан..."	90
На-да биринчи бор ва на сўнгги бор	91
<i>Ақбар Рисқұл (Қирғизистон)</i>	
Ота юрт ўғлонларига	92
Умид ва ҳадик	93
Томчилар	94
Полапон билан одам	95

• НИЛИЙ НАҚШЛАР •

Севимли қүшиқ	96
Леся Українка (<i>Украина</i>)	
Үрмөн қүшиғи (Драма).....	97

Адабий-бадиий нашр

Сирожиддин РАУФ

НИЛИЙ НАҚШЛАР

Шеърлар, достон ва таржималар

Мұхаррир Дилрабо Мингбоева
Бадиий мұхаррир Фаррух Эрматов
Мусақхың Дилфузда Маҳмудова
Саҳифаловчи Азамат Қаюмов

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
«ADABIYOT NASHRIYOTI» МЧЖ

Нашриёт лицензияси: № AA 0043. 27.01.2020
100129, Тошкент, Марказ 15. 1/90.
(+98) 127-30-04.

Босишга 2021 йил 18 марта рухсат этилди.
Бичими 84x108 $\frac{1}{16}$. Офсет босма. "Cambria" гарнитураси.
Шартли босма табоги 13,44. Нашриёт босма табоги 26,0.
Адади 1000 нусха.

23.700 =



Адиб
ба
жамият

Сирожиддин
РАУФ

НИЛИЙ
НАҚШЛАР



“ADABIYOT”
NASHRIYOTI

ISBN 978-9943-6782-3-1



9 789943 678231